

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 792.7**

ИКРОМОВ ШАҲОБИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**“ЗАМОНАВИЙ ЭСТРАДА ТОМОШАЛАРИДА ПРОДЮСЕРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ”**

5A150401 – Режиссёрлик (оммавий тадбирлар режиссёрлиги)

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар:
Педагогика фанлари номзоди,
профессор Сайфуллаев Б.С.**

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I боб.	Продюсерлик касбининг назарий асослари	
1.	Продюсерликнинг касб сифатида вужудга келиши ва ривожини	12
2.	Продюсернинг ижодий фаолияти ва унинг турлари	22
	I боб бўйича хулоса	35
II боб.	Замонавий продюсернинг эстрада ижодий гуруҳи билан ишлаш фаолиятининг таҳлили	
1.	Эстрада томошасини тайёрлашда адабий-бадий материални танлаш ва таҳлил қилишда продюсернинг ўрни	38
2.	Ижодий гуруҳ билан ишлашда гуруҳга дифференциал ёндашувнинг аҳамияти (ижтимоий-педагогик, ижтимоий психологик)	59
	II боб бўйича хулоса	68
III боб.	Ижодий жараёни ташкил қилишда продюсернинг ижодий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари	
1.	Ижодий жараёни ташкил этишда замонавий продюсернинг мақсад ва вазифалари ҳамда иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш усуллари	71
2.	Продюсерлик фаолияти тизимида таваккалчиликни бошқариш ва бизнес режа	84
	III боб бўйича хулоса	96
	Хулоса	99
	Адабиётлар рўйхати	104
	Илова	107

Агар биз Ўзбекистонни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак¹.

И.А.Каримов

КИРИШ

Маънавиятни, маданиятни ва санъатни, қолаверса, ижодкори ва санъаткорини улуғлаган халқ тенглар ичида тенгсиз, улуғлар ичида улуғ ва ягона юртга айланиши шубҳасиз тарих исботлаган ҳақиқатдир.

Президентимиз И.А.Каримов “... миллий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.” – каби сўзларида ўтган асримизда халқимиз бошига тушган мусибатларнинг нечоғлик асоссиз эканлиги, миллий қадриятлар ва маънавиятимизга бўлган беписандлик каби иллатлар мустақиллик туфайли барҳам топганлиги, халқимиз ҳаётида уйғониш юз берганлигини таъкидлаб ўтган.

Миллий мустақилликка эришганимизнинг яна бир шарофатли натижаси шу бўлдики, жаҳон тарихида катта ўрин тутган ўзбек халқининг маънавияти ва санъати қайта жонланди. Иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий юксалиш йўлида ҳар томонлама мукамал ўйланган ислоҳотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга халқимизнинг асрий анъаналарига, исломнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан ижодий фойдаланиб, ўзимиз танлаган тараққиёт тамойилларига таяниб, озод ва обод ватан, эркин ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 139-140.

фаровон ҳаёт асосларини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш вазифаси олдимизга мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб кўпгина энг муҳим ва устувор масалалар қатори ёшлар тарбиясига, хусусан, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”¹.

Ёшларнинг эстетик руҳда тарбия топишида байрам ва томошаларнинг катта ўрни бор. Давлатимиз раҳбарининг “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”² – деб таъкидлаган сўзлари, байрам ва маросимлар маънавият негизи эканлигини, маънавиятнинг бош мақсади эса тарбияга қаратилганлигини билдиради.

Тарбия тизимида байрам ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида ҳам байрамнинг аҳамияти катта.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 29.

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг барча соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу ҳол замонавий оммавий байрам ва томошаларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бу ислохотлар ичида инсон камолоти ва унинг маънавий-маърифий тарбияси алоҳида ўрин тутди. Санъат жумладан байрамлар инсонларни гўзаликка чорловчи, бирлаштирувчи воситадир. Байрам шундай бир ижтимоийликка ҳар қандай даврда ҳам унинг бош мақсади инсон тарбиясидир. “Бугун, Ватанимиз, юртимиз XXI асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажиги сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз иймон-этикод туйғуси билан йўғрилиб, кучайиб бораётган бир пайтда, ўз тарихий илдизларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллий театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман”¹, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда санъат ва маданиятга катта эътибор берилмоқда.

Саҳна шундай бир минбарки, ундан туриб ичингдаги дардинг, қувончу изҳорларинг ва бошқа ҳис-туйғуларингни бемалол айтишинг мумкин. Театр санъати, мусиқа, рақс ва бошқа санъат турлари орқали ҳам инсонларни тарбиялаш, уларга эстетик завқ бағишлаш, эзгуликка ундаш каби мақсадлар қўйилганки, уни амалга ошириш учун эса ижрочининг маҳоратига таяниш тўғри натижадир.

Президентимизнинг “Албатта, ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш – барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий. Бу мақсадларга эришиш учун ёш ва истеъдодли

¹ Каримов И.А. “Миллий театримиз - ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш, айниқса долзарб аҳамият касб этади.”¹ - деб таъкидлаган фикрларида санъатнинг айниқса юксак кучга эга эканлигини, бу соҳани юксалтириш учун ёшларга эътибор қаратиш кераклиги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини билиб олиш мумкин.

Демак, санъаткорлар даврининг ўзига хос тарғиботчиси ва ташвиқотчисидир. Саҳна эса тарбия ва маънавият масканидир.

Илм-фаннинг илдам тараққиёти (бадий фикрлаш ва маълумотларни қабул қилиш) янги технологияларни вужудга келиши натижасида замонавий санъат ўзининг юқори ижодий нуктасига кўтарилди.

Ҳозирги кунда ҳар қандай санъат асари ўз тилига, “код”ига ва белгисига эга бўлган мукамал тизимдир. Унинг тилини, белгисини тушуниш учун маълум интеллектуал билимлар талаб этилади. Ҳақиқий томошабин бадий ижоднинг алифбосини, бадий образни, театрнинг тилини тушуна олиши лозим².

Замонавий санъат, ижодкорлардан тиришқоқликни талаб қилиб, томошабиннинг диққатини жалб қила олиш учун ҳар бир саҳнани тасавурида яратиб, визуаллаштира олишдек талабни қўймоқда.

Мана шу талаблардан келиб чиқиб, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида продюсерлик касби вужудга келди. Бу касб дастлаб АҚШда, сўнг Ғарбий Европада ва қолган мамлакатларда оммалашиб, ривожлана бошлади.

Хўш, продюсернинг ўзи ким? Нима иш билан шуғулланади?

Продюсер касби вужудга келгунга қадар санъатда, продюсернинг айрим вазифаларини бажарадиган турли йўналишлари мавжуд бўлган.

Масалан:

- Маъмур (администратор) лойиҳани амалга оширишда, барча гуруҳларнинг иш фаолиятларини олиб боришларига жавоб берган;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 145.

² Кирилёв А. Согласительность как форма жизни. ПСФ. 1999. № 6. – С. 73.

- Антипренёр – театр санъати соҳасидаги ишбилармон бўлиб, у бир маротабалик шахсий театр лойиҳаси билан шуғулланган;

- Импресарио – унинг вазифаси тайёр маҳсулотни сотиш бўлиб, ижарага жой топиш, чипталарни чоп этиб, уларни тарқатишдан иборат бўлган;

- Менежер – ёлланма ишчи бўлиб, лойиҳани амалга оширишда иштирок этмай, балки, охирида қўшилган.

“Продюсер” сўзи (ингл. producer < лот. producere) “яратиш”, “ишлаб чиқариш” деган маънони англатади. Продюсер санъат борасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиявий, маъмурий, технологик ва юридик йўналишларда бошқаради¹. Ижодий жараёнда, лойиҳани амалга оширишда у ўз маблағини сарф қилиши ёки четдан ҳомийлар маблағини жалб қилиб, молиявий назоратни амалга оширади.

Продюсерлик касби бир қанча турларга бўлиниб, бир-биридан фарқланади. Булар қуйидагилар:

- театр продюсери;
- муסיқий продюсер;
- ўйин продюсери (компьютер ўйинлари саноатида);
- фильм продюсери;
- телевидение продюсери;

Республикамызда продюсерлик касби эндигина шаклланиб, ривожланмоқда. Асосан нодавлат телевизион каналларда, шахсий кино ва театр студияларида продюсерлар фаолиятини кузатишимиз мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида санъат рақобатбардошлигини, ўз-ўзини молиявий таъминлай олишини, яратилаётган бадиий асарларни томошабинга оммавий равишда етказишда продюсернинг хизмати беқиёсдир. Шу билан бирга санъат бозорида томошабинни кўпроқ қайси мавзу, муаммо, масалалар қизиқтиришини, бу истак ва хоҳишлардан келиб

¹ «Основы продюсерства» аудиовизуальная сфера. Под. ред. Огурчикова П. М., 2003. – С. 21.

чиққан ҳолда санъат асари яратилиши продюсернинг асосий вазифаларидан биридир.

Қўшиқчини бирор тадбир ёки тўй-ҳашамларда олиб юрган маъмурлар ўзларини продюсер деб атайдилар... Лекин, бу ном замирида қандай функциялар ва вазифалар ётганини билмайдилар. Албатта, продюсерда санъатнинг қайси бир йўналиши бўлмасин, олий маълумот бўлиши, ўз соҳасини мукамал билиши лозим. Маъмур билан продюсер ўртасида катта фарқ бор. Лекин афсуски, Ўзбекистон Олий ўқув юртларида продюсерлик соҳасига ихтисослашган таълим йўналишлари ёки мутахассисликлари ҳозиргача мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Ҳозирги кунда эстрада ва оммавий томошалар инсон маънавияти ва маърифатига фаол таъсир қила оладиган, кучли таъсирчан воситаларга эга бўлган санъат туридир. Эстрада ва оммавий томошалар, томошабинга маънавий озуқа беради. Айниқса, бугунги кунда замон талабига жавоб бера оладиган, замон қахрамони образини очиб бера оладиган томошаларни яратиш талаб қилинмоқда. Агар томошаларда минглаб иштирокчилар қатнашишини, ҳисобга олсак, композицион жиҳатдан мукамал, томошавий томошаларни яратиш долзарбдир.

Ҳозирги техника ва технологиялар ривожланган даврда, таъсирчан воситаларни, барча имкониятларни тўлиқ қўллай оладиган продюсерлик касбини расман шакллантириш долзарб масаладир.

Бу соҳанинг республикада энди шаклланаётган, ёш соҳалигини ҳисобга олиб, бу соҳада фикрлай оладиган, кучли фантазия, ташкилотчилик, молиявий қобилиятга эга бўлган продюсерларни тарбиялаш асосий вазифадир.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши: Тадқиқот объекти қилиб эстрада ва оммавий томошаларда продюсернинг тутган ўрни белгиланди. Ривожланган давлатлардаги машҳур продюсерларнинг

илғор тажрибаларига асосланиб, продюсернинг кўп қиррали иш фаолияти тадқиқотнинг предмети қилиб белгиланди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Тадқиқотда республикамызда яратилаётган, санъат асарларини, айниқса эстрада ва оммавий томошаларни рақобатбардош, томошавий, композицион жиҳатдан мукамал, замон талабига жавоб бера оладиган продюсерларни такомиллаштиришни мақсад қилиб қўйдик.

Бу мақсад ва вазифаларни ўрганишда жаҳоннинг энг йирик продюсерларининг, олимларнинг изланишларига таяндик. Ушбу мақсадни амалга оширишда илмий таҳлил қилинган вазифалар аниқлаб олинди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқот асосига қуйидаги масалалар ва фаразлар асос қилиб олинди:

- эстрада ва оммавий томошалар таъсирчанлигини оширишда, продюсер ишининг эффективлигини ривожлантиришда шахсий ёндашувни янада мукамаллаштириш;

- ижодий гуруҳ билан ишлашда дифференциал ёндашувнинг услубларини ишлаб чиқиш;

- ижодий фаолиятни ташкил этишда продюсернинг иқтисод, ҳуқуқ, менежмент борасидаги фаолиятни шакллантириш услубларини тадқиқ этиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Тадқиқотнинг методик асосини жаҳоннинг машҳур продюсерлари ижодий фаолиятлари, ижодга бўлган шахсий ёндашувларининг характери, улар амал қилган қонун-қоидалар асос қилиб олинди.

Бу соҳада илмий изланиш олиб борган продюсер ва олимлардан Алексеев И., Аркус Л., Сильянов С., Йозефавович Г., Кирилёв А., Кокерев И., Криштул Б., Кошкин В., Поль Н., Лазурас Ш., Рыбин А., Сильянов С., Черномыс С., Корнеев С., Огурчиков П., Смелянский И., Кравцов Ю., Родянский А., Брукхаймер И., Тальберг И., Слезник Д.ларнинг ишлари ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:

Тадқиқотда кузатув, сўров, ҳужжатларни ўрганиш услубларидан фойдаланилди. Республикамизда ва жаҳонда ўтказилаётган замонавий эстрада ва оммавий томошалар чуқур кузатиш услуби орқали ўрганилиб, продюсерлик касбининг технологияси таҳлил қилинди. Санъаткорлар орасида ўтказилган сўровлар, продюсер керакми ёки йўқми, деган саволга ойдинлик киритишга ёрдам берди. Ҳужжатларни ўрганиш продюсерлик касбидаги молиявий, ташкилий-ҳуқуқий, ижодий-бошқарув, тактика, стратегияни қандай қўллаш услубларини очиб беришга ёрдам берди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотда продюсернинг ижодий фаолияти, эстрада томошасини тайёрлашда адабий-бадий материал билан, ижодий гуруҳ билан ишлаш услублари, иқтисод, молиявий, ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш қоидалари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг амалий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлди:

- эстрада томошалари лойиҳаларини амалга оширишда бошқарув шаклларини ишлаб чиқиш;
- эффектив фаолият олиб боришнинг услубларини аниқлаш;
- санъатдаги ижодда шахсий факторни, менежерлик қобилиятини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- продюсерлик касбини эстрада ва оммавий томошаларнинг бадий баркамоллигини таъминлашдаги тутган ўрни.
- продюсер иш фаолиятидаги турли услубларнинг моҳиятини очиб бериш.
- ижодий жараёни ташкил этишда продюсернинг ижодий гуруҳ билан ишлаш усулларини намоён қилиш.
- молиявий смета тузиш, иқтисодий масалаларни ҳал этиш қоидалари.
- сўнги, рақобатбардош маҳсулот яратиш ва реклама.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи: Диссертация кириш, уч боб, олти параграфдан иборат бўлиб, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

I БОБ. ПРОДЮСЕРЛИК КАСБИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Продюсерликнинг касб сифатида вужудга келиши ва ривож

Продюсерлик касби 1910 йил Голливудда шакллана бошлаган. Дастлаб продюсер кино олиш жараёнида ижодий, молиявий, ташкилий масалаларга жавоб берган. Шу тарика Америка киносида продюсерлар ўзига хос мавқега эга бўлдилар.

Машхур продюсер Ирвин Тальберг Америка киносида ўзига хос ўринга эга. Тальбергнинг кинода қилган меҳнати эвазига ўлимидан сўнг, АҚШ киноакадемияси Ирвин Тальберг номли мукофотни таъсис этди. Бу мукофот ҳар йили энг яхши продюсерларга берилади.

Йилдан йилга продюсерга бўлган талаб ошиб борди ва бу касб Фарбий Европага ҳам кириб келди. Айниқса эстрада шоу томошалари, телевидение, театрларда ҳам продюсерга бўлган талаб ошиб борди.

XIX асрда томошабин театрга актёр учун ташриф буюрган бўлса, XX асрда режиссёр ижодини томоша қилишга келган бўлса, XXI асрда продюсернинг меҳнатини томоша қилишга ошиқадилар. Шиддат билан ривожланаётган замон зайли XXI асрни “продюсер театри асри” деб номласа шубҳасиздир. Айнан мана шу касб эгаси асарни танлаб, режиссёр ва актёрларни таклиф қилиб, маблағни гаровга қўяди. Спектаклнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги ҳам айнан продюсерга боғлиқ.

Продюсерлик касби – сирли касбдир. Оддий қилиб айтганда лойиҳага пул топувчи одам. Бу янги фильм бўладими, спектакль, концерт, диск, клип, теледастур бўладими барчасига маблағ топиш керак. Профессионал нуқтаи назардан қараганда, бу соҳанинг асосини маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг (фильм, спектакль, клип ва ҳ.к.) барча этапларини ўрганиш ташкил этади. Продюсердан томошабинни билиш ва ҳурмат қилиш талаб этилади.

У режиссёрнинг ғоясини тушуна олиб, уни амалга оширишга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилган фазилатлар билан бирга продюсер молиялаштиришни, ҳисоб-китоб қилишни яхши билиши лозим. Айниқса, менежер вазифасини ҳам бажара олиши лозим. Менежмент – бу инглизча сўз бўлиб, инглиз тилининг Оксфорд луғатида берилган тарифга биноан у: “бошқарув ҳокимияти ва санъати”, “ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалари” тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, менежмент – бу бошқарув, яъни ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир¹. Шу нуқтаи назардан бошқарув – бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва уни бажарилишини назорат қилишдир.

Продюсер фаолиятининг ижобий натижа бериши, энг аввало, танловни тўғри бажара олишга, маъқул ва ишончли қарорни қабул қила олишга боғлиқ. Масалан, юқори фойда олиш учта жиҳат бўйича тўғри танловни ва ишчан қарор қабул қилишни талаб қилади (1-илова).

Ҳаражат – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва уни сотиш, ҳамда иш ҳақи тўлашга сарфланадиган маблағлар йиғиндисидир.

Ҳаражат таркибига:

- маҳсулот (хизмат) тан нархи;
- маъмурий ҳаражатлар;
- ижара ва фоиз тўловлари;
- иш ҳақи;
- солиқлар киради.

Бозор иқтисодиётида продюсернинг танлаш қоидаси янада жиддийлашади. Зеро, ишлаб чиқариш “хизмат” учун ресурслар тўғри танлангандагина ва улардан самарали фойдалангандагина ҳаражатлар юқори фойда келтириши мумкин.

¹ Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: “Ўқитувчи” 2001. –Б. 5.

Наф – бу маҳсулот “хизмат”нинг истеъмолчига қанчалик ижобий натижа келтиришидир.

Баҳо – бу товар ва хизматларнинг пулда ифодаланган қийматидир. Баҳо иккита асосий вазифани бажаради.

Биринчи вазифа:

- ресурслар истеъмолини чеклаш имкониятини беради;
- ишлаб чиқариш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи вазифа:

- ишлаб чиқаришни бошқаришни;
- ўз-ўзини бошқаришни;
- ҳудудий бошқариш ва ҳоказолар¹.

Бошқариш назариясининг дастлабки куртаклари қадим замонларга бориб тақалиб, Ю.Цезарь, А.Македонский, Туркистонда эса, Амир Темур ҳукмронлиги вақтидан бошлаб шакллана бошлаган. Дастлабки пайтларда у оддий бўлиб, асосан ҳарбий тавсифга эга бўлган.

Ўша давр менежерлари ҳарбий интизомни ўрнатиш мақсадида одамларни жазо билан кўрқитиш, ҳар қандай буйруқ ва фармонларга сўзсиз итоат қилиш каби усулларни қўллаганлар. Бундай бошқарувга меҳнат ресурслардан фойдаланиш, улардан иложи борица кўпроқ қўшимча қиймат ундиришнинг ғоятда самарали услуби деб қаралган. Амир Темур даврида марказлашган, интизомли давлатнинг барпо этилганлигига ҳам Соҳибқироннинг ўз қўл остидагиларни “кўрқув билан умид ўртасида ушлаш” бўйича бошқаргани сабаб бўлган.

Капитализм тузумининг бошланғич даврида тадбиркор – мулк эгаси ишлаб чиқаришни ўзининг шахсий тажрибасига таяниб бошқарган. XVIII асрнинг охирларида Англияда бўлган саноат инқилоби бошқарувга бўлган қизиқишни янада кучайтиради.

Аммо, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср чегарасида техника ва технологиянинг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши

¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: “Ўқитувчи”. 2001. – Б 6.

бошқаришни мураккаблаштириб юборади ва уни махсус бошқарувларни талаб этувчи, фаолиятнинг махсус соҳасига тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқаришнинг самарали усулларини излашга олиб келади. 50-60 - йилларда бошқарувнинг диққат марказида ташкилий таркиби турган бўлса, 60-70 - йилларда стратегик режалаштириш вужудга келиб, 80 - йиллардан бошлаб эса илғор ғарб фирмаларида стратегик режалаштиришдан, стратегик бошқарувга ўтилди.

Менежментнинг маркетинг назарияси билан уйғунлашуви, бошқарувнинг бозор концепциясини вужудга келтиришга асос бўлади.

“Илмий менежмент” мактаби XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Америкада шакллана бошлади. Бу мактаб бошқача ном билан, яъни “Бошқарувнинг мумтоз мактаби” деб ҳам юритилган. Бу мактаб ибтидосида Америкалик муҳандис ва ихтирочи Ф.Тейлор (1856-1915) турган эди. Унинг назарияси кейинчалик “Тейлоризм” деган ном олган. У яратган тизим эса ишчиларнинг “сиқиб сувини олиш”нинг илмий хизмати деб аталган.

Ф.Тейлор, “Бошқарувнинг мумтоз мактаби”ни яратишга асос солади. У яратган бошқарув мактаби фақат Америкада эмас, балки Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам турли назария ва оқимлар кўринишида ривожланиб борди.

Ф.Тейлорнинг замондоши ва ишининг давомчиси Америкалик иқтисодчи Г.Эмерсон меҳнатни илмий ташкил қилиш бўйича йирик мутахассислардан бўлиб, у бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг комплекс, системали тизимини ишлаб чиқиш усулларини “Меҳнат унумдорлигининг ўн икки принципи” номли асарида ёритган.

А.Файол бошқарув фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган француз олимидир. А.Файол ўзининг бой, амалий тажрибасини “Умумий ва санъат бошқаруви” (1916) китобида умумлаштирган. Унинг илгари сурган қуйидаги бошқарув ғоялари айнан продюсерларга ҳам тегишлидир.

1. Меҳнат тақсимоти
2. Ваколат ва масъулият
3. Интизом
4. Якка бошлик
5. Йўналишнинг бир хиллиги
6. Шахсий манфаатларни умумий манфаатга бўйсундириш
7. Ходимларни тақдирлаш
8. Марказлаштириш
9. Бошқарувдаги иерархия
- 10.Тартиб
- 11.Адолат
- 12.Ташаббус
- 13.Корпоратив рух

Мана шу билимлар продюсерларга турли лойиҳалар устида ижодий иш олиб боришда кўл келиб, продюсерлик соҳаси ривожланди. Ҳозирги кунда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида санъатда фаол иш олиб бормоқдалар. Театр, кино, телевидение, оммавий байрам ва томошаларда, эстрада томошаларида, цирк томошаларида, спорт байрамларида иш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳам АҚШнинг “Голливуд” кинокомпанияси продюсерларининг меҳнати туфайли жаҳондаги энг йирик кино саноати ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Ушбу кино саноатда Дэвид Слезник, Жеймс Кемирон, Б.Брукхаймер, Стивен Спилберг, Роберт Земикс, Дэвид Хаймак, Кристин Вашон, Эммануэль Любьецки, Лоуренс Бендер каби номдор продюсерлар кино дурдоналарини яратишга муваффақ бўлдилар.

Машҳур ўзбек режиссёри Шухрат Аббосов, Латиф Файзиёвнинг Ҳиндистон билан ҳамкорликда олинган “Али бобо ва қирқ қароқчи” фильмига продюсерлик қилган.

Продюсер билан режиссёрлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб, гоя ва мақсад сари бирга ижод қилиш намуналари юзага келди. Бу эса

санъатнинг барча соҳаларида продюсерлик касбининг ривожланишига туртки бўлди.

Россиялик продюсер А.Родянский ўзининг “Выходит продюсер” номли китобида, продюсер ва режиссёрнинг ҳамкорликдаги услубларига тўхталиб, уни чуқур таҳлил қилган.

Продюсер лойиҳани ўйлаб топиб, яхши сценарий ва режиссёрларни топади. Республикамизда шахсий кино студияларда продюсерлар ижодий фаолият олиб бормоқдалар.

Продюсерлик касби бир қанча турларга булинади.

1. Театр продюсери.
2. Мусиқа продюсери.
3. Кино продюсери.
4. Телевизион продюсер.
5. Ўйин продюсери (компьютер ўйинлари санъатида)

Продюсер санъатнинг қайси турида фаолият юритмасин (телевидениедами, эстрада йўналишидами ёки театрдами) ташкилий ишлар бўйича тажрибага эга бўлиши лозим. Продюсер ўзидаги ижодий ва менежерлик сифатларини умумлаштириши, ўз ғоялари билан одамларни жалб этиш учун жараёни тушуниши ва билиши, ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак. Лекин бу касбда чуқур билимга эга бўлмай туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ўқиш, ўрганиш, тажриба ошириш жуда ҳам керак.

Ўз навбатида продюсерлик касби бир нечта тармоқларга бўлинади.

1. Ассоциатив продюсер – чекланган функцияларни бажаради.
2. Йўналтирувчи продюсер – бир қанча продюсерларнинг ишини йўналтиради.
3. Бажарувчи продюсер – қолган продюсерларнинг ишини ва ишлаб чиқаришдаги ижодий аспектни назорат қилади.
4. Ёрдамчи продюсер – жамоани бошқариб технологик молиявий ва иш графиги масалаларини назорат қилиб ижодий жараёнга аралашмайди.

5. Бош продюсер – бошқа продюсерларнинг (йўналтирувчи продюсер бошчилигида) ишларини тафтиш қилади.

Продюсерлик мамлакатимизда энг ёш соҳа ҳисобланиб бу касб эндигина одимламокда. Продюсернинг ишида хатонинг баҳоси жуда ҳам юқоридир. Продюсер фаолияти кўплаб касбларнинг синтези бўлиб, у турли даражадаги, соҳадаги инсонлар билан иш олиб боради. Шунинг учун продюсер шахсий проффесионал билимга эга бўлиши лозим. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида продюсер режиссёр, мусиқачи, бизнесмен, дипломат ролларини бажаришга тўғри келади. Лойиҳанинг муваффақияти продюсерни ўз ишига ўзини тўғри йўналтира олишига боғлиқ. Идеал продюсернинг тўрт қиррасини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1. Шахсий сифат
2. Мақсад ва вазифалар
3. Тактика (продюсерни ўзини тутиши)
4. Стратегия (продюсер фалсафаси)

Мана шу қирралардан продюсернинг функциялари вужудга келади. Айнан мана шу қирралар орқали ўзининг фаолиятини олиб бориб, мақсад ва вазифаларини, стратегия ва тактикани (технологияни) аниқлаб, лойиҳага бўлган қизиқишини янада оширади¹.

Продюсер санъатининг қайси турида фаолият олиб бормасин, у санъатнинг шу турини чуқур таҳлил қила оладиган мутахассис бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда маркетингни, молиявий ҳисоб-китобни билиши, бажара олиши лозим. Бундан ташқари у:

- реклама бозори қонуниятлари ва технологиясини;
- видеоқурилмаларни, янги техник воситаларни, суръатга олиш технологияси ва услубларини;
- мукамал сценарий яратишни;
- жамоадаги инсонлар қалбига йўл топиб, умумий “ғояга” барчани қизиқтира олиш;

¹ «Основа продюсерства» Аудиовизуальная сфера. Под.ред. Огурчикова П. –С.13.

- ғоявий фикр қила олиб, ахборотларни ғоявий кетма-кетликда йиға олиш;
- томошабиннинг истак, хоҳишини, қизиқишларини тушуниб етиши;
- матн билан ишлай олиши ва оммабоп, хатосиз ёза олиши;
- ўз ишини, ғоясини эффектив намойиш қила олиб, сота олиш;
- жамоа билан ишлай олиш;
- молиявий ишларни бажара олиши;
- ташкилий ҳуқуқий ишларни тушуна олиш;
- ижодий-бошқарувни юрита олиши лозим.

Продюсернинг шоу-бизнесдаги фаолияти ўзининг хусусиятларига эга бўлиб, жамият фаолиятидаги қонунларга амал қилади. Бу фаолиятга молиявий, кадр танлаш, ижтимоий ва бошқа жараёнлар киради (2-илова).

Лойиҳани амалга оширишдаги муваффақият продюсернинг шахсий сифатига, характериға боғлиқдир. Айнан мана шу сифатлар продюсерға ўз мақсадига эришишға, жамоадаги интизомни ушлашға, ижодий муҳитни яратишға ёрдам беради.

Продюсернинг шахсий сифатларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- жамоадаги инсонларға яхши муомала;
- юқори маънавият;
- ўзини бошқара олиш;
- янгича фикрлай олиш;
- оптимизм;
- ўзига ишонч;
- талабчанлик;

Инсонни продюсерға айланишида бу сифатларнинг ўзигина камлик қилади. Шу билан бирға профессионализм ва ишбилармонлик сифатлари ҳам катта аҳамиятға эгадир. Продюсер барча билан тил топишиб, қарама-

қаршиликларни вақтида бартараф қила олиши лозим. Продюсернинг тактикаси ва стратегияси унинг шахсий сифатларини аниқлайди¹.

Продюсер функциялари. Продюсер ташкилотчи бўлиб, кўплаб масалаларни ҳал этиш унинг зиммасидадир. Лекин уларнинг асосийси қуйидагилардан иборатдир:

1. Стратегик – жараёни ташкил этишда, ғояни аниқлаган ҳолда таҳлил қилиш.

2. Маъмурий – қўл остидаги кишиларни назорат қилиш, натижасини баҳолаш.

3. Эксперт – инновацияси продюсернинг доимий равишда бозор янгиликлари билан танишиши, квалификацияли баҳолаш ва амалиётга тадбиқ этиш.

4. Ижтимоий-психологик жамоада яхши маънавий-психологик муҳитни яратишга, анъаналарни қўллаб-қувватлаб, қарама-қаршиликларни олдини олиб, одоб стандартларини шаклланишига жавоб беради.

5. Етакчилик – продюсер жамоа аъзоларининг умумий ишдаги бирдамликни бузмасликларини назорат қилади. Шу билан бир қаторда у жамоа аъзоларини ҳимоя қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар продюсер бошчи функциясини эгаллай олмаса, олдида қўйган мақсадга эриша олмайди.

Продюсер-бошқарувчи этикаси. Ҳар қандай лойиҳани муваффақиятли чиқиши продюсернинг шахсий, турли аспектларига боғлиқдир. Фақатгина ақл, характер, билимнинг ўзигина эмас, балки этик меъёрни билиш амалиётда катта аҳамиятга эгадир.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида продюсер кўп сонли одамлар билан мулоқотда бўлади. Шунинг учун продюсер-бошқарувчи, инсонлар билан бўлган мулоқотнинг ҳар бир фактини уларнинг ишончини оқладимми ёки йўқми деб, қараши лозим. Шундан келиб чиқиб, мулоқот

¹ «Основа продюсерства» Аудивизуальная сфера. Под.ред. Огурчикова П. –С. 16.

қилиш технологиясига, бошқариш этикаси талабларига катта эътибор қаратилади. Бошқарув этикети қуйидагилардан иборат:

- продюсер ўз фикрини аниқ ва лўнда билдириши лозим;
- фақатгина фактларга асосланиш;
- иқтисодий қизиқишларни, жамиятнинг маънавий принциплари асосида тушуниш.

Лойиҳа устида иш олиб борганда, ишбилармонлик муносабатлари “раҳбар-хизматчи” ёки “бажарувчи-продюсер” шаклига киради. Бундай шаклдаги муносабатда бошқарувнинг учта шаклини қўллаш мумкин:

1. Субординация;
2. Ишчи-дўстона;
3. Дўстона.

Продюсер ўз қўл остидагиларни тушуниши ва уларни биринчи навбатда ҳурмат қилишга лойиқ шахс деб қараши лозим. Бошқарувчи ўз меҳнат фаолиятининг шакли бўйича хатолар, хизматчиларнинг камчиликларига юзма-юз келиб, камчиликларни кўрсатиб, уларни тўғрилайди. Бошқарувчининг хизматчилар билан мулоқот услуби уларни ўзидан узоқлаштириш эмас, балки табиий, тенг-проффессионал мулоқотни шаклланишига ёрдам беришдир. Лойиҳани амалга оширишда продюсернинг сўзи ва ҳаракати бирлиги катта аҳамиятга эга¹.

Ҳозирги кунда кўпчилик продюсер ўз пулини тикади деган фикрлар юради. Лекин, продюсер лойиҳани амалга ошириш учун, кўпинча ҳомийларни, кредиторларни жалб этади. Театршунослар машҳур режиссёр Немиров Данченкони биринчи продюсер деб ҳисоблайдилар. Чунки у, янги театр ғоясининг муаллифи эди. Дарвоқе, бу ғояни амалга ошириш учун унинг пули йўқ эди. Шунинг учун продюсер янги нарсани яратувчи муаллифдир, лекин кейинги босқичдагина менежер, ташкилотчи, режиссёр ва импресарио бўлиши мумкин².

¹ Корнеев С. Как зажигают звёзды. Санкт Петербург. 2004. –С. 16.

² Корнеев С. Как зажигают звёзды. Санкт Петербург. 2004. –С. 17.

Шоу-бизнесда продюсернинг иши таваккалчилик бўлиб, йигирмата лойиҳадан иккитасигина муваффақият қозониши мумкин. Продюсер ҳар бир лойиҳага янгитдан ёндашиб, тўплаган тажрибасини қўллаши лозим. Яхши продюсер фақатгина бизнесмен эмас, балки санъатни тушунадиган ва севадиган инсон бўлиши керак. У ижодий жараёни ташкил қилиб, унда фаол иштирок этади. Айниқса у томошабиннинг нимани кўрмоқчи эканлигини аниқлай олиши жуда ҳам муҳимдир. У (тахминан) бу лойиҳани қанча томошабин кўриши мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиши лозим. Шундан сўнггина у режиссёрни танлайди.

Продюсерлар иши ва вазифасини нечоғлик оғир ва қийинлигини кўпчилик тушунмайди. Продюсер юрт кезиши, керак бўлса жаҳон кезиши, моддий муаммоларни, актёрлар ўртасидаги тушунмовчилик ва низоларни бартараф этиши, юридик қийинчиликларни ечиши керак.

1.2. Продюсернинг ижодий фаолияти ва унинг турлари

Юқорида айтиб ўтганимиздек продюсер касби хусусиятига кўра бир қанча турларга бўлинади. Улардан биринчи тур:

Театр продюсери. Театр продюсерлиги билан шуғулланадиган инсон театр санъатини тушуниб, режиссура ва актёрлик маҳорати бўйича тажрибаси бўлиб, назария ва амалиётни яхши билиши лозим. Ўз ҳаёти давомида биронта спектакль саҳналаштирмаган, технологияни тушунмаган одам продюсер эмас, делетант ҳисобланади.

Театр санъати узоқ йиллик ривожланиш тарихига эга бўлиб, жаҳон театрларида кўплаб машҳур актёр ва режиссёрлар ижодий фаолият олиб бормоқдалар. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида режиссёр касби пайдо бўлганидан бери театрда асосий бадиий ғояни аниқловчи, бадиий образни яратувчи режисёр бўлиб келмоқда. Лекин, ҳозирги кунга келиб театрда продюсерга бўлган талаб кучаймоқда. Шу ўринда театр санъатида продюсер керакми? Нима учун?, деган савол пайдо бўлади. Ҳозирги бозор

иқтисодиёти даврида, театр маҳсулотини сота олиш, реклама қилиб оммалаштира олиш лозим. Рақобатбардош театрни яратиш замон талабидир. Мана шу ишларни амалга оширишда продюсернинг хизмати беқиёсдир. Кўпгина жаҳоннинг машҳур театрларида продюсерлар етакчилик қилиб, театр санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Театр режиссёрлари билан бир қаторда продюсерлар театр репертуарида бадиий жиҳатдан мукамал спектакллар жой олишида фаоллик қилмоқдалар. Театр механизмини ишга туширишга ёрдам бермоқдалар. XXI аср хақиқий продюсер театри асрига айланмоқда, чунки айнан продюсер пьесани танлаб, режиссёр ва актёрларни таклиф этиб, катта маблағни жалб қилади. Лекин, кўпчилик классик театр тарафдорларига бу нарса ёқмайди. Шундай бўлишига қарамай, улар продюсерларни тан олишга мажбур бўлмоқдалар.

Бизнинг Республикамизда театр продюсерлиги касби жуда қийинчилик билан ривожланмоқда. Чунки давлат театрларида продюсер деган штат йўқ ва ҳеч қайси олий ўқув юртида бундай мутахассислар тайёрланмайди. Бу борада биз, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан ортда қолмоқдамиз. Продюсерларни фақатгина шахсий театр студияларида учратишимиз мумкин. Продюсерлик спектакли бир-иккита одамга мўлжалланмаган оммавий томоша бўлиб, рақобат бардош бўлиши керак. Продюсерлик касбининг асоси бу томошабинларга керак бўлган лойиҳани топишдир. Ташқаридан қараганда унчалик катта ҳаракат талаб қилмайдиган иш, жиддий тайёргарликни талаб этади. Ҳозирги кунда яхши продюсер, яхши режиссёр каби камёб мутахассисликдир. Продюсерлик касби инсоний сифатлар ва билимга таянади.

Продюсер спектакль устида ишлашда мақсад ва вазифаларни аниқлаб олгач, ташкилий ва молиявий ишларни бажаришга киришади. Лойиҳанинг ғояси шакллангач, доимий равишда томошабинлар қизиқиши мониторингини олиб бориб, уларнинг қизиқишларини аниқлайди. Лойиҳани молиялаштиришда реквизит, декорация, техник аппаратларнинг

брак, техник носозлигини суғурта қилдиради. Лойиҳа жанрини томошабинлар қизиқишига қараб аниқлаганда актёр ва режиссёр шахсининг аҳамияти ҳисобга олинади.

Продюсер ҳар бир лойиҳани бошлашдан олдин календарь саҳналаштириш режасини тузади. Бу режада продюсернинг лойиҳа бўйича қиладиган барча ишларни аниқ кўрсатилади. Жумладан, иқтисод, ижод, ҳуқуқ ва менежмент жараёнлари ифода этилади. Театр продюсери, саҳналаштирувчи режиссёрнинг қуйидаги вазифаларини билиши керак:

1. Режиссёрлик ишининг биринчи поғонаси, умумий ғояни топиб пьесанинг саҳнавий вариантини яратишдир (кўпинча драматург билан ҳамкорликда).

2. Бадиий гуруҳни ташкил этиб, рассом-сценографни, костюмлар бўйича рассомни, бастакорни, балетмейстерни (керак бўлса режиссёр ассистентини, чироқ рассомини, саҳна ҳаракати саҳналаштирувчисини, кўшиқлар муаллифи ва х.к.) тайинлайди.

3. Ишнинг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, тайёрланган эскизлар бўйича, режиссёрнинг иштирокида спектаклнинг молиявий сметаси тузилади.

4. Режиссёр актёр ижрочиларни аниқлаб (ролларни бўлиб бериб) ва техник ташкилий репетиция жараёнларига жавоб берувчи режиссёр ёрдамчисини тайинлайди.

5. Режиссёрнинг кейинги иши бир қанча йўналишлардан иборат бўлади. Бир томондан саҳналаштирувчи гуруҳ аъзолари (декорациялар макетини ва костюмлар эскизини яратувчи-рассомларни, спектаклни мусиқий безовчи композиторларни, спектаклнинг пластик партитурасини яратувчи мутахассисларни) йўналтириб назорат қилади.

6. Компонентларни бир бутун, яхлитликка йиғиш режиссёрнинг вазифасидир. Шунинг учун ижодий гуруҳ иш фаолиятининг ҳар бир босқичини режиссёр тасдиқлайди.

7. Паралел равишда спектаклни тайёрлашдаги асосий қисм-репетиция, режиссёрни актёрлар билан ишлаш жараёни бошланади.

Театрда “режиссёр актёрда ўлади” деган ибора бор. Амалиётда камчилиги бор спектаклни саҳналаштирган режиссёрни танқид қилишади. Ҳақиқатда спектаклнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига саҳналаштирувчи режиссёр жавоб беради. Шундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, режиссёр фақатгина яхши ташкилотчигина эмас, балки кенг эрудицияга, актёрлик маҳоратидан тортиб, то декорациялар яратиш жараёни технологиясини, товуш, нур имкониятлари техникасини, психологик муҳитни ярата олиши, педагогик ва илмий фаолият амалиётига эга бўлиши лозим¹.

Спектаклнинг эстетик томонини унинг ташкилий томонини, иштирокчиларни танлаш, матн интерпретацияси ва саҳна воситаларини кўллаш продюсернинг асосий вазифасидир.

Мустақилликдан сўнг Республикамизда бир қанча шахсий театр студиялари ташкил этилди. Бу студияларни продюсерлар бошқариб, муваффақият билан ижод қилмоқдалар. Айниқса “Кўнгилли ҳордиқ” номли катта кўғирчоқлар театр студиясининг ташкилотчиси продюсер Музаффар Ортиқовнинг олиб бораётган иш фаолиятини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Қисқа муддат ичида бу театр студия ижодий гуруҳи томонидан ўнтадан ортиқ болалар учун мўлжалланган спектакллар саҳналаштирилди. Бу театр Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб бу жанрда иш фаолиятини бошлагани аҳамиятга моликдир. Мураккаб технологияда бажариладиган кўғирчоқлар, декорация ва реквизитлар продюсернинг шахсий маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Оригинал афишалар, ТВ ва радио рекламалар, дастурлар, чипталарни тарқатиш, молиявий таъминот Музаффар Ортиқов фаоллигида амалга оширилмоқда. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида театр студия ўзининг доимий

¹ Аркус Л, Васильева И. Беднот не порок. Современная драма в явлениях, сценах и исторических отступлениях. 1998, №16. –С. 14.

томошабинига эга бўлди. Мукаммал ишлаб чиқилган драматургик материал ва режиссёр меҳнати, ушбу лойиҳани амалга оширишга ёрдам бермоқда. Продюсерга режиссёрлик соҳасини билишдан ташқари молиявий ҳисоб-китобни билиши фойда келтирди.

Продюсер пул ҳаражат қилганидан сўнг, бу ҳаражатни оқлаб, фойда кўриши лозим. Бунинг учун лойиҳани амалга оширишдан олдин молиявий сметада барча майда ҳаражатларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Бу театр студияда, продюсер Музаффар Ортиқов, режиссёр билан биргаликда саҳналаштириладиган асарни танлаб, ижодий жараённинг режасини тузадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги замон театри, продюсерлик театрига айланмоқда. Республикамизда продюсерлик санъатининг ривожланиши, театр санъатининг янгитдан туғилишига туртки бўлади.

Муסיқа продюсери. Муסיқа продюсери (ингл.music producer) овоз ёзиш жараёнида ижрочиларнинг шахси, имиджи, муסיқий стилига жавобгар деган маънони билдиради. Продюсер – бу, муסיқий маҳсулот натижасига жавоб берувчи инсондир. Унинг иши кўп қирралидир. Муסיқий материалларни танлашдан тортиб, то ёзиш жараёни унинг зиммасидадир. Муסיқанинг сифатли чиқиши, репертуарни аниқлаш, лойиҳанинг умумий ғоясига жавоб беради. Продюсер овоз муҳандисини, монтажчи, ассистентлари танлаб, студиядаги вақтни белгилаб, қайси муסיқачиларни таклиф этишни ҳал этади. Муаллифларнинг ижодий ғояларини тўлиқ очиб бериш – унинг вазифасидир¹.

Продюсернинг иши студияга келгунча муסיқий материалларни танлашдан бошланади. Ижрочилар билан ишлаш жараёнида кўплаб муסיқий материаллар билан танишиб чиқади. Агар у гуруҳ билан ёки муаллиф-ижрочи билан ишлаётган бўлса, бўлажак албом концепциясини биргаликда танлайдилар.

¹ Корнеев С. Как зажигают звёзды. Санкт Петербург. 2004. –С. 18.

Студияни танлаш катта аҳамиятга эга. Студия фақатгина пулт, компьютер, микрофон, аппаратурагина эмас, балки яхши акустика ҳамдир. Студия – авваламбор ишлаб чиқаришдир. Яхши студияга кўп маблағ сарф қилиб сифатли маҳсулот ола олмаслик мумкин, лекин кам ҳарж қилиб ажойиб маҳсулот олиш мумкин. Кўпчилик микшерли пултга, компьютерга, аппаратурага катта эътибор беради, лекин студияда сифатли мониторлар бўлиши лозим. Студия танлангач, асарни оркестрлаштириш жараёни бошланади. Бу ерда технология турли-тумандир. Бу иш билан аранжировкачи шуғулланиб, продюсернинг таклифига қараб оркестрлаштиришни ёзади. Аранжировкачи, продюсернинг энг асосий ёрдамчиларидан бири ҳисобланади. Аранжировкачи ишининг энг профессионал варианты – студияда, техник имкониятлардан фойдаланиб яратилгани ҳисобланади. Бу иш кўплаб товуш модуллари, семплерлар, барабан товушлари ёрдамида ҳамда, товуш кенгликларини ревербератор (сунъий, махсус, акустик эффе́ктлар), вақтинчалик, динамик ва психоакустик қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Студияда аранжировкачи, асбоблардан вокал ёзилгунча охириги натижасидаги товушни чиқаришларини талаб қилади.

Рок-гуруҳлар студияни узоқ вақтга, масалан бир ойга ижарага оладилар. Ушбу муддатда студия фақат улар учун ишлайди. Олдинига барабанлар созланиб, сўнг микрофонлар ўрнатилади. Микшер хонасида пулт созланиб, анжомлар тўғриланади. Гуруҳлар билан ишлаганда олдин репетиция ўтказилади. Барча ёзилган мусиқалар продюсер томонидан таҳлил қилинади. Продюсер товушларнинг имкониятини яхши билиши лозим. Агар у жонли мусиқага продюсерлик қилаётган бўлса, барабан ва доиранинг хусусиятларини билиш талаб қилинади.

Овоз режиссёрлари билан тил топиша олиш продюсер учун асосий вазифадир. Агар овоз режиссёри фақат продюсер айтгандагина ёзувни ўчириб, ёқса яхши мусиқа асари ёзилмайди. Продюсер билан овоз режиссёрларининг биргаликдаги ғоявий иши туфайли мусиқанинг

яратилиш сеҳрига гувоҳ бўлиш мумкин. Муסיқани йўналтиришдан (сведения) олдин, продюсер ёзиш охирида нимага эришмоқчи эканлигини аниқ билиши ва буни студия ходимларига аниқ тушунтириб бера олиши лозим. Йўналтиришда овоз режиссёри бунгача қилинган ишни янада кучайтириб беради. Шу ўринда продюсер овоз режиссёрига стилистик топшириқларни аниқлаб бериб, техник услубларни ҳал қилади¹.

Муסיқа бизнеси катта миқдордаги турли воқеаларни, инсонларни ва жараёнларни қамраб олади. Барча жараёнлар янги лойиҳаларни топиб, бозорга олиб чиқиб, ижодий молиявий потенциаларни ушлаб туришни талаб қилади. Молиявий мўтадиллик учун продюсер ижодий, иқтисодий, бошқарув ва ҳуқуқий хусусиятларни эътиборга олиши лозим.

Муסיқа продюсерлиги – қийин, кўп даражали жараён бўлиб, продюсердан ижодий-бошқарув шахс сифатида катта куч, вақт ва асабни талаб қилади.

Ҳозирги кунда менежментнинг асосий функциялари барчага маълум:

1. Ташкилий
2. Назорат
3. Мувоффақлаштириш
4. Бошқариш
5. Кўра билиш
6. Фаоллаштириш
7. Тадқиқ этиш

Тарихан менежмент – бозор иқтисодиёти давридаги бошқарув бўлиб, хусусийликнинг шаклини ўзгариши ва инсон ролини ошишидир.

Менежмент асосий бошқарувининг ўзига хос тури сифатидаги белгиларига қуйидагилар киради:

- бошқарувнинг ташкилий шакллари (корхонанинг бозор иқтисодиёти жараёнида эгилувчанлиги ва кўникмалар ҳосил қилиши);
- иштирокчиларнинг профессионаллиги;

¹ Корнеев С. Как зажигют звёзды Санкт Петербург. 2004. –С. 20.

- ташкилотчиликнинг афзаллиги (инсоний факторлар);
- йўналтирилган эффектив фаолият;
- шахсийлик фактори (менежер ижоди ва санъати, янги компонентларни ажратиш);

Продюсер фаолияти менежмент тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар қандай фаолият турида ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Мусиқа саноатида продюсернинг кўп қирралилиги, лойиҳани, ҳар томонлама айлантира олиши ва фақатгина анъанавий услубларни қўллабгина қолмай, балки концерт, гастрол фаолиятида қатнашиб, нуфузли мусиқа фестивалларида иштирок этиши билан белгиланади. Шу тариқа, янги лойиҳалар вужудга келиб, лойиҳани янада ривожлантириш усуллари вужудга келади. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

1. Лойиҳанинг оригинал ғояси
2. Ижрочининг вокал имкониятлари.
3. Композитор маҳорати

Лойиҳани молиявий потенциални ошириш продюсернинг вазифасидир. Ташкилий ишдан ташқари барча коллектив аъзоларини руҳлантириб, барча ишни эффектив равишда бажаришга ундайди. Продюсер аниқ лойиҳа устида ишламоқдами ёки барча лойиҳани бошқармоқдами бундан қатъий назар, у профессионал бўлиб, етарли даражадаги билим ва маълумотларга эга бўлиши лозим. Продюсер қайси даражада бўлишидан ташқари у, “Артистни хит артист” қилади деган тушунчани билиши керак. Артистга машҳурлик келиши билан, продюсер ҳам машҳур бўлади. Шунинг учун продюсер ва унинг жамоасининг фаолияти хит қўшиқларни ёзишга қаратилади. Продюсер бошқарувчи сифатида кўп сонли кишилар билан иш олиб бориб, уларнинг иш фаолиятига жавоб беради.

Ўйинлар продюсери. XXI асрга келиб илм-фаннинг ривожланиши натижасида ҳаётимизга компьютер, интернет деган тушунчалар кириб келди. Ҳозир кундалик турмуш тарзимизни компьютерсиз тасаввур қилиб

бўлмайди. Замон, давр компьютер даврига айланди. Ҳар бир оилада компьютернинг бўлиши, ҳаётий заруратга айланди. Компьютер саноати ривожланиб, бутун жаҳонни қамраб олди. Айниқса компьютер ўйинларини ишлаб чиқариш, катта муваффақиятга эришди. Жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида интернет кафеларининг, компьютер хоналарининг очилиши, компьютер саноатини оммалашувига туртки бўлди. Электрон почтанинг кашф қилиниши, ҳар қандай вақт ва давлат чегараларини йўқ қилиб, дунёнинг истаган бурчагида яшовчи инсонлар билан мулоқот қилишга имконият яратди. Ахборот технологияси тезлик билан ривожлана бошлади.

Мана шу техник ривожланишлар, ўйинлар продюсер касбини вужудга келтирди. Оммалашиб бораётган ўйинлар, уларни яратувчи саноатни вужудга келтирди. Янги ўйинлар дискларни яратиш бу саноатга катта маблағ келтира бошлади. Продюсер инсонларнинг қизиқишларига қараб, қайси ўйинни оммалаштириб келиб чиқиб, ана шундай ўйинларни кўпайтиришга буюртма беради.

Ўйинлар продюсери авваламбор компьютерни унинг технологиясини ва ўйинлар яратиш жараёнини яхши билиши лозим. Технологияни билмай туриб бошқариш мумкин эмас. Бу соҳа айниқса АҚШ ва Европада жуда ҳам ривожланган. Бизнинг Республикада бу соҳа ҳали жуда ҳам ёш бўлиб, энди ривожланмоқда.

Компьютер ўйинлари интеллектуал онгни ривожлантирувчи, жангари, детектив, спорт, дам олиш ва кўнгил очар ўйинларга бўлинади. Ўйинлар катта ёшдаги ва болалар учун мўлжалланган бўлади.

Продюсер бу ўйинарни яратишда яхши маълумотли компьютер дастурловчиларини топиб ўз ғоясига қизиқтира олиши лозим. Бу ўйинлар ёзилган дисклар сифатида тарқатилиши ёки интернет орқали юборилиши мумкин. Ҳозирги кунда интернет орқали олинган ўйин ишқибозлари кўпчиликини ташкил этади.

Продюсер ҳар бир ўйинни яратиш учун молиявий смета тузиб, кетадиган харажатни аниқ кўрсатиб, прескурант тузади. Албатта харажатдан кўриладиган фойдани чамалайди.

Ўйин продюсери олиб бораётган ишни нақадар молиявий фойда беришни, компьютер кафеларида куни билан вақтини сарфлаётган ёшлардан кўришимиз мумкин. Ўйин продюсери ўйинни кашф қилиш учун албатта сценарист, программист, компьютер графикаси, рассомнинг хизматидан фойдаланади. Бундан ташқари дискларга ўйинни ёзиб, кўпайтириш, интернетда сайт очиш, реклама ва ҳ.к. ишларни амалга оширди. Ҳозирги техник имкониятлар, компьютер графикаси тасвирларни табиий чиқишга шароит яратиб, оммабоплашишига имкон бермоқда. Продюсернинг маҳорати шундаки, чиқарилган ўйинларни ўйнаган инсоннинг компьютерлардан туриши қийин бўлади. Компьютер ўзига сеҳрлаб олади.

Продюсер яратиладиган ўйинларда ғоя ва мақсад бўлишини таъминлаб назорат қилади. Шу билан бирга продюсер ўйинли-ўқув дастурлари жойлаштирилган дискларни ҳам яратиб болаларни турли фанларни эгаллашларига ёрдам беради. Айниқса чет тилларини ўрганаётганлар учун ажойиб қўлланма дисклар сотувга чиқарилди.

Кино продюсери. Продюсер сўзи – кинода, кинокомпаниянинг ишончли шахси, фильмни суръатга олиш жараёнида ғоявий-бадий ва ташкилий-молиявий назоратчи деган маънони билдиради. Шу билан бир қаторда у актёрларни ва техник ходимларни танлашда ҳам фаол иштирок этади. Режиссёр, актёр, сценарийчи ҳам продюсерлик қилиши мумкин.

Продюсерлар кўпинча режиссёрларнинг ижодий жараёнларга араллашиб, сценарий яратиш жараёнида фаол иштирок этиб, монтаж жараёнида қатнашади. Ҳар бир продюсерда режиссёрлар билан ишлашнинг ҳар хил услублари бўлиб, баъзилар ижодкорларга тўлиқ ишониб, фақатгина молиявий ва ишлаб чиқариш муаммолари ҳал этиш билан чекланадилар. На драматург, на режиссёр, на тасвирчи, на актёрлар

ўз маблағларига фильмни суръатга ололмайдилар. Шунинг учун албатта продюсернинг хизмати керак бўлади. Яхши продюсер – фақатгина бизнесмен эмас, балки санъатни тушунадиган, севадиган инсон бўлиши керак. Ижодий жараёни ташкил қилишда драматург билан сценарий яратиш жараёнида фаол иштирок этади¹.

Продюсернинг мажбурияти нималардан иборат? Авваламбор у, томошабин экранда нимани, қандай фильмни кўрмоқчи эканлигини ва фильмни қанча томошабин (тахминан) кўрмоқчи эканлигини ҳисоб-китоб қила олиши лозим. Шундан сўнг продюсер, маълум жанрдаги фильмни суръатга тушира оладиган режиссёрни ва сценаристни танлайди. Сценарий яратиш жараёнида драматургнинг ишини йўналтириб боради. Сценарий тугатилгач, продюсер молиявий таъминот билан шуғулланади. У бу масала бўйича давлат ва нодавлат корхоналарига мурожаат қилади. Яхши фильмни молиялаштиришда қатнашиш – бу реклама компаниясининг бошланиши демакдир. Ҳомийлик қилган фирманинг номи титрларда ёзилиши ёки кадрда кўрсатилиши мумкин. Бундан ташқари продюсер актёрларни, тасвирга олувчи гуруҳни, рассомни ва композиторни танлашда фаол иштирок этади. Лекин унинг асосий вазифаси – бу реклама ва фильм прокатидир. Фильм тайёр бўлгач, уни оммалаштириш жараёни бошланади. Бу жараён учта йўналишда продюсер томонидан олиб борилади: уни кинотеатрлар, телекомпаниялар раҳбарларига ва DVD дисклар ишлаб чиқарувчиларига таклиф қилинади.

Лекин, биринчи навбатда фильм кинотеатрларда намоиш этилади. Продюсер тажрибали бизнесмен сифатида прокатнинг қандай бўлишини, нечта кинотеатрда намоиш этилишини ва нечта томошабин томоша қилишини ҳисоб-китоб қилиши лозим. Фильм кинотеатр экранига чиққунча, реклама қилинади. Оммавий ахборот воситаларида фильм ҳақида мақолалар чоп этилади. Агар фильм премераси кинофестивалда амалга оширилса, фильмга бағишланган презентация ва пресс-

¹ Криштул Б И. Кинопродюсер. М. 2000. –С.32.

конференциялар уюштирилади. Бу тадбирларда албатта кино танқидчилари иштирок этадилар. Уларнинг фикрларига кўп нарса боғлиқ. Фильмни молиялаштиришда кўплаб телевизион компаниялар иштирок этиб, фильмни намойиш этиш ҳуқуқини сотиб оладилар. Лекин, фильм кинотеатрларда намойиш этилганда сўнгина ТВда намойиш этилади. Шу билан бир қаторда фильм DVD дискларда кўп нусхада кўпайтирилади.

Фильм продюсери сценарийнинг саҳналаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади. Бу лойиҳада сценарийнинг саҳналаштириш лойиҳасининг тахминий нарх-навоси кўрсатилади. Сценарийнинг техник варианты ишлаб чиқилади. Суръатга олиш жараёнида нечта камера, ёритиш асбоб ускуналари, декорация, реквизитлар, костюмлар, нечта суръатга олиш майдонлари, техник анжомлар, пиротехника ва ҳ.к.лар кўрсатилади.

Продюсер молиявий сметада суръатга олиш жараёнида сарф қилинадиган барча харажатлар, ижодий жамоанинг иш ҳақи барчасини кўрсатади. Лойиҳани тўғри танлаган, тўғри ижодий фаолият юритган продюсер кассабоп фильмларни тайёрлайди¹.

Телевидение продюсери. Ҳозирги кунда телевидениесиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Телевидение кундан-кунга ривожланиб, янги техник ютуқларга эришмоқда. Рақамли телевидениенинг ихтиро қилинганлиги телевизион тасвирларни узатишнинг сифатини янада яхшилади. Телевидение кўрсатувларини мамлакатимизда миллионлаб инсонлар томоша қиладилар. Телевидение фаолиятида ҳам продюсерлик мавжуд бўлиб, қуйидаги турларга бўлинади:

– ассоциатив продюсер – чегараланган продюсерлик функцияларини бажаради;

– мувофиқлаштирувчи продюсер – бир қанча продюсерларнинг ишини мувофиқлаштиради;

– ҳамкор продюсер – жамоадаги қолган ҳамкор продюсер билан, продюсер функциясини бажаради;

¹ Кокарев И. Е. Кино как бизнес. М., 1999. –С. 28.

– бажарувчи продюсер – қолган продюсернинг ишини назорат қилади, техник, ташкилий ва молиявий ишларни бажаради;

– йўналтирувчи продюсер – ходимлар ишини бошқариб, технологик, молиявий масалаларни ҳал этиб иш графигини тузади, ижодий жараёнга аралашмайди;

– бош продюсер – асосий ғояни берувчи, бошқа продюсерларнинг ишини текширади. Шу билан бир қаторда бажарувчи продюсернинг ишини ҳам;

– веб-сайт продюсери – сайтларни бошқаришни назорат қилади.

Продюсернинг аниқ, қайси лойиҳа устида ишлаётганидан қатъий назар, у профессионал бўлиб, етарли билимга ва ахборотларга эга бўлиши лозим. Продюсер қайси категорияга тааллуқли бўлмасин “лойиҳани аъло даражада” бажариши керак. Лойиҳанинг қандай чиқиши, келгусида продюсернинг машҳурлик даражасини белгилаб беради. Шунинг учун продюсерлар жамоасининг барча фаолияти “лойиҳани” аъло бажаришга қаратилади. Лойиҳани бажариш жараёнида продюсер кўп инсонлар билан ишлашга тўғри келади. Продюсер телевидениенинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, телетомошабинлар учун дам олиш, интеллектуал онгни ошириш, қизиқишларни қондириш учун илмий-оммабоп кўрсатувлар лойиҳалари билан шуғулланади. Телевизион фильмлар, телесериаллар катта молиявий ҳаражат талаб қилинадиган лойиҳалар ҳисобланади. Телевизион лойиҳаларнинг турли-туман бўлишига қарамай продюсер, томошабинларнинг қизиқишлари, талабларни инобатга олган ҳолда лойиҳа билан шуғулланиши лозим¹. Давлат телерадиокомпаниясида продюсер штати расмий равишда йўқ. Шундай бўлишига қарамай режиссёрлар, муҳаррирлар бу ишни амалга оширмақдалар. Республикамизда телевизион продюсерлар фақатгина нодавлат телеканаллардагина фаолият юритмақдалар.

¹ Кокарев И. Е. Кино как бизнес. М., 1999. 30 б.

Продюсерларнинг телевидениедаги фаолияти телевидение намоиш этиладиган лойиҳаларнинг (кўрсатувларнинг) томошавийлигини орттириб, оммалаштириб, сифатини янада яхшилади. Улар туфайли янги, замонавий техник қурилмалар, таъсирчан воситалардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Кино ва телелойиҳани амалга оширишда албатта календарь-сахналаштириш режаси тузилади (3-илова). Бу режада кунма-кун қилинадиган ишлар соатма-соат кўрсатилади. Шу билан бирга продюсер “Чақирик қоғозини” тўлдириб (4-илова), манзилга юбора олиши лозим.

Продюсер телелойиҳани амалга оширишда актёрларни танлаш учун кастинг уюштиради. Бу танлов лойиҳани амалга оширишдаги энг муҳим ишлардан бири ҳисобланади.

Суръатга олиш жараёнида студия павилионларини, студиядан ташқари майдонларда олиб бориладиган ишларни ташкил этади. Бу ишларни амалга оширишда расом-безакчи билан фаол иш олиб боради.

Суръатга олинган материалларни монтаж қилиш продюсерининг асосий вазифасидир. Кино ва телевидениеда монтаж муҳим бўлиб, олинган материални ғоя бўйича композицион улаш, қилинган ишнинг сифатини аниқлаб беради. Монтаж жараёнида овоз бериш ва мусиқаларни жой-жойига қўйиш, ранг коррекцияси, компьютер графикаси, махсус эффектлар лойиҳанинг образли ечимини топишга ёрдам беради. Шунингдек, бу лойиҳани амалга оширишда, продюсер молиявий сметани тузиб, жараёндаги барча ҳаражатларни ҳисобга олади.

I боб бўйича хулоса

Бу боб устида изланиш олиб бориш жараёнида, юқорида зикр қилинган продюсерларнинг иш фаолиятини, продюсерлик соҳасининг ривожланиши илмий таҳлил қилиниб, ўрганиб чиқилди.

Продюсер сўзи, бизнинг ҳаётимизга мобил телефон, электрон почта, интернет каби беҳосдан кириб келди. Кунни кечагина бу сўзни билмас эдик, ҳозирги кунда эса продюсерларни кўпгина бадий фильмлар,

сериалларнинг титрларида, афишаларда ўқишимиз мумкин. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида санъатнинг барча турларида продюсерлар кўп йиллар давомида ижодий фаолият олиб бормокдалар. Айниқса АҚШнинг Голливуд кино саноатида уларнинг фаолияти салмоқлидир. Охириги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида эстрада-шоу томошаларининг ривожланишида продюсерларнинг меҳнати каттадир.

Продюсер системаси 1910 йил Голливудда туғилиб, ижодий ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этишга қўйилган қадам бўлиб, кинофильм ишлаб чиқариш ва прокатни йўлга қўйишга ёрдам беради. Урушгача бўлган Америка киноси юзини, режиссёрлардан кўра продюсерлар кўрсата олишган. Лекин, продюсерларнинг иш фаолиятида ижодга ва ходимларга катта талаблар қўйганликларида айблов даъволари қилинган. Масалан, продюсер, Д.Слезника “Шамол олиб кетганлар” фильми лойиҳасини бажаришда, фильмни олиш жараёнида тўртта режиссёрни алмаштирган. Шу билан бир қаторда режиссёрлар ғоясини амалга оширишга ёрдам берган. Продюсерлар янги, ёш иқтидорли режиссёрларни кашф этишган.

Шўролар давридан тортиб, то бугунги кунгача фильм яратиш учун давлат томонидан ажратилган пулга картина директори жавобгар ҳисобланади. Айнан ушбу шахс фильм бюджети ҳаражатлари билан шуғулланади. Картина директори смета тузиб, ҳар бир ишлатилган тийин учун жавоб беради. Лекин у, асосан режиссёрнинг кўрсатмасига биноан иш юритади.

Бир қанча ҳам дўстлик мамлакатларида (собик шўролар республикаларида) кино саноатида продюсернинг пайдо бўлиши, фильм ишлаб чиқаришдаги пул ҳаржини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон кино саноати айнан продюсерлар фаолияти туфайли ривожланмоқда. Айнан мана шу инсонлар фильм учун пул топиб, ҳомийлар ва инвесторлар олдида қилинган ҳаражатлар учун жавоб беради.

Продюсер яратилаётган янги санъат асарининг муаллифи ҳисобланиб, кейинги жараёнда менежер, ташкилотчи, баъзан режиссёр,

импресарио, ҳатто бош рол ижрочиси бўлиши мумкин. Лойиҳани ғоясини амалга оширишда продюсер, фойда келтирадиган актёрни танлаб, жамоани шакллантириб, репертуар танлаб, реклама компаниясини ташкил қилиб, механизмни ишга туширади. Шу билан бирга “лойиҳани ғоя”сига продюсер жавобгар ҳисобланади. Ҳар қандай продюсер, қаерда ишламасин-у телевидениеми, эстрадами, театрми, ташкилотчилик ишидаги тажрибага эга бўлиши лозим. Ўзида ижодий ва менежерлик сифатларини бирлаштириш учун, инсонларни ўз ғоясига қизиқтира олиши учун (кино, театр, мусиқа ва ҳ.к.) жараёни тушуниш учун билим, тажриба талаб қилинади. Бундай тажриба ва билими йўқ инсон бу соҳада иш олиб боролмайди. Тўғри ҳозирги кунда кундалик ҳаётимизда “мен, продюсерман” - деб кўксига урадиган делетантлар ҳам топилади.

Бизга маълумки продюсерлик санъатининг ўзаги бўлиб, йўналишлар бўйичагина бир қанча турларга бўлинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек продюсер (театр продюсери, мусиқа продюсери, ўйин продюсери, (компьютер ўйинлари санъатида) фильм продюсери ва телевизион продюсер) турларига бўлинади¹. Продюсер санъатининг қайси йўналишида иш олиб бормасин, шу йўналишни назарий ва амалий яхши билиши, уни чуқур таҳлил қила олиши лозим. Режиссурани, мусиқа назариясини, сахна техникаси ва суръатга олиш технологиясини билмай туриб иш олиб бориш мумкин эмас. Бу касб жуда катта меҳнат талаб қиладиган, жуда ҳам мураккаб соҳа ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимиздаги бозор иқтисодиёти жараёни, маданий фаолиятга ҳам санъатга ҳам таъсир қилди. Маданиятда катта ўзгаришлар юз берди. Санъатда иқтисодий томонга эътибор кучайди. Шундай қилиб санъат лойиҳаларида ижод билан иқтисод, лойиҳанинг асосий бўлагига айланди. Бу икки бўлакнинг бирлашиши лойиҳанинг рақобатбардошлигини ва оригиналликни сақлашга ёрдам берди.

¹ Криштул Б.И. Кинопродюсер. М. 2000. – С. 21.

II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ПРОДЮСЕРНИНГ ЭСТРАДА ИЖОДИЙ ГУРУҲИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Эстрада томошасини тайёрлашда адабий-бадний материални танлаш ва таҳлил қилишда продюсернинг ўрни

Замонавий эстрада санъати продюсерининг фаолияти бошқа санъат турлари продюсернинг фаолиятларидан фарқ қилса ҳам, лекин молиявий, кадрлар, ижтимоий ва бошқа кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди.

Эстрада тушунчаси – лотинча томоша кўрсатиш учун махсус кўтарилган жой, яъни сахна маъносини беради. Эстрада санъати деганда эса (француз тилидан) - кичик драматик ва вокал санъати, мусиқа, хореографияни ва циркни бирлаштирувчи сахна санъати тури, тушунилади¹. XIX аср охирига келиб бу тушунча якка тартибда, кичик шаклда ижод қилиш маъносини англата бошлади. Драматург пьеса, режиссёр спектакль, актёр образ яратади. Учала жараён бир кишида мужассам бўлиб, у кичик шаклдаги томоша яратса, номер деб аталади.

Томоша-номер яратиш санъати XX асрдан бошлаб эстрада деб атала бошланди. Номер яратган ва уни санъат даражасида намоиш қилган шахс эса эстрада актёри деб улуғлана бошланди².

Эстрада деб ном олган сахнада эса - парда, сахна ортидаги “горизонт”, ёнидаги - кулис, сахна сатҳини айлантирадиган машина бўлмайди. У шу жиҳати билан махсус жиҳозланган театр сахнасидан фарқ қилади.

XIX асрга келиб йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва саноатнинг ривожланиши шаҳарликлар маданиятини ўзгартириб юборди. Натижада театр санъати турлари қаторида опера ва балет номи билан актёрлардан юқори даражада тайёргарлик кўриш, театрдан эса катта сарф-харажатларни талаб қиладиган катта шаклдаги томошалар яратиш юқори

¹ Чет тили сўзлари луғати. М.: 1979. –Б. 593.

² Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: ”Янги аср авлоди”. 2003. –Б. 199.

мақомга эга бўлди. Бу давр талаби эди. Чунки, қорни тўқ, усти бут, ташвиши йўқ аслзодалар зериккан пайтида эрмак бўладиган кўнгил очадиган томоша жойлари яратилди.

Зерикканлар эҳтиёжидан келиб чиқиб бадиий жиҳатдан “катта шаклда” ифодаланган театр спектакллари - уч актли, икки антрактли – танаффусли томошаларга айлантирилди. Икки марта томошадан танаффусга чиққан зодагонларга театр фойеси ва буфетларида бир-бирлари билан суҳбатлашишлари учун яратилган шароит уларга маъқул бўлди.

Шундай қилиб, “катта шаклдаги” томошалар кўрсатадиган театрлар куни билан томоша кутиб зериккан зодагонларни кечаси бир жойга тўплайдиган, ҳамда вақтни ўтказиш учун хуморбости, эрмак ва овунчоқ бўла оладиган марказларга айланди. Бу давр яна “катта шаклда” ифодаланадиган томошалар шаклини ҳам яратди ва уни “концерт” деб атади. Концерт - театрга рақобат бўла оладиган ҳамда “кичик шаклда”ги томошаларни эстрада санъати даражасига олиб чиққан, ижодкорларни бир жойга тўплайдиган тадбир бўлиб қолди¹.

Эстрада томошасини тайёрлашда адабий-бадиий материалларни танлаш ва таҳлил қилишда продюсернинг тутган ўрни беқиёсдир. Эстрада томошалари продюсерлари, эстрада томошалари таркибий қисмини, қандай номерлардан ташкил топишини яхши билиши керак. Продюсер эстрада томошалари таркибий қисмига кирувчи номерларнинг тарихий келиб чиқишини, қандай маънони англатишини, нима учун кераклиги ва қаерда, қандай ишлатиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни бериши лозим.

Булардан “варьете” – французча “аралашма” маъносини англатади. Томоша турларини театр, мусиқа, эстрада ва цирк санъатини бирлаштирган “Варьете” театри 1720-йилда Парижда ташкил топди. Репертуари кўнгил очар томошалардан иборат бўлгани учун у илк эстрада

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи . Т.: ”Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 200.

театрининг кўриниши сифатида шаклланди. Унда аввал бир актлик спектакль намоёни қилинган. Спектаклдан сўнг алоҳида кўшиқ, шеър, рақс, мусиқа ижроси, акробат, жанглёр ва фокусчилар ўз номерини кўрсатган. Бундай шаклдаги томоша тури “Варьете” илк бор театр спектакли ва концерт дастурини бирлаштирган томошагоҳ бўлди. Бу даргоҳ барча зерикканлар учун кўнгил очадиган макон бўлди. Чунки, бу ерда кўнгил очиш учун барча йўналишдаги томоша турлари бирлаштирилган эди. Кўнгил очар масканлар “Варьете” номи билан Франция бўйлаб ва Европанинг йирик шаҳарларига тарқалиб кетди.

Ревю – французча хабарнома маъносини англатади. Ревю томошаси илк бор актёр ва драматург М.Романьези томонидан 1728-йил Парижда “Театрдан ревю” номи спектаклда ишлатилди. Бу спектакль дастлаб кўшиқ, рақс, бадиха шеърлар ва цирк номерларини ўз ичига олади. Шундай қилиб ревю хабарнома номи томошалар “кўча театри”га асос солди. Бу “кўча” театрлари томошалари ҳар кунги янгиликларни томошага айлантиргани ва уларни ҳазил-мутойибали кўшиқ, шеър, рақс ва цирк номерларига айлантира олгани учун уларни ресторанлар, мюзик-холлар, кабаре-лар, ёпиқ бино ичидаги сахна ва эстрадага олиб кирди.

Дивертисмент – французча “кўнгил очиш учун чалғитиб туриш” маъносини англатади. Театрларда ҳар бир кўриниш орасида парда ёпилгандан, то декорациялаш учун парда олдида чиқиб турли номерлар ижро этилган. Шундай қилиб, турли томоша турларини бирлаштириши жараёнида эволюция вужудга келди.

Юқоридагилардан кўринадики, театр каби томошабин йиғадиган томошагоҳлар пайдо бўла бошлаган. “Кичик шаклда”ги томошалар мажмуаси концерт деб аталади. Концерт - лотинчада “курашяпман”, “айтишяпман” маъносини англатади.

Концертда бир актёр “кичик шаклда”ги томоша-кўшиқ, рақс, шеър, монолог ёки шеър номери билан томошабин қалбини забт этади. Сахнада ёлғиз туриш ва ўзи ўйлаган режасини бадий шаклдаги номер орқали

минглаб одамларнинг қалбига сингдириш қудрати фақат эстрада актёрига насиб қила бошлади.

Шундай қилиб, олдиндан режалаштирилган бир неча якка чиқишлар тўплами “концерт” деб номлана бошланди. Чунки, томошабиннинг олдига якка чиқиб келадиган ҳар бир артист энди ўз номери билан ўзидан олдин сахнага чиққан ижрочи учун чапак чалган томошабин эътиборини қозониш учун “курашади”. Бу кураш – томошабинларда “энди сизларни яна нима билан ҳайратга солайлик” деган катта қизиқишни уйғотади. Бу изланиш ҳашаматли театр бинолари ва унинг бадиий яхлит томошалари билан рақобатбардош бўла оладиган концерт заллари ва унинг “кичик шаклда”ги томошалар тўплами – концертни пайдо қилади.

Эстрада санъати эса - ҳар бир томоша турини соф ҳолда, юқори савияда, ўз йўналишининг энг моҳир усталари ижросида, санъат даражасини кўрсатди ва уларни бир концертда жамлай олди. Концерт яна худди шунинг акси бўлган – шеърят, қўшиқ, мусиқа, рақс ва цирк томошаларида “юлдузликка даъвогар”ларнинг заиф томонларини очадиган – пародиялар ҳам кўрсата олади. Шунингдек, улар омухтасидан – аралашиб кетишдан пайдо бўлган оригинал – янги, такрорланмас томошаларни ҳам фақат концерт жараёнида кўрсата олади. Унинг акси бўлган – “оригиналликка даъвогар”лар устидан кула олиши билан ҳам концерт ўзининг кенг қамровлигини намоён қилди. Томоша турлари тўпламини намоёиш қиладиган концертлар – якка ижрочилар ҳамда номерлар кўрсатади, марду-майдони, яъни “эстрада санъати” бўлиб, ўз мухлисарига хизмат қила бошлади.

Концертда, аввало мусиқа ижрочилари: скрипка, фортопиано, камер оркестри “кичик шаклда”ги ижрочилар гуруҳи муваффақият қозонди. Кейинчалик бадиий ўқиш, монологлар, балетдан ёки операдан парчалар ва цирк номерлари ҳам концерт иштирокчиларига айланди.

Шундай қилиб, концертдаги “кичик шакл”даги номерлар билан мухлисларни ҳайратга соладиган томошалар – эстрада санъати, яъни

“кичик шаклдаги санъат тури” деб эътироф этила бошланди. Унинг иштирокчилари эса эстрада актёри, яъни 5-10 дақиқалик номер кўрсатиб олқиш оладиган ва ўз номини томошабинлар эслаб қолишига эришадиган қобилият эгаси бўлиб ҳурмат қозонди.¹

Эстраданинг санъат тури бўлиб ажралиб чиқишида “мюзик-холл театри” ўзининг катта ҳиссасини кўшди. Мюзик-холл инглизча “музыка зали” маъносини англатади ва бугунги концерт зали тушунчасига тенг. Мюзик-холл XVIII асрнинг бошларида Англияда “Салон театр”, яъни “Кабак театри” – овқатланиш ва томоша кўриш жойи маъносида пайдо бўлди.

1830-йилга келиб “Кабак театри” актёрлари – кўшиқ, рақс ва хазил-мутойибаларни, сахна кўринишлари, яъни номерлардан иборат томошаларни мухлислар таклиф қилган жойга “кўчиб” бориб кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Кўчма ҳолда мухлислар чақирган жойга бориб, бирон тадбирни ўткази оладиган актёрлар гуруҳини, концерт залида овқатсиз томошабинларни бир жойга тўплаб, театрлар каби чипта сотиб концерт беришни таъминлаш нияти “Мюзик-холл театри”нинг илк концерт залини яратди.

Мюзик-холл театри номидаги масканлар ўз сахнасида барча томоша турларини, трюкларни, фокус ва гипнозларни кўрсата олди. Унинг сахна машиналари-техникаси, актёрлар ижроси ва репертуари жуда ривожланиб кетди. Ҳазиллар – кескин сатирага, шўх рақслар – ярим яланғоч аёллар рақсига, фокуслар – сахнавий трюкларга айланди.

Мюзик – холл театрлари томошабинларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида ўз концертларига “гёрлс” - қизларни таклиф қилишни ёки театр қошида шундай труппа тузиш масаласини ҳал қила бошладилар.

XX аср бошларида “гёрлс” рақс гуруҳлари билан машҳур бўлган йирик мюзик-холл театрлари Лондонда - “Метрополитен” ва “Палладум”,

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи . Т.: ”Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 203.

Парижда – “Муленруж” ва “Казино де Пари”, Нью-Йоркда – “Радиосити Мюзик-холл” ташкил этилди.

Эстрада санъатининг адабий-бадий йўналиши ривожига “Кабаре” катта ҳисса қўшган. Кабаре – французча, овқатланиш жойи, кобак маъносини билдиради. XVIII асрнинг охирларида, Париж қаҳвахоналарида “кабаре”ларда – шоирлар шеърият кечалари ўтказишарди. Машхур шоирларнинг бундай мушоиралари қаҳвахоналарга кўплаб тингловчи-томошабинларни жалб қилган.

Шундай қилиб, кабаре-шоир, мусикачи, қўшиқчи ва актёрларни жамлайдиган ва овқатлантирадиган масканга айланди.

Кабаредаги томошани тартибга соладиган, навбатни белгилайдиган ҳамда машхур шоир, мусикачи, қўшиқчини оммага таништирувчи шахсга эҳтиёж туғилди. Бу вазифани зукколик ва қувноқлик билан олиб борадиган, ҳамда қаҳвахонадаги завқу-шавқ руҳиятини ушлаб турадиган ва уни бошқарадиган шахс-конференсье деб номланди. Конференсье кабаредаги концерт дастурини тузар ва уни ўзи бошқарар эди.

Кабаредаги махсус кўтарилган жой – “эстрада”да энди профессионал актёрлар ҳам иштирок этишди. Концерт дастурлари опера ва балет театри актёрларининг чиқишлари ҳамда спектаклларида олинган монологлар билан бойитилди.

Парижда илк бор очилган хусусий кабаре “Шануар” – “Қора мушук” номи билан иш бошлади ва адабий-бадий кечаларнинг марказига айланди. Берлинда очилган кабаре “Вольцегона” номи билан иш бошлади ва ўзининг сиёсий ўзгаришларига муносабат билдирган долзарб номерлари билан машхур бўлди.

Эстрада санъати томоша турлари орасида конференсье – жанр деб қабул қилинган. Концерт номерлари орасидаги боғловчи номерларнинг ҳам ўз номи бўлиши керак эди ва бу конференсье, яъни “маъруза” деб белгиланди. Бу номерларни ижро этувчиларни эса – конференсье деб

аташди. Конферансье – французча “маърузачи” маъносини англатиб, эстрадада эса сўз устаси тушунчасини беради.

Унинг вазифаси концертлардаги номерларни бир-бирига мантиқан боғлаш, навбатдаги номер мазмунини ва унинг ижрочиси билан таништиришдир. Бу жараён албатта ҳазил-мутойибага бой, комедия жанри талаблари даражасида бўлиши лозим деб белгиланди.

Конферансье ҳар бир концерт мавзусидан келиб чиқиб, навбатдаги ўз чиқиши нимадан иборат бўлишини билиши учун у албатта кейинги ижрочининг номери ва унинг ўзи билан таниш бўлиши лозим. Касбнинг бу талаби конферансьега эстрада жанрларини яхши билишга ва уларнинг ижрочиларининг имкониятларини ҳис қилишга мажбур қилган. Эл орасида машҳур бўлган кўшиқ ёки рақсни, ё номерларни бугунги кун билан боғлаш учун конферансье унинг ижрочиси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши талаб қилинган. XX асрда конферансье эстрада томошаларининг барча кўринишларига кириб келди. Энди концертларнинг тақдири фақат машҳур номерлар ижрочиларига эмас, балки конферансье маҳоратига ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

Конферансьелар маҳорати шу даражагача бордики, улар концерт жараёнидаги намойиш қилинадиган ҳар қандай номерни ҳазил-мутойиба билан шарҳлай олади: ижрочини улуғлаб кутиб олиб, олқишлар билан хурматини жойига қўйиб, кузатиб қўяди. Булар касб талаби ва маданияти бўлса, ҳар қандай номердан озгина ижро қила билиши, машҳур ижрочига “тақлид” қилиш унинг маҳорати даражасини белгилай бошлади.

Эстрада санъатида конферансьелар ўз услубларини ярата бошладилар. Яъни:

– концерт иштирокчиларини кўтаринки руҳда бағрикенг мезбондай кутиб оладиган конферансье ижтимоий ҳаётдаги камчиликларнинг “тепасида” туриб завқ билан кула оладиганлари;

– камчиликларни билиб қолиб, кўрқа-писа секин ошкор қиладиганлари;

– сахнага тўсатдан чиқиб қолиб “долзарб” шароитдан зўрға чиқиб кета оладиганлари;

– кам гапириб, имо-ишоралар, понтомималар билан ҳамма нарсани тушунтириб берадиган, ўз маҳоратининг севимли актёрларига айландилар¹.

Концертлардаги конферансьелик – бир кишилик, яъни якка бошқарувни ёки икки кишининг навбатма-навбат бошқарувини, баъзан икки кишининг тенг чиқиб-диалогли бошқарувини талаб қилади.

Куплет – французча поэзиядаги жуфтлик шеър дегани. Бу шеърият осонлик билан кўшиққа айланган. Куплет кўшиқлар сатирик ва сиёсий йўналишда бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги содир бўлаётган воқеаларга билдирилган муносабат эди. Айниқса, унинг нақорати сўз ўрнига қурилган бўлиб, унда содир кулгули воқеалар ифодаланган.

Куплет ижрочилари ўзларининг бадиҳагўйликлари, қувнокликлари билан томошабинларга маъқул бўлган. Куплет ижрочилари ҳаётдаги долзарб масалаларни кўшиқ қилиб айта олган. Кўшиқнинг нақорати мавзу ғоясини очган. Сюжет эса янги-янги воқеаларни кўшиққа дарҳол олиб киришга шароит яратган. Куплет-ижро қиладиган актёрлар репертуари асосида ярмарка-майдон театри вужудга келган. Бу театрнинг бадиҳагўйлик ва ҳазил-мутойиба қудратини майдондан ёпиқ бино ичига олиб кириш натижасида водевиль жанри пайдо бўлган.

Водевиль – французча кулгили енгил кўшиқ маъносини билдиради.

Халқ сайилларида синовдан ўтган енгил кўшиқлар жанри асосида Парижда, 1792 йилда махсус театр очилди ва унга “Водевиль” деб ном берилди. Бу театр мухлисларининг кўпайиши навбатдаги “Трубадурлар театри” водевиллар асосида қурилган томошагоҳни пайдо қилди. Навбатдаги сиёсий кулгули кўшиқларга ва шўх рақсларга бой “Арлекин” театри вужудга келди.

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи . Т.: ”Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 207.

Водевиль жанри – ҳозиржавоблиги, сиёсатдаги ўзгаришларга шаъмаси, кувноқ диалоглари, шўх кўшиқлари, эҳтиросли рақслари билан театр ижодкорларини мафтун қила олгани учун XIX асрда бутун Европа бўйлаб кенг тарқалди.

Водевиль актёрларга ўз маҳоратини ёрқин намоён қилишга имкон беради. Кўшиқ айтиб, рақсга туша оладиган актёрлардан яна юморни ҳис қилиш, енгил ҳаракатлар билан ўз эҳтиросини табиий намоён қилиш ҳам талаб қилинади. Томошабин билан мулоқотга киришадиган дақиқалар водевиль жанрини янада халққа яқинлаштиради. Жанрнинг бу талаби актёрларнинг бадиҳагўйлик қобилиятини ривожлантирди. Томошабин билан мулоқотга киришиб, уни шароит талаб қилган кулгули ҳолатда “ушлаб туриши” ҳамда воқеа иштирокчисига айлантириш жараёни актёрларнинг янги ижодий қирраларини бадиҳага бойлигини, топқирлик маҳоратини намоён қилган. Кўшиқ айтган, рақсга тушган, диалогларни бошлаган актёр энди томошабинни ҳам спектакль иштирокчисига айлантира олди.

Бадиий ўқиш – эстрада санъатининг ўзига хос бир тури бўлиб, адабиёт жанрлари бўлган, шеър, наср ва оммабоп асарларнинг сахнадаги ижросини англатади. Ифодали сўз бу жанрни асоси ҳисобланади.

Мелодекломация – юнонча кўшиқ ва декломация, яъни таъкидлаб айтиш маъносидаги концерт жанри. Шеърни – мусиқа билан таъкидлаб ижро қилиш мелодекломация деб аталади. У опера ва мелодрама оралиғидаги янги жанрга – мусиқали драмага асос бўлган. Асар қаҳрамонлари монологи - ария, диалоглар – дуэт деб номланган ва мусиқа билан ҳамроҳанг ижро қилинган. Мелодекломация, ария, дуэтлар эстрада концертларини бойитадиган номерлар бўлиб, ўз мухлислари орасида қадрини топди.

Ҳикоялар кечаси – эстрададаги бир актёр томонидан ижро қилинадиган адабий жанр ҳисобланган. Актёр томонидан яратилган бадиий композиция томошабинларга гапирилиб берилган. Ушбу

тушунчадан кейинчалик эстрадага “Бир актёр театри” атамаси кириб келди.

Имитация – лотинча тақлид қилмоқ маъносини англатади. Эстрадада бу тушунча икки маънода қўлланилади. Биринчиси – табиатдаги жониворлар товушларини, ҳамда маиший турмушда учрайдиган товуш ва шовқинларни маълум сюжетга бўйсундирган ҳолда тиклаш-ижро қилиш санъатидир. Бундай актёр – “одам оркестр”, яъни барча товушларни ижро қиладиган “товушлар асбоби” деб номланган.

Иккинчиси – сахнада ижро қилиниб, мухлислар орасида машҳур бўлган – қўшиқ, ария, шеъри ёки ракс номерларни тақлидий қайта тиклаб ижро қилишни англатади. Тақлид – кишиларни ўзига хос бўлган гапириш усули, овози, юриш-туриши, қилиғи, ҳатти-ҳаракати, феълени, ҳатто кийинишидаги кўзга ташланадиган жиҳатларини бўрттириб кўрсатиб беришга асосланади. Концертларда, машҳурлар юбилейларда, бенифисларда тақлид ўртоқлик ҳазили деб эълон қилинган.

Фельетон – французча қоғоз маъносини билдиради. Эстрадада фельетон сўз санъатининг тури сифатида ҳозиржавоблиги, оммавийлиги, маиший ва ижтимоий ҳаётни очиқ ифодалай олиши билан ўз ўрнига эга.

Фельетонни ижро этаётган эстрада актёри гўё шу воқеанинг гувоҳи бўлгандай ўз номидан гапиради. Бу жанрнинг ўзига хослиги шундаки, ўз қаҳрамонини улуғлаб туриб, барча ютуқларни санаб ўтиб, “арзимаган” камчиликлар устида тўхталади. Шу тўхталиш муносабатларни ўзгартириб юборади.

Бу жанр латифалардан, мақоллардан, афоризмлардан ўз ўрнида гоёни очиш учун унумли фойдаланади. Монолог – ўз номидан бўлиб ўтган воқеага муносабат билдириш фельетон жанрининг асосий қуроли ҳисобланади. Эстрадада ушбу жанрдан конференсьелар унумли фойдаланадилар.

Фокус – немисча нарсани бор қилиш ёки йўқ қилиш маъносини билдиради. Цирк ёки эстрада актёри ҳисобланган фокусчи ўз номерларида

хақиқатдан ҳам нарсаларни бор ёки йўқ қилади. У томошабинни кўз илғамас ҳаракат билан чалғитади. Фокусчини – манипулятор, санжировчик, иллюзионист ҳам дейишади. Иллюзионист қўл ҳаракатлари ўрнига, мураккаб механизмлар, техника, оптика қонунлари, нур, ранг ва электр токидан фойдаланиб номер яратади. Фокус иллюзия билан, энг муҳими, томошабинни чалғитиш номерлари эстрада сахнасида кенг тарқалган.

Буриме – французча қофиялаш маъносини англатади. Саҳнада томошабин олдида қофияли ҳазил шеър тўқиш эстрадада алоҳида – буриме жанри ҳисобланади. Саҳнада баҳслашаётган икки шеър тўқувчи қофияни ушлаб туради, мазмуни боғланмаган қофиялар томошабинларда кулгу уйғотади. Ўйиннинг янада қизиқарли чиқиши учун, томошабинлар билан мулоқот қилинади. Уларнинг буюртмаси билан бошланган ўйин – жонли ижро ва томошабин билан мулоқот эстрада театри асосий талабларидан бирининг амалиётдаги ёрқин ифодасидир. Ўзбек эстрадаси мухлисларига бундай ўйин аския пайровларидан маълум.

Эстрада томошаси номерларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Эстрада томошасини тайёрлашда “червовещатель” – оғзини очмасдан гапириш алоҳида ўринни эгаллайди. Бу номер анъанавий ўзбек кўғирчоқ театри жанрига ўхшаб, актёр ўз номерида кўғирчоқ билан диалогли сахналарни қуриб, ўзи оддий одамлардай гапирган, кўғирчоқ эса худди жонли одамдай унга жавоб берган. Кўғирчоқ жавоб бераётганда актёр лаби қимирлаган, сўзларининг аниқ ва равон эшитилиши эса томошабинни ларзага солган. Бундай номерни бизнинг миллийлигимизга яқинлигини ҳисобга олиб, ўзбек эстрада томошаларида бемалол ишлатиш мумкин. Қолаверса конференсье сифатида ҳам ишлатиш ўзининг ўзига эмоционал таъсирини ўтказиши мумкин.

Илмий изланиш давомида ИИБ маънавийат марказида “Учтепа” маданият ва истироҳат боғи ва “Бобур” номидаги боғларда ўтказилган байрам томошаларида бундай кўғирчоқларнинг конференсье сифатида

ишлатилиши эмоционал таъсир кучини оширди. Бу услубни М.Оброзцов Қўғирчоқ театри иш улубидан ўрганишга ҳаракат қилдик.

Бу соҳа Республикамизда ёш санъат турларидан бири бўлишига қарамай, санъаткорларимиздаги имкониятлар жуда ҳам чексиздир. Лекин, мана шу бор имкониятлардан керакли даражада фойдаланилмапти.

Ўлкамизда яна бир эстрада жанри бўлмиш “миниатюра” – (кичик шаклдаги) жуда ҳам ривожланган. Миниатюра-сўзи французча “кичик шакл” – маъносини англатади. Бу шакл қисқа диалогли ҳазил-пьесалар интермедия, скетч, водевиллар кўринишида аста-секин сахнада ўз ўрнини топди¹.

Давримизга келиб, бундай кичик шаклдаги томошаларда эстрада актёрлари бир кечада ўнлаб характерли қиёфаларни ярата олдилар.

Бу борада машҳур ўзбек актёрлари – Хасан Йўлдошев, Эргаш Каримов, Садриддин Зиёвуддинов, Роза Каримова ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу инсонларни ижоддаги саъй-ҳаракатлари туфайли, юртимизда ҳажвий жанрда, эстрадада бир актёр театри вужудга келди. Тарихдан бизга маълумки, драма жанрида юртимизда бир актёр театрини “моно спектакль”ни машҳур актёр Муҳсин Ҳамидов яратган.

Эстрада жанрида, ўзбек санъатида “Бир актёр театри”нинг вужудга келиши ўзига хос янгилик бўлди. Бу жанрда ўзбек эстрадасида XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида ижод қилган ва фаолият юритаётган санъаткорлардан Юсуфжон қизик, Рустам Ҳамроқулов, Ҳожибой Тожибоев, Обид Асомов, Мирзабек Холмедов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Туйғун Саъдуллаев, Ўткир Муҳаммадхўжаев ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Лекин, эстрада режиссёрларида шундай ижодий куч ва матнларнинг бўлишига қарамай, талабга жавоб берадиган эстрада томошаларини ярата олмаяптилар.

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи . Т.: ”Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 217.

Эстрада томошасида эмоционал таъсир кучини оширишда понтомима жанри ҳам катта аҳамиятга эга. “Понтомима” – юнонча “ҳамма нарсани тақлидий ифодаловчи” маъносини англатади. Бу атама қадимги Рим томоша санъатида икки маънода ишлатилган. Биринчи – ўз кечинма ва туйғуларини пластика, мимика ва жестлар орқали ифодалайдиган рақс. Иккинчиси – понтомима ижро этувчи актёр.

Понтомима – мусиқа орқали ривожланган сюжетни ҳаракат, пластика, мимика, жест ёрдамида ифодалайдиган ўзининг ижро услуги билан ажралиб турадиган жанрдир.

М.Қодиров “Ўзбек халқ томоша санъати” китобида – халқимиз орасида қадимдан инсонни қуршаган табиат ва муҳит билан, урф-одатлар билан боғлиқ бўлган турфа ўйинлар расм бўлиб келган. Мазкур ўйинларда бедана, каклик, булбул, хўроз, лайлак, каптар сингари қуш-паррандаларнинг; бўри, айиқ, қўчқор, тошбақа, каламуш, юмронқозик сингари ҳайвонларнинг товушлари ва ҳатти-ҳарактларига тақлид қилинади. Уларда кўпинча томошабинларнинг қарсақ чалиши билан ҳосил бўлмаган пластик ва мимик ҳаракатлар воситаси билан қуш ҳамда ҳайвонларнинг образлари, ўзаро муносабатлари намоён бўлади.¹

Эстрада томошаларида продюсер билиши лозим бўлган жанрлардан яна бири бу – “Пародия” – юнонча “пара” – тескари, “ода” – қўшиқ, яъни қўшиқнинг акси маъносини англатади.

Адабий жанр ҳисобланган пародия бирон шеърни ҳазил-мутойибага олиб, заиф томонларини таҳлил қилишдан бошланган. Кейинчалик пародия ўзи барча ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни саҳнадан туриб таҳлил қиладиган жанрга айланди. Пародия асосини, шаклини мазмунига қарама-қарши қўйиш ва мантиқан таққослаш киради. Таҳлил қилинаётган объект мазмунини олиб бориб, унга алоқаси йўқ шаклга таққослаганда томошабинда кулгу пайдо бўлади. Бундан унумли фойдаланган пародия ижодкорлари – актёрлар турлари мавзуга эркин ёндашиб, номерлар ярата

¹ Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.: “Ўқитувчи”. 1981. –Б.30.

оладилар. Шу нуқтаи назардан кўшиқ, рақс, шеър, мусиқа, цирк номерларига, ҳатто буюк шахслар феъл-атвориға пародия яратиш мумкин.

Анъанавий ўзбек халқ томоша санъатида, тақлид қилиш санъатида, умумий йўналиш, асосий эпизодлар маълум бўлиб, масхара, қизиқ ижро пайтида уларни сўз, ҳаракат, керак ўринларда рақс ва кўшиқ билан тўлдирган¹.

Масхара, муқаллид ва қизиқ ўз вазифасини самарали адо этиш учун аския, муқаллид, тана мақомларини чиройли ишлата оладиган бўлиши лозим эди. Ана шу санаб ўтилган талаблар ва хусусиятлар атоқли масхаралар, қизиқлар, тақлидчиларнинг барчасига хос бўлган.

Бу усул эстрада сахнасида икки тўпорини тушуниш билан ифодаланади: Биринчи актёрнинг тўпори саволиға – иккинчиси ўта тўпорилик билан жавоб беради. Бу жанр, айниқса эстрада театрида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Машхур ижодкорларнинг феъл-атвориға ёки қилиқларига пародиялар яратиш эстрада актёрларига жуда кенг имкониятлар берди.

Продюсер билиши керак бўлган жанрлардан яна бири интермедия бўлиб, лотинча “оралиқдаги кўшимча томоша” маъносини англатади. Ҳазил-мутойибали кўшимча томоша-номер шаклидаги, кўшиқ, мусиқа, шеър ёки рақс мавзу ғоясини янада ёрқинроқ ифодалашда ёрдам бергани учун интермедия деб аталади. Бу тушунча мистерия, яъни диний мавзудаги спектакллар, картиналар одамда декорация алмашгунча, интермедия аталишидан келиб чиққан. Интермедия ижрочилари бадиҳагўйлик билан мавзуга мос ҳазил-мутойибалар билан томошабинларни кулдира олган.

Италияда катта шаклдаги томошалар трагедия ва комедиялар актёрлари оралиғида кичик шаклдаги интермедиялар ижро қилиниши XVI асрдан одат тусига кирди. Францияда эса комедия дель арте халқ театри интермедия ижроси билан машхур бўлди. Мольер ўз театрида актлар оралиғида интермедиялардан унумли фойдаланган. Англияда

¹ Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.: “Ўқитувчи”. 1981. –Б.50.

интермедиялар инсонпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган сатираларни намойиш қиладиган номерларга айланиб кетди. Шекспир ижро қилинаётган пайтда, актлар оралиғида масхарабозлар гуруҳи интермедиялар ижро қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Эстраданинг яна бир жанри бўлмиш “Арлекин” – илк бор, Италия комедияларида қувноқ, зукко хизматкор образи сифатида шаклланган. У комедиялардаги асосий хизматкор бўлиб, воқеалар ривожининг унинг иштирокида бошқарилиб борилган. Костюми қизил, сариқ ва яшил ямоқларнинг тартибли тузилишидан иборат махсус Арлекин кийимига айланган. Франциядаги томошаларда қатнашган Арлекин юксак туйғулар билан бирга қайғули сахналарда кўз ёши ҳам тўка олган. Унинг кўз ёши иккала кўзидан отилиб чиқишини томошабинлар кўрган. Баъзи сахналарда Арлекин кўз ёшларини кўлига тўғрилаб туриши томошабинларга ўзига хос таъсир ўтказган.

Арлекин томошабинларнинг севимли қаҳрамонларига айланганларидан сўнг, уни ижро қиладиган актёрлар концертга таклиф қилинди. Конферансьелар сахнада пайдо бўладиган рангдор костюмли Арлекинни катта ҳурмат билан томошабинга таништирганлар.

Келишган, зукко хизматкор Арлекин концертларнинг фаол иштирокчисига айланиб, машҳур комедиялардан олинган парчаларда кўшиқ айтиши ва рақсга тушишда моҳир ижрочи эканини намойиш этар эди. Бу ўз навбатида эстрада санъатининг янада юқорироқ босқичга кўтарилишига хизмат қилди.

Эстрада санъатида кенг тарқалган яна бир жанр “фарс” – деб аталади. “Фарс” - лотинчадан - “бошламоқчиман” маъносини англатиб, майдон томошалари жанрларидан биридир. У ҳар бир халқнинг кўз илғамас фазилатларини сахнага бўрттириб олиб чиқиш жараёнида тез тарқалган. У демократик йўналиши, хур фикрлилиги, ҳаётбахшлиги билан мустақил томоша турига айланди. Фарс театри актёрларнинг образ-маскалари: таъмагир – доктор; қотиб қолган фикр эгаси – олим; мақтанчоқ

эр – ваъдабоз; шаллақи – хотин каби персонажлари билан халқнинг дардини ифодалай олгани учун ҳаётда ўз мухлисини топди.

Бу жанр калтафаҳмлиқ, мақтанчоқлиқ, таъмагирлиқ ёки шаллақилиқни кўрсатишда комедиянинг ташқи ифода воситаларидан ва уларни бўрттиришдан унумли фойдаланган. Натижада жанжал, баҳс, мақтаниш, муштлашиш, маст-аластлиқ бўрттирилган – буффонада шаклида ижро қилинган. Бундай ифода воситалари оммани кўз илғамас пасткашлиқлар қандай салбий оқибатларга олиб келишини англаб етишга хизмат қилган.

Цирк номерларида фарснинг буффонада, яъни бўрттириш услуби сўз санъатида, лофларда, фелъетонда, аския-пайровларида қўлланилади. Бўрттириш камчилиқларни очиш ва ғояни таъкидлаш борасида бадий восита бўлиб, эстрада актёрлари ундан ҳамон усталиқ билан фойдаланмоқда.

Эстрадада кенг қўлланиладиган жанрлардан яна бири бу “клоунада”дир. Клоун – инглизча кўпол эркак маъносини англатиб, икки маънода қўлланилади. Биринчиси инглиз драматурглари асарларида XVII асрдан бошлаб қишлоқи, кўпол ҳазил қиладиган эркак – “клоун” образи пайдо бўлган. Унинг юриш-туриши, ўзини тутиши, кўпол ҳазиллари шаҳарлиқларда кулгу уйғотган. Муаллифлар клоунлар диалогига иложи борица кўпол-тўпори ҳазилларни беришарди. Кейинчалиқ клоун пантомима номерлари қаҳрамонига айланди. У цирк номерларни бир-бирига улаб бориб, яхлит томоша пайдо бўлишига хизмат қилган. Эстрада концертларидаги конференсьени цирк клоунларидан намуна қилиб олган дейиш мумкин.

Клоунада жанрида шундай қобилият эгалари пайдо бўлдики, улар ўзларининг серқирра номерлари билан томошабинларни ҳам кулдириб, ҳам ҳайратга сола бошладилар.

Клоунада ижрочилари – актёрлар уч йўналишда ижод қиладилар. Улар – август, белый клоун ва режий клоун деб аталади. Бу номерлар ва уларнинг цирк аренасидан эстрада сахнасига ҳам кириб келди¹.

Август атамаси немис циркида илк бор пайдо бўлди. У арена ишчилари кейинги номерни тайёрлашни бошлаганда кириб келган. Август кейинги номерни қандай тайёрлашни билмайди. Натижада арена ишчиларига халақит беради. Шунинг учун уни “жиннивой Август” деб чақиришади. Кейинги номерни жиҳозлаш учун уни яна аренага чиқаришади ва вазифа беришади. У яна ҳамма нарсани чалкаштириб ташлайди. Бу сюжет томошабинларга маъқул келиб, цирк аренасида Август номли клоун ампуласи – ҳамма нарсани чалкаштириб ташлайдиган, содда, беғубор, хотираси паст, лекин жуда завқи баланд масхарабоз образи мустаҳкам ўрин олди.

Кейинчалик масхарабоз Август ампуласининг сахна ишчиси кийими ўзгартирилиб, унинг феълига яраша кўпол қилиб кийинтиришди. Бўрттирилган кенг кийими ва оёғида жуда катта ботинка Августнинг тўпорилигини кўрсатиб турар эди. Юзини кийимига мослаб, содда ва кувноқ грим қилишган. Натижада тўпори кийим, кувноқ юз, зийрак кўзлар эгаси Август катта завқ билан аренага кириб келади. Бу персонаж сахнада эстрада мухлисларининг ҳам севимли қаҳрамони бўлиб қолди.

“Белый клоун” – (оқ масхарабоз) атамаси французларнинг Пьеро исмли қишлоқи, содда, ишонувчан, лекин ҳамма нарсадан шубҳаланиб, текшириб кўрадиган, гапга чечан йигит образини аренага олиб чиқиш натижасида пайдо бўлди. Уни феълени цирк талабларидан келиб чиқиб аренага мос кийимда ифодалашди. Юзи оқ пудра билан бўялади. Лаблари кулупнай ранг, қошининг бири ўз ўрнида, иккинчиси шубҳани ифодалаб, тескарисига, тепага кўтарилган. Оқ пудрали қора ва икки томонга қараган икки хил қош унинг феълени очиб берган. Тик тепага қараган оқ сочлар ҳаётга катта интилиш билан қарашни ифодалаган. Махсус бўялган сочлар

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 22.

унга “оқ масхарабоз” тамғасини берди. Оқ масхарабоз сўзга чечанлиги ва кувноқ феъли билан томошабинларнинг сеvimли қахрамонига айланди. Икки масхарабознинг биргаликда сахнага чиқиб келиши клоунадани янги босқичга олиб чиқди. “Август” билан “Оқ масхарабоз”нинг биргаликда ижро этган номерлари ҳамманинг эсида қола бошлаган.

Эстрада актёрлари масхарабозларнинг аренага мос кийимлари ва гримларидан воз кечдилар. Лекин уларнинг феълига мос диалоглари шаклидан унумли фойдалана бошладилар.

Клоуннинг учинчи тури, ампуласи – “Маллавой-сарик масхарабоз” деб атала бошланди.

Цирк аренасини навбатдаги номерга тайёрлашда ишчилар орасида ҳаммага ақл ўргатадигани чиқиб қолди. У бошқалардан ажралиб туриш учун бошига сарик сочли парик кийиб олади. Ўргатганига ишчилар кулоқ солмаса, у қувлик билан ишчиларни чалғитиб, ўзи жиҳозни тўғрилаб кўйган. Бажарган ишидан мақтаниб, аренани айланиб юрган бу қахрамон томошабинларга “ақл ўргатадиган” сарик персонаж сифатида ёқиб қолди.

“Сарик масхарабоз” “Оқ масхарабоз” билан аренага чиқиб, ишчиларга ҳалақит бермасдан, ўз гиламчалари устига чиқиб олиб, номерларини ижро этгани томошабинларга маъкул бўлди

“Ғийбат” таассуротини қолдирадиган бундай номерлар кейинчалик эстрада сахнасида кенг тарқалиб, жуда кўп муаммоларни очишга ёрдам берди. Бундай ижод намуналари эстрада жанрида сўз санъати ривожига ижобий таъсир ўтказди.

Эстраданинг яна бир жанри “Бард” – французча дарвешона ҳаёт кечирувчи шоир маъносини англатади. XV асрдан бошлаб Европанинг Ирландия ва Шотландия юртларида шеърлар ёзиб, уни кўшиққа айлантирса ва мусиқасини ҳам ўзи ижро этса, бундай ижодкорни Бард деб атай бошлашди. Бир шахсда тўрт ижодкорни – шоир, кўшиқчи, композитор ва куй ижрочисини бирлаштириш – бард дейила бошланди. Бундай иқтидор эгалари ижодининг тан олиними, халқ олдида

тақдирланиши эстрада санъати, ёлғиз ижро усталари, бир актёр театри ривожига чексиз ҳисса қўшган дейиш мумкин.

Эстрадага цирк санъатидан кириб келган “Эксцентрика” ҳам алоҳида ўринга эгадир. Эксцентрика – лотинча марказдан ташқарида маъносини билдиради. Бу атама эгаси циркда бирон номерни моҳирона кўрсатган ижрочи ёнига келиб, худди шу номернинг аксини кўрсатиб беради. Эксцентрика номери ижрочиси кулгили саҳналарни излаб топиши билан ажралиб туради.

Эстрада саҳнасида ҳам эксцентрика услубидан усталик билан фойдаланадиган ижодкорлар кўп учрайди. Саҳнада шоир шеър ўқийди. Шеър қофиясини сақлаган ҳолда, эксцентрик актёр томошабинлар олдида мавзуга мос, жуда кулгили шеърларни тўқий бошлайди. Машҳур қўшиқ ёки рақснинг янги талқинини дарҳол кўрсата олади. Бундай иқтидор эгалари эстрадада ўз муҳлисига эга.

“Гипноз” – ишонтириш санъатининг эстрада санъатида ўзига хос ўрни бор. Гипноз – таъсир ўтказиш, сеҳрли қудрат борлигига ишонтириш бўлиб, у эстрада санъатида бир актёр театри шаклидаги томоша туридир. Гипноз кўрсатаётган актёр бир неча кишини саҳнага чиқариб, уларни гипноз қилиб, ухлатиб қўяди. Сўнгра, уларнинг беҳушлигидан фойдаланиб, “ухлаганлар”ни турли вазифаларни бажаришга мажбур қилади. Масалан, қўшиқ айттиради, рақсга туширади ёки маст бўлиб қолдингиз деб, кулгили аҳволга солади. Бу атрофдагилар учун қизиқарли томошага айланади. Баъзи гипнозчилар томоша залида ўтирганларни ишонтириш йўли усули билан бошқариш қудратига эга. Бу номер замонавий эстрадада жуда ҳам машҳурдир.

Бир ижодкор шахс ижодий кечаси – бенефисда барча санъат турлари вакилларининг энг машҳурларининг жамланиши эстрада санъатини янги профессионал поғонага кўтарди. “Бенефис” – французчада “спектаклдан келган фойдани бир кишига тақсимлаш” маъносини билдирган.

Драматурглар, актёрлар ва композиторлар ижодига бағишланган – бенефис ижодий кечалар, эстрадада бир шахс ижодига бағишланган концертлар шаклини пайдо қилди.

Продюсер адабий-бадий материални танлашда композицион яхлитликка, номерларнинг кенг қамровлиги, кўшиқ, ракс, цирк номерлари, мусиқа ижросининг мутаносиблигига катта эътибор қаратиши лозим. Айниқса, мавзуга мос номерларни танлай олиш қобилияти томошанинг муваффақиятини аниқлайди.

Продюсер бадий материални таҳлил қилишда стратегияга риоя қилиши керак. Шарт-шароитни таҳлил қилиб, мана шу таҳлиллар асосида мақсадни аниқлаб, жараёни бошқаради¹.

Продюсер учун яхлит спектакль устида иш олиб боришдан кўра, эстрада санъатининг кичик шаклдаги номерлари асосида томоша яратиш мураккабдир. Продюсернинг иши молиявий потенциалга эга бўлган маҳсулот бўлиши керак. Бунинг учун у ушбу лойиҳани амалга оширишда мавзунини, ғояни очиб бера оладиган, эмоционал таъсир кучига эга бўлган материални яратишга маҳоратли драматургларни, композиторларни, балетмейстерларни, рассом ва санъаткорларни жалб эта олиши лозим.

Бу борада сценарийда сюжетни ташкил қилувчи элементларга катта эътибор қаратиш лозим. Томошанинг композицион яхлитлиги айнан мана шу элементларга боғлиқ бўлади. Сценарийни яратиш жараёнида томошани бадий ҳал этиш элементлари бўлмиш томоша ўтадиган майдон (сахна), декорация, мусиқа, костюмлар аниқланади.

Турли жанрдаги эпизод ва номерларнинг монтажи, эстрада спектаклининг каркасидир. Турли жанрларни бирлаштириш, буларнинг ҳаммасини бир бутун драматургик конструкцияга жойлаштириш, концерт ҳаракати драматургиясининг ғояси ва мақсадини очиб бериш, продюсернинг асосий вазифасидир.

¹ Основы продюсерства. под.ред. Иванова Г. М.: UNITY. 2003. –С.16.

Эстрада спектаклининг муваффақияти режиссёр ва драматургнинг ижодий фаолиятининг натижасидир¹. Охириги йиллардаги амалиёт драматург, режиссёр ва продюсернинг ҳамкорлигини биринчи кундан, сценарийнинг ғоясини, бош мавзусини, асосий структурасини аниқлаш жараёнидан бошлаш кераклигини кўрсатмоқда. Бўлажак томошанинг адабий асосда ҳаёт муаммолари, бошқача қилиб айтганда замонавийлик акс этиб, ҳаёт билан ҳамоҳанг қадам ташлаши лозим. Шунинг учун концерт драматургиясида – ҳужжатлилик, бадиийлик, публицистика ва синтез бирламчи бўлиши лозим.

Продюсер эстрада томошаларининг асоси бўлган, бадиий сўзга катта эътибор бериши лозим. Чунки эстрадада – фелъетон, интермедия, куплет, тақлид (пародия), бадиий сўз каби жанрлар асосини сўз ташкил этади. Эстрадада асосий ғояни етказиб беришдаги оғирлик нутқ ва мусиқали нутқ жанри ижрочиларига тушади. Ушбу йўналишда ижод қиладиган конференсье образи ўзига хосдир. Унинг фаолиятини қуйидагиларда яққол кўрамыз:

- эстрада томошасининг олий мақсадиини аниқлаб берувчи, конференсье репертуарининг ғоявий йўналтирилганлиги;
- конференсье образи;
- конференсьенинг концертдаги ўрни;
- турли жанрдаги номерларни, бир бутун эстрада томошасига бирлаштиришда конференсьенинг концерт композициясидаги ўрни;
- концертнинг етакчи ҳатти-ҳаракатини аниқлаш;
- “номерларни етказиб бериш” ва номерлар орасидаги паузаларни тўлдириш муаммоси.

Машҳур эстрада санъат устаси А.Г.Алексеев конференсье тўғрисида қуйидаги фикрни билдиради. “Менимча конференсье-кечанинг эгасидир. Ҳозиржавоб, ақлли, шўх ва ҳазилкаш... Сизлар томоша залида томошабинсиз, сахнада ва кулислар ортида актёрсиз. Улар ҳам, булар ҳам

¹ Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М.: “Просвещение”. 1986. –С.104.

менинг меҳмонларимдир. Мен, конференсье сифатида сизларни бир-бирингиз билан таништиришим ва концерт давомида сизларни бир-бирингизга ёқишингизни таъминлашим керак”¹.

Н.Смирнов-Соколовский конференсьени томошабин зали билан сахнани бирлаштирувчи инсон деб таъкидлаган. Конференсье ўзининг актёрлик вазифасидан ташқари, номерларнинг жанр кетма-кетлигини, спектаклнинг бадиий бутунлигига эришиш йўллари билиши керак.

Юқорида зикр этилган мезонларни тўғри амалга оширгандагина продюсер муваффақиятли лойиҳани амалга ошириши мумкин бўлади.

2.2. Ижодий гуруҳ билан ишлашда гуруҳга дифференциал ёндашувнинг аҳамияти (ижтимоий-педагогик, ижтимоий психологик)

Бизга маълумки, эстрада ва оммавий томошаларни яратишда кўп сонли ижодий гуруҳ қатнашчилари иштирок этади. Яратилаётган томошанинг бадиий жиҳатдан мукамал, яхлит образлиги продюсернинг ижодий гуруҳ билан тил топиша олишига, уларни умумий ғояни бажаришга чорлай олишига боғлиқ. Бундай алоқани амалга ошириш учун, бу ишга илмий жиҳатдан дифференциал ёндашув талаб қилинади. Ижодий гуруҳнинг иш самарадорлигини оширишда, рақобатбардош маҳсулотни яратишда, гуруҳнинг фойдали иш коэффициенти оширишда дифференциал ёндашув катта аҳамиятга эгадир.

Дифференциал сўзи (лотинча differentia-фарқланиш) – бир бутун қисми, шакли, поғонани турли бўлақларга бўлиш деган маънони англатади.

Цивилизациянинг ривожланиш даврида дифференциал жараёнида бутун нарсани майда бўлақларга бўлиб, улар ўртасидаги фарқ ва алоқалар Платон, Эпикур, И.Кант, В.Плеханов, М.Бахтинлар томонидан илмий

¹ Алексеев А.Г. Серьезное и смешное. М., 1967. –С.230.

тахлил қилиниб, интеграция жараёни, маънавий бойликлари даражасининг ривожини, системали ижтимоий ривожланиш сифатида қараб ўрганилган.

Дифференция ва интеграция (лотинча *integratio*-тикланиш – қисм ва бўлақларни бирлаштириш деган маънони билдиради) замонавий фалсафа, педагогика ва психологияда – умум характердаги қиёсий тушунча бўлиб, табиат, жаmiат ва инсон фикрлашидаги қарама-қарши тенденцияларнинг диалектик бирлигини намоён қилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида Б.Н.Ананьев объектга дифференциал ёндашув услубининг ривожига катта ҳисса қўшди. Дифференциянинг қуйидаги принципларини кўрсатиб ўтди.

а) ижтимоий-демографик, миллий, диний-маданий хусусиятларни ўз ичига олган ижтимоий-тарихий белги;

б) инсоннинг шахс сифатида фаолияти йиғиндисининг характеристикаси (меҳнат, билим, мулоқот), меҳнатдаги-профессионаллиги, ижтимоий-сиёсий ва маданий-ижодий фаоллик;

в) ижтимоий мавқени кўрсатувчи шахс томонидан бажарилаётган роллар ва функцияларнинг шахсий характеристикаси.

С.С.Виготский, К.Н.Карнилов, С.А.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, К.К.Платонов, В.Н.Мясишев, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.А.Крутецкий, К.Н.Абулхонов, А.А.Бодолев каби психологлар ижтимоий жамиятдаги инсонга дифференциал ёндашув орқали уни шахс сифатида ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Объектга таълим ва тарбия беришдаги дифференциал ёндашув механизмларини Н.К.Гончаров, М.А.Данилов, Б.С.Есипов, В.И.Загвязинский, Ф.Ф.Коралёв, М.Н.Скаткин каби педагогика бўйича йирик олимлар изланишлар олиб борганлар.

Инсонларнинг бўш вақтидаги фаолиятига дифференциал ёндашувнинг аҳамияти бўйича Д.М.Генкин, М.А.Ариарский, Г.М.Бирженюк, Г.А.Свтеева, А.Д.Жарков, К.Н.Измайлов, А.С.Каргин, А.А.Канович, Б.С.Сайфуллаев, В.Д.Лутанский, А.П.Марков,

Е.И.Смирнова, Ю.А.Стрельцов, В.С.Триедин, Г.И.Фролова каби олимлар тадқиқот олиб борганлар. Уларда дам олиш фаолияти қатнашчиларига дифференциал ёндашганда қуйидагиларга эътибор беришни таклиф этиладилар:

– ижтимоий-демографик (жинси, ёши, маълумоти, оилавий шароити, миллий хусусияти);

– ижтимоий-профессионал (касби, лавозими, малакасининг даражаси, меҳнат фаолиятининг характери, меҳнат жамоасидаги ижтимоий статуси);

– ижтимоий-психологик (лаёқати, қизиқиши, эҳтиёжи, асослари, анъаналари, одатлари);

– шахсий-характерологик (соғлиги, темпераменти, қобилияти ва бошқа шахсий қобилиятлари).

Б.Г.Пальцев меҳнаткашларнинг муסיқий қизиқишлари типологиясини, Ф.Э.Аҳмедов эса оммавий тадбирлар қатнашчиларига дифференциал ёндашувнинг мезонларини аниқлашга ҳаракат қилганлар.

Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда эстрада ва оммавий томошалар ижодий гуруҳи, ижодий фаолият олиб борадиган номерларнинг аҳамияти, яратилиш жараёнлари ўрганиб чиқилди.

Бу борада продюсернинг иши драматург билан сценарий яратиш жараёнидан бошланади. Сценарийнинг мавзусини, ғоясини, олий мақсадини, ғоявий жиҳатини аниқлаш асосий вазифадир. Эстрада жанридаги номерлар К.С.Станиславскийнинг классик услубида, яъни ғоявий-бадий услубда қурилади. Масалан, муסיқий-нутқ жанри куплетдан бошланади. Продюсерга муסיқий-нутқ жанрини ўрганиш, актёрларнинг қанчалик маҳоратли эканликларини аниқлашга ёрдам беради. К.С.Станиславский куплет ижро қиладиган артистнинг ўзига хос хусусиятлари борасида “у вокал овозга эга бўлмаслиги мумкин, лекин унда муסיка ритминини, катталигини сезиш, эшитиш қобилияти албатта бўлиши

лозим. Унинг қулоғи барча “пиано” ва “фортиссимо”ни фарқлай олиши керак. У куплетдаги маънони ҳар бир сўзнинг фонетикасини сезиши керак.

...Куплет ҳеч қачон жонсиз бўлмайди. Куплетлар ...ижрочига энг кучли актёрлик вазифасини бериб, ижрочини юракдан ижро этишга ундайди”¹.

Эстрадада ижро этиладиган куплетларнинг йўналиши турличадир. Куплет сатиранинг шакли сифатида инсонларнинг ҳаётдаги, уйдаги ёки ишдаги камчиликларини фош этишга йўналтирилган бўлади. Куплетларни ўткир памфлет шаклида, сиёсий сатира жанрида намойиш этиш ҳам мумкин. Лекин ўзбек эстрадасида бу жанрда ижро этадиган санъаткорлар йўқ. Продюсер ушбу жанрда ижод қила оладиган актёрларни топиб, йўналтира олиши лозим.

Ўзбек эстрадасида кенг тарқалган жанрлардан бири бу – пародиядир. Продюсер бу жанрнинг асосини нима ташкил этишини билиши лозим. Пародия икки турга, адабий ва эстрада турларига бўлинади. Табиатига кўра иккала тур ҳам умумий структурага эга:

1. Дўстона ҳазил (шарж) ёки ҳазил пародия.
2. Сатирик пародия.

Дўстона ҳазил, пародия қилинаётган объект устидан, унинг характер чизгиларларидаги баъзи қирралари енгил ҳазил қилинади. Бунга ўзбек эстрадасидан Мирзабек Холмедов, Ҳожибой Тожибоев ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин.

Сатирик пародияда эса – яширинган, салбий чизгилар фош қилинади. Сатирик пародияда муаллифнинг ва ижрочининг фуқаролик позицияси муҳим ўринни эгаллайди.

Пародия объектидаги усталик билан топилган кулгили чизгиларни топиш кенг тарқалган услуб бўлиб, бу чизгилар гипербола ёрдамида гротеск даражасига олиб чиқилди. Шу билан бирга комик жиҳатдан тўғри

¹ Горчаков Н.М. Режиссёрские уроки Станиславского. М., 1951. –С.257-258.

келмайдиган, бир-бирига боғланмаган, тескари аралаш тушунча ҳам ишлатилади¹.

Муסיқий-нутқ жанрида, муסיқий фельетон ўзига хос ўринга эгадир. Унинг мавзувий йўналиши эстрада фельетонидан унчалик фарқ қилмайди, лекин ижро этиш имкониятлари яна ўсади.

“Сатирик фельетонга қўшилган муסיқа аудиторияга фақатгина эстетик завқ бағишлаб қолмай, балки сатираинг ўзи усталик, ижодкорлик билан топилган муסיқий парчалар билан янада кучайтирилади”-деб ёзади В.Е.Ардов.

Бу борада продюсернинг, режиссёрнинг фақатгина муаллиф билангина эмас, балки композитор билан қўшимча иш олиб боришини ташкил қилиши керак.

Муסיқа ва қўшиқ эстрадада етакчи ўринни эгаллайди. Эстрада тўлалигича муסיқа билан ҳамоҳанг десак муболаға бўлмайди. Продюсер авваламбор муסיқани тушуниши, профессионал даражада фарқлай олиши лозим. Ижрочиларни ғоядан келиб чиқиб йўналтира олиши лозим.

Эстрадада яккахон қўшиқ ва хор, оркестрнинг симфоник, эстрада ва пуфлама, муסיқий асбобларда ижро қилинадиган ансамбллар, якка ижро номерлари, рақс муסיқалари, муסיқий-нутқ жанрлари ижро этилади. Бундан ташқари халқ муסיқаси ва қўшиқлари ҳам ижро этилади.

Айниқса ўзбек эстрадасидаги қўшиқчилик жанри бой тажрибага эгадир. Ўзбек эстрадасининг асосчиси Ботир Зокиров, Раъно Шарипова, Исахон Раҳимов, Мансур Тошматов, Насиба Абдуллаева, “Ялла”, “Наво”, “Садо” ансамбллари ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Хонанда Ботир Зокировнинг ижоди нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам машхур бўлди. Биринчи космонавт Юрий Гагариндан севимли хонандангиз ким?-деб сўрашса, севимли хонандам Ботир Зокиров деб жавоб берган экан.

¹ Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М., 1986. –С.47.

Тўлақонли ғоявий-бадий эстрада репертуарини яратиш продюсер ва режиссёрнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади.

Халқнинг бугунги ҳаёти мавзуси, ижодий меҳнат мавзуси, халқнинг мустақиллик ғояларини амалга оширишга бўлган интилиш мавзуси асосида репертуар қурилиши лозим. Шу нарсани эътиборга олиш лозимки, ҳар бир эстрада томошасига янгидан репертуар яратилади. Ҳар гал маълум бир актёр ёки жамоага мослаб тузилади.

Эстрада репертуарини яратишда ижрочининг ижодий-индивидуаллиги катта аҳамиятга эга.

Сценарийни яратиш жараёнида драматургия қонунларига амал қилган ҳолда бош воқеани, етакчи ҳаракатни, экспозицияни, кульминация, ечим ва ҳ.к.ларни аниқлаш лозим. Адабий асар инсценировкасини яратаётганда ҳам ушбу қонунларга амал қилиш лозим.

Адабий материал устида ишлаганда, уни “микрорпеса” ҳолига айлантирилганда, ундаги муаллифнинг матнларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, асарнинг ғоясини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Шу билан бир қаторда эстрада жанрига хос бўлган сўзлар қаторини, тасвирий ҳаракатга ўтказиш жараёни бошланади. Бу борада продюсер, режиссёр билан ҳамкорликда унча катта бўлмаган адабий (ёки мусиқий-адабий) материални-ҳикоя, новелла, юмористик ёки сатирик миниатюрани, шеърларни, адабий фелъетонни, қўшиқли миниатюрани танлаши лозим. Сўнг режиссёр образли қурилиш, персонажларнинг муносабатларидан келиб чиқиб, муаллифнинг стилини аниқлайди.¹

Ўзбек эстрадасида ушбу жанрда ижод қилувчи муаллифларнинг камлиги, эстрада театрининг йўқлиги кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир ажойиб ёзилган миниатюра-фелъетон, ҳикоя, кичик пьеса оддий реприза бўлсин, асосида драматургия ётади. “кичик драматургия”нинг қонунлари ва сирларини билиш продюсер ва режиссёрнинг вазифасидир. “Кичик драматургия”га катта масштабдаги

¹ Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М., 1986. –С. 67.

эстрада томошасининг узвий бўлаги, ғишти деб қараш лозим. Бундай вазифани бажаришда ижрочилар чуқур психологик ҳолатга онгли равишда ўта олиши лозим. Бундай бадий-ижод механизмини амалга оширишда К.С.Станиславский ижодкорнинг юқори онгини ўзига хос информация билан қуроллантириш деб атаган. Юқори оннинг (интуиция) фаолияти натижасида эмоция билан бирга ижодий функцияларнинг иллюзияси вужудга келиб, ижодий вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

Талаб, эмоция ва қониқишни олдиндан кўра билиш, олий асаб (руҳий) фаолиятнинг мустақил феномени ҳисобланади¹.

Ижодкор томонидан эҳтиёжларни олдиндан кўра билиш, эмоция ва эҳтиёжларга таъсир қилади. Салбий эмоциялар мақсадга етишида пессимистик кайфиятни уйғотади. Ижобий эмоция эса мақсадга эришиш йўлини яқинлаштириб, муваффақиятга эришишга туртки бўлади.

Айниқса, эҳтиёж сабабли вужудга келувчи сабаблар, қизиқишлар, интилишлар, хоҳишлар, мақсадга эришишдаги инсонни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Инсоннинг характери унинг шахсий эҳтиёжларининг таҳлили натижасида аниқланади².

Агар эмоция, эҳтиёж билан ҳамкорлигидаги ҳаракатда асосий ролни ўйнаса, бу ҳаракатни баҳолаш механизми уни қониқтирувчи хусусиятга айланади. Субъектнинг ижодий фаолияти туфайли нормалар ривожланиб, эҳтиёжнинг юксалиши кенгайиб, бойийди.

Продюсер томонидан ижодкор ижодини рағбатлантириш, олий онгни янада ривожланишига сабаб бўлади.

Ижодкорнинг ижтимоий муҳитда “жой эгаллаши” деган атама, келиб чиқиши бўйича образли-метафорикдир. Ижтимоий эҳтиёжларга эга бўлиш, инсоният жамиятига маъқуллигини кўрсатиб, реал ҳаракат қилишни талаб қилади.

¹ Симонов П.В., Ертов П.М. Темперамент, характер, личность. М.: “Наука”. 1984. –С. 19.

² Симонов П.В., Ертов П.М. Темперамент, характер, личность. М.: “Наука”. 1984.– С 19.

Бугунги кунда аниқ айтиш мумкинки, олий онг (ижодий интуиция) эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Олий онгнинг (ижодий интуиция)нинг фаолияти ижоднинг биринчи босқичларида намоён бўлиб, у онг ва ирода орқали бошқарилади. Инсон ижодий фаолияти давомида тажрибаси ошиб, албатта бошқаларнинг тажрибасини ўрганади. Лекин бу коллектив тажриба билимларнинг йиғиндиси бўлиб, аниқ ижодкор онггида ўрганиш технологияларнинг, этик ва эстетик нормаларнинг жамланишидир.

Олий онг табиатига кенг эволюцион ёндашув, ижод механизмига тўғридан-тўғри аралашиб мумкин эмаслигини тасдиқламоқда. Бундай аралашувнинг асоссизлигини таъкидлаган К.С.Станиславский бу механизмга таъсир қилишнинг бошқа йўллари кидиришни таклиф қилган. Бундай таъсирнинг инструменти бўлиб, актёрнинг психотехникаси ҳисобланиб, у иккита вазифани бажаришга чорлайди: онгни фаолият юритишга тайёрлаш, унга халақит қилмаслик. “Бизга тааллуқли бўлган-ижодга, психотехника услубларига ёндашамиз. Улар бизга онгимиз қачон иш фаолиятини бошлашини ва унга халақит бермасликни ўргатади”.¹ Айнан ижодий гуруҳга шароит яратиб бериш, англаб бўлмайдиган ижодий фаолиятда гинерал артистни бадиий амалиёт билан қуроллантириб, онг остида яширинган илҳомни рўёбга чиқаради.

Актёрда қандай қилиб бадиий образ шаклланади, айтиш мумкинки, тахминан деб таъкидлаган Ф.И.Шаляпин. – Бу қандайдир қийин жараённинг ярмиси – бу девор ортида ётган нарса. Шунини айтиш мумкинки, актёрнинг онгли ишининг бир қисми асосий катта аҳамиятга эга. У таъсир қилиб, интуицияни оширади.

Актёрни роль устида ишлашини илҳомлантиради – бу кейинги иш. Буни билиши керак эмас, бу ҳақида ўйлаши ҳам мумкин эмас, - бу унинг онгидан ташқарида ўзи келади; ҳар қандай интилиш, ҳар қандай ҳаракат

¹ Станиславский К.С. Ас.тўп. М.: “Искусство”. 1954. 2 т, -Б. 24.

билан ҳам буни олдиндан англай олмайди. У ўзининг ақли ва иродаси билан англаб, сўнг ўзи жазм қилган ишга қўл уриши лозим¹.

К.С.Станиславский бадиий ижоднинг англамаган этапини аниқлашда икки атамани қўллаган: “онг ости” ва “олий онг”. К.С.Станиславскийнинг фикрига “хаққоний санъат олий равишда, онгсиз ижоднинг табиатини, олий онгли органик ижод қилиши учун уйғотиши керак” - дейди².

Санъат онг фаолиятининг тури бўлиб, бу фаолиятнинг асосий momentiда гипотезалар, Станиславский томонидан “олий мақсад” деб аталган феномени ижро этади. “Уруғдан кўчат униб чиққани сингари - деб ёзган Станиславский – шу сингари адибнинг ғояси ва чизгиларидан унинг асари униб чиқади... Бу шароитни... асосий, бош мақсадни, барча вазифаларни ўзига тортувчи топшириқни муаллифнинг олий мақсади дейиш мумкин”³.

Олий мақсад қуйидаги чизгилар билан характерланади.

1. Ижодкорнинг дунёқараши билан узвий боғланган, фуқаролик позициясидан олий мақсад бадиий фаолиятнинг махсус феномени бўлиб, эстетик категория ҳисобланади.

2. Олий мақсадни сўз билан аниқлаб бўлмайди, чунки уни образлар тилидан тушунча сўзига кўчириб бўлмайди. Шу ердан бир асардаги олий мақсад тушунчасининг кўп маънолиги аён бўлади.

3. Олий мақсадни топиш жараёни англамаган психик фаолият сферасида кечиб, онгнинг фаол иштирокида унга эстетик, фалсафий, жамият жиҳатидан характерланади.

Томошабин, ўқувчи санъат асарини қабул қилиш жараёнида ўзининг олий онгини тоблайти, асардаги метафорик қаторларда улар турли саволларга, муаммоларга, топишмоқларга жавоб бериши керак бўлган саволларга дуч келади. Лекин бу саволларга бу ерда жавоб йўқ. Бу

¹ Шаляпин Ф.И. Сборник. В 2-х Т. М., 1957. Т.1. –Б.287-288.

² Станиславский К.С. Собр. Соч., Т.1. –С.406.

³ Ўша жойда.

саволларга мустақил жавоб топган инсонлар бугунгача уларга маълум бўлмаган масалаларга жавоб топадилар. Санъат инсоннинг билимга бўлган чанқоқлигини қондиришга ёрдам беради.

II боб бўйича хулоса

Замонавий продюсер эстрада ижодий гуруҳи билан ишлаш фаолиятида томошабинларнинг таклиф-истакларини, қизиқишларини чуқур ўрганиш лозим. Шундан сўнг яратиладиган томоша драматургиясида ғояни очиб бера оладиган номерлар композицион жиҳатдан танланади.

Продюсер ижодий эстрада гуруҳи билан ишлашда гуруҳ иштирокчиларининг қалбига психолог сифатида йўл топа олиши керак. Бўлажак талабалар (мутахассис) қилинадиган ишининг бизнес режасини амалга ошириш йўллари топа олиши лозим. Айниқса замонавий томошабиннинг қизиқишлари, актёр кадрларнинг маҳорати алоҳида эътиборга лойиқ. Шундай шароитда нима қилиш керак?

Бизнинг фикримизча эстрада жанри бўйича иш олиб бораётган илғор чет давлатлар тажрибасига таяниб, эстрада жамоасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки, эндигина бозор иқтисодиётига ўтган Республикамизда бу шароитни тўғри талқин қилиб олиб чиқа оладиган продюсерларнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга кўпгина илмий ва амалий тажрибаларни баён қилган машҳур продюсерларнинг таъкидлашича, санъатнинг бир туридангина тўлиқ маълумот олишнинг ўзигина етарли эмас. Шунинг учун ҳаётий ва амалий тажриба бўлиши талаб қилинади.

Театр соҳасида, кино майдонида, ТВ соҳасида ёки оммавий байрам ва томошалар ва эстрада соҳаси бўлишидан қатъий назар, продюсер санъат жанрининг ўзига хослигини тушуниши ва ўзига хос хусусиятарни англаши лозим.

Авваламбор, эстрада томошалари продюсери эстрада томошаларининг таркибий қисмини, қандай номерлардан ташкил

топишини яхши билиши керак. Кўпинча, бу соҳанинг мутахассиси бўлмаса ҳам баъзи режиссёрлар жазм қиладилар. Лекин, минг афсуски драма режиссёри билан эстрада томошалари мутахассислари ўртасидаги билиши керак бўлган илмий ғояларни билмайдилар ва билишни ҳам хоҳламайдилар.

Айнан шу пайтда продюсернинг хизмати керак бўлади! Бизнинг Ватанимиз учун янги бўлган касбнинг афзаллиги айнан шу дамда маълум бўлади. Биз бу бобда продюсер нима учун керак? Бу соҳанинг санъаткор учун (санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар) қандай фойдаси бор, нима қила олади, нима учун керак, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Юқорида зикр этилган изланишлар дифференциал ёндашувнинг педагогика, психология ва социологияда амалиётда қўлланган тажрибанинг баъзи муаммоларинигина ўрганган. Шу кунгача бу изланишларда аниқ манзил кўрсатилмаган.

Шундан келиб чиқиб, биз продюсер фаолиятидаги ижодий гуруҳ ишининг дифференциал ёндашув орқали самарадорлигини ошириш мақсадида, бу муаммони ҳал этишда ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик тадқиқот ўтказдик. Бу борада қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Ижодий гуруҳ объектига дифференциал ёндашувнинг муаммолари ҳолатини аниқлаш.
2. Объектга дифференциал ёндашиш методикаси ва методологиясини ишлаб чиқиш.
3. Ижодий гуруҳга дифференциал ёндашув мезонларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.
4. Ижодий гуруҳга дифференциал ёндашув амалиётининг педагогик шароитларини янада бойитиш.
5. Гуруҳга дифференциал ёндашганда психологик (эмоция, сабаб, қизиқиш, интилиш, хоҳиш, ишонтириш каби) шароитларни чуқур ўрганиш.

Ижодий гуруҳ билан иш олиб бораётган продюсер, гуруҳга дифференциал ёндошганда, гуруҳ аъзоларининг ўзига бўлган ишончини уйғота олиши, умумий ишга бўлган қизиқишини орттира олиши, бўлажак томошанинг сифатида, томошабоплигида акс этади. Энг асосий ижодий гуруҳда ижодкорлик муҳитини ярата олиши лозим.

III БОБ. ИЖОДИЙ ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ПРОДЮСЕРНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ижодий жараёни ташкил этишда замонавий продюсернинг мақсад ва вазифалари ҳамда иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш усуллари

Ижодий жараёни ташкил этиш продюсернинг асосий вазифасидир. Санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар, продюсер режиссёрнинг, маъмурнинг, ташкилотчининг вазифаларини билиши, бажара олиши лозим. Олдинги бобларда таъкидлаганимиздек продюсер санъатнинг қайси турида ижодий фаолият олиб бормасин, у ана шу санъат турининг алифбосини чуқур, профессионал даражада билиши, тушуниши лозим. Агар бу соҳада делетант бўлса, албатта у амалга оширмакчи бўлган лойиҳа инқирозга, муваффақиятсизликка учрайди.

Санъат ижтимоий ҳодиса сифатида борлиқни бадиий образлар, ҳис туйғулар орқали эмоционал ҳолатларда акс эттиради, кишиларга ғоявий-эстетик таъсир этади, ўргатади ва тарбиялайди.

“Санъат” ибораси кенг маъноли тушунча бўлиб, борлиқни образларда акс эттириш усули, “усталик”, “моҳирлик”, “ишни кўзини билиб амалга ошириш” каби мазмунларни ифодалайди. Санъат арабча “сун” сўзидан олинган бўлиб, “яратмоқ” маъносини билдиради.

Фалсафа, фан, ахлоқ, сиёсий ва ҳудудий мафкуралар каби санъат ҳам ижтимоий онг шаклларидан биридир. Уларда борлиқ, ҳаёт мантиқий хулосалари, ахлоқий тамоил ва тушунчалар акс этади. Ижтимоий онг шакллари оламни акс эттирибгина қолмай, унга таъсир этади, қайта қуради¹.

Буюк немис файласуфи Г.В.Гегел санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнини жуда юқори баҳолайди. Санъат мутлақ руҳни, фалсафа, ахлоқ,

¹ Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А.. Актёрлик маҳорати. - Т.: Фан ва технология, 2012. –Б. 91.

дин кабилар билан бир қаторда ифодалайди, санъат гўзаллик инъикосидир, гўзаллик эса мутлақ руҳдир, дейди файласуф.

Продюсер санъат орқали кишилар онгига таъсир этишда, унинг мафкурасини ўзгартиришда, санъат асарлари аниқ мақсадга қаратилганлигига, ғояга таяниш кераклигига айниқса катта эътибор бериш керак. Чунки ижодкорнинг диққат марказида доим олий мавжудот - инсон туради. Инсоннинг ҳаёти, ўй-хаёллари, фикри-зикри, дунёқараши кўп асрлик тарихга эга бўлган буюк, етук санъат асарларининг мазмунини ташкил этади. Демак, санъат ўзининг пайдо бўлиши, жамият ҳаётида тутган ўрни ва вазифалари билан ижтимоийлик касб этади.

Санъат ва фан борлиқдаги турли нарса ва ҳодисаларни ўргатади.

Бадий образсиз санъатнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки бадий образ санъатнинг юрагидир ва уни бошқа ижтимоий онг шакллари, жумладан, фандан ажратиб турувчи ўзига хос хусусияти, белгисидир.

Продюсер ҳар бир санъат турининг асосини нима ташкил этишини фарқлай олиши лозим. Айниқса, театр санъати билан шуғулланаётган продюсер, театр санъатининг синтетик санъат эканлигини тушуна олиши лозим. Шу билан бирга дунёдаги барча санъат турларининг икки турга, яъни “фазовий” санъат ва “вақтли” санъат турларига бўлинишини билиш керак.

“Фазовий” санъат бу – рассомчилик асарлари, ҳайкалтарошлик асарлари, меъморий обидалар, актёрнинг пластик ҳаракатлари, булар ҳаммаси бир мақомни эгаллаб туради, кўзга кўринади. Рассом мўйқалам билан ҳаётининг маълум бир лаҳзасини муҳрласа, ҳайкалтарош ўз асарларида айрим дақиқа онлардаги ҳолатни ифодалайди, меъморий бинолар эса ўзининг маҳобати, гўзаллиги ва услублари билан кўзга ташланади, актёрнинг пластик ҳаракати бўлса ички мақсадларидан келиб чиққан ҳолда уйғунлашади.

“Вақтли” санъат бу – сўз, мусиқа, кўшиқ. Бу санъат турини биз эшитамиз, қулоқ соламиз, маълум бир вақтимизни эгаллайди. Нимаики

кўзга ташланса, томоша қилиш фазовий, нимаики қулоққа чалинса, яъни эшитилса вақтли санъатга айланади. Сўз орқали одамларга таъсир қилиб, куй-қўшиқ билан кайфият бағишланади. Мана шу санъатнинг икки йўналиши бирлигидан, омухталигидан, синтезидан театр санъати вужудга келади. Шунинг учун ҳам театр санъати, синтетик санъат ҳисобланади. Ҳар бир санъат турини ўзини алоҳида маънавий камолига кучли таъсир қилса, уларнинг синтезидан келиб чиққан театр санъатида томошабинни ҳаяжонга солиш, уни ларзага келтириш, қалбини, хис-туйғуларини жунбушга келтиришда ўрни ва роли беқиёсдир.

Эстрада ва оммавий томошалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Эстрада ва оммавий томошалар ҳам театр санъати каби синтетик санъатдр.

Санъатнинг бу турида ижодий жараёни ташкил қилишда авваламбор мавзу ва ғояни аниқлаб олиш муҳимдир. Продюсер мавзу ва ғояни аниқлаб олгач, сценарий яратиш вазифасини ҳал этиши керак. Биз биламизки, сценарий бўлажак томошанинг пойдеворидир. Сценарий бошқача қилиб айтганда, бўлажак томошанинг “архитектура лойиҳаси” ҳисобланади. Унда томошанинг драматик компонентлари аниқ кўрсатилади¹.

А.П.Довженко сценарий яратиш жараёнини кема қуриш жараёнига таққослайди. Бу таққослашлар сценарийнинг бадиий яхлит бўлишини, эпизодларнинг ғоявий, аниқ, кетма-кет келишини таъминлашни талаб қилади. Ушбу жараёнда патетик санъат, (патетик – юнонча *pathetikos*, яъни эҳтиросли деган маънони билдиради) муаммолари бўлмиш халқ қаҳрамони, эпик умумлашмаларни, монументалликни, масштабlilikни, мавзунинг масштаб эквалентини аниқлаш лозим. Эстрада ва оммавий томошалар сценарийси муаллифи мана шу муҳим шартларни турли бадиий шаклларда намоён эта олиши лозим. Шу билан бирга эстрада ва оммавий томошалар драматургияси ўзига хос бўлишига қарамай, драматургиянинг кўриниши бўлиб, драматургия характери билан ҳамнафасдир.

¹ Шароев И.Г.. Режиссура эстрады и массовых представлений. М. 1986. – С.105.

Замонавий драматургия турли янги шакллар: киносценарий, радиосценарий, телевизион сценарий, оммавий байрамлар сценарийси, эстрада ва оммавий томошалар сценарийси, цирк томошалари сценарийси билан янада бойийди. Бу шакллар умумий драматургия қонунларига амал қилади. Турли жанрларда, ўз хусусиятидан келиб чиқиб яратилишига карамай, драматик ҳаракатнинг асоси сақланиб қолинади¹.

“Инсон табиати турли-тумандир - деб ёзади К.С.Станиславский, - шунинг учун ушбу қонуниятдан келиб чиқиб у, кўп сонли санъат турларини яратади”. Ҳақиқатда турли жанрлар, турлар бирлашиб, хусусияти жиҳатидан фарқланадиган янги жанрлар вужудга келди.

Жанр хусусиятлари фаол ички жараёнда бирикиб, жанр элементлари ҳаракат динамикасига эга бўлиб, янги бадиий тизимнинг компонентига айланади.

К.С.Станиславский – “Барча жанрларнинг асосида ҳаёт ётади. Ҳар бир ҳаётий кўринишдаги келишмовчиликларнинг кўплаб кўринишлари вужудга келади – мана шу туфайли санъатда турли жанрларга бўлган талаб пайдо бўлади” – дейди.

Драматик асар структураси ҳақида гапирганимизда, қандай жанрда бўлишидан қатъий назар биз пьесанинг ёки сценарийнинг композициясига мурожат қиламиз.

Ҳозирги кунда турли санъат турларининг бирикиши, кўп қиррали характер касб этмоқда. Турлар ва жанрлар шунчалик бир-бири билан бирикишиб кетганки, уларни шартли чегара билангина ажратиш мумкин². Шу билан бирга бу кўп санъат турларини бир-бирига яқинлаштишига ёрдам бермоқда.

Сценарий яратиш жараёнида монтаж услуби катта аҳамиятга эга. Монтаж сўзи – (французчадан montage) – конструкцияни, деталларни йиғиш, ўрнатиш, улаш деган маънони англатади. Ҳар бир номерни,

¹ Туманов И.М. Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. Л., 1974. – С.22.

² Шароев И.Г.. Режиссура и массовых представлений. М., «Просвещение», 1986. – С.112.

эпизодни ғоявий жиҳатдан, композицион монтаж қилиш мақсадга мувофиқдир. Машҳур режиссёр И.М.Туманов ўзининг “Театрлаштирилган концерт режиссурасининг хусусиятлари” номли китобида, ҳар бир эпизод орасига ғоявий кўприкча қуриш керак деб таъкидлайди. Ҳақиқатдан тўғри бажарилган монтаж томошанинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди. Монтаж тизими асосий ғояни очиб бериб, уни “катта план”да намоиш этишдек имкониятни яратди.

Маяковский, Брехт, Мейрхольд, Эйзенштейлар ўз ижодларида монтажга катта эътибор берганлар. Брехт ўзининг “Эпик” театрида монтаж услубига таянган ҳолда драматургиянинг барча компонентларини бирлаштирган. Монтаж – энг ёш санъат тури бўлмиш телевидение драматургиясининг ҳам асосини ташкил этади.

Эстрада ва оммавий томошалар драматурглари санъатнинг турли турлари, жанрлари (театр, кино, мусиқа, цирк ва ҳ.к.) синтезини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Жанрларнинг турли планлилиги томоша драматургиясининг энг кучли томони ҳисобланиб, шу билан бирга драматургга катта қийинчилик туғдиради. Кўп қиррали жанрларни битта сценарий ҳаракатига ётқизиб, ҳар бир эпизод ва номерни сценарийнинг драматик йўналиши бўйича ғоявий оқлаши лозим.

Барча “пластик материал” биринчи босқичда сценаристнинг қўлида бўлади. У “пластик материал”ни ва таъсирчан воситаларни танлаш ҳуқуқига эга.

Машҳур режиссёр А.Довженко – “Оммавий томошаларга тасвирий сценарий керак” – деб уқтирган. Эстрада ва оммавий томошалар драматурги адабий тасвирлаш усулида эмас, балки образлар устида иш олиб бориши лозим. Шунда улар яратган сценарий монтаж драматургияси асосида қурилган бўлажак томошанинг асосига айланади¹.

Сценарий тайёр бўлгач, продюсер ўз ғоясини амалга ошира оладиган режиссёрни излайди. Бўлажак режиссёр унинг образли кўринишини

¹ Довженко А. Асосий тўплам. 4 т, -Б. 370.

тушуниши, унинг ғоясини ривожлантира олиши лозим. Кўп жанрларга асосланган эстрада ва оммавий томошаларнинг асосига – оммавий халқ ўйинлари, акробатика, иллюзия, жанглёрлик, масхарабозлик, кўғирчоқбозлик, оммавий спорт чиқишлари каби – пластик асос қўйилган. В.С.Мейрхольд – “муסיқий пластик ҳаракат сценарийдаги оммавий ҳаракатнинг структурасини, образлилигини, стилини ва драматургик асосини аниқлаб берувчи кучдир” - деган эди.

Бу фикр маълум миқдорда эстрада томошаларига ҳам тааллуқлидир.

Пластик ҳаракатнинг муסיқасини намоён этиш, сценарийда акс этган бўлиши керак. Бўлажак томошанинг пластикасини эса, режиссёр кўра билиши лозим.

Машҳур ижодкор Лессинг – “вақт кетма-кетлиги шоир соҳасидир, кенгликдаги соҳа эса мусаввир соҳасидир. Режиссёр эса ўз ижодида иккита санъатни: кенгликни ва вақтни бирлаштириб, бирваракайига ҳам “шоир” ҳам “мусаввир” вазифасини бажаради” – деган эди.

Довженко ҳам драматург, ҳам режиссёр вазифасини бажариб, куйидагича ёзган: “Мен ёзаётган сценарийда биринчи навбатда ҳаракат, иккинчи навбатда – ҳаракат ва учинчи навбатда – ҳаракат жалб қила оладиган томошавийлик бўлиши керак”¹. Режиссёр-драматург ўта қийин қоришма бўлган синтезни эгаллай олиши лозим.

Сценарий яратиш ва уни саҳналаштиришдек қийин жараёнда режиссёр, ғоявий-бадий йўналишдаги, оммавий ҳаракат ва эстрададаги эстетик алоқа, адабий, муסיқий, пластик санъат муаммоларини ҳал эта олиши лозим.

К.С.Станиславский театр ва драматургия – бир бутундир: “Иккита санъатнинг бирлигидангина ёзувчининг ва театр жамоасининг маҳорати орқали янги бадий бойлик – спектакль вужудга келади” - деб таъкидлаган.

¹ Довченко А. Асосий тўплам. 4т, -Б. 370.

Томошани томошавий чиқишида, эмоционал таъсир кучини ошишида рассомнинг ҳам хизмати беқиёсдир. Режиссёр томонидан илгари сурилаётган ғоя ва олий мақсадни очиб беришда бадиий безакларнинг алоҳида ўрни бор.

Режиссёрнинг таклифи билан, продюсернинг розилиги билан рассом ижодий фаолиятга жалб этилади. Яратилган эскизлар режиссёр ва продюсер томонидан тасдиқланади.

Бундан ташқари продюсер санъат билан замонавий техниканинг алоқасини билиши лозим. Ҳозирги кунда сахнавий техника санъатинг ажралмас бўлагига айланди. Замонавий техника санъатдаги бадиий яхлитликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Оммавий томошаларда актёрлардан ташқари кўплаб, турли соҳадаги халқ оммасининг иштирок этиши режиссёрга қийинчиликларни туғдиради. Продюсер бу иштирокчиларни иложи борича лаёқатлиларини танлаб олишни иложини қилиши керак. Бу иштирокчиларни ҳам умумий ғояга қизиқтира олиши лозим.

Айниқса байрам томошаларида иштирок этувчи (хусусан спорт томошаларида) бадиий фон, фон гуруҳи қатнашчилари умумий композицияда салмоқли иштирок этишлари керак бўлади. Продюсер бадиий фон ва фон режиссурасининг хусусиятидан келиб чиқиб, иштирокчиларни жалб қилиши керак. Фон ва бадиий фон таъсирчан восита ҳисобланиб, томошанинг эмоционал таъсир кучини оширишга, томошанинг ғоясини янада тўлиқ очиб беришга ёрдам беради.

Очиқ ҳавода ўтказиладиган оммавий томошаларда асосан фонограмма ишлатилиши сабабли, продюсер олдиндан қайси студияда, кимлар иштирокида фонограмма ёзилади, студиянинг имкониятларини, у ердаги техник воситаларнинг имкониятларини олдиндан ўрганиб, шартнома тузиши лозим.

Продюсернинг иш фаолиятида, иқтисод, молиялаштириш, ҳисоб-китоб асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Продюсер санъатнинг қайси турида фаолият олиб бормасин, иш бошлашдан олдин амалга ошириладиган лойиҳанинг режасини (бизнес режа) тузиб олади. Бундай режани тузиш, лойиҳани бошқариш учун продюсер менежментнинг қонун-қоидаларини яхши билиши керак. Бу борада юқоридаги бобларда маълумот берилган.

Продюсер менежмент асосида лойиҳани амалга оширишда, бозор муносабатлари шароитида бошқарувнинг қуйидаги қонунларига амал қилиши лозим:

- бошқариш объекти ва субъектини аниқлаш;
- бошқариш принциплари ва усуллари;
- бошқариш маданияти;
- менежер рейтинги;
- бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш;
- бошқариш функциялари;
- ходимларни бошқариш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- самардорликни бошқариш;
- ўз-ўзини бошқариш;
- ҳудудий бошқариш ва ҳоказолар.

Менежмент объекти ҳақида сўз юритганда, энг аввало объект сўзининг луғавий маъносига эътибор бериш керак бўлади. Шу маънода объект бу:

- биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлик, воқелик, моддий дунё, мавжудот;
- киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарса, шахс;
- хўжалик ёки муҳофаа аҳамиятига эга бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва ш.к.¹

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. –Б.517.

Демак, объект тушунчаси микро воқеликдан (киши ва унинг фаолиятдан) тортиб, то макро воқелик (моддий дунё, жамият) даражасигача бўлган маънони ўз ичига олади. Масалан, “Ҳайдовчи ўз машинасини бошқара олмаганлиги сабабли у йўлдан чиқиб кетади”, бу ерда бошқарув объекти бўлиб машина ҳисобланади. Ёки “У киши ўзини жуда яхши бошқара олади”, бу ерда бошқарув объекти бўлиб киши, шахс ҳисобланади. Ижодий гуруҳни бошқариш, мамлакатни бошқариш ва ҳ.к. менежментнинг ёки бошқаришнинг объектларидир.

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳодиса ёки жараён негизи бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъект тизимларидан ташкил топади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Америкалик олим Ф.Тейлор “Бошқарувнинг мумтоз мактаби”ни яратишга асос солди. Ф.Тейлор бошқаришини “Аниқ қонун-қоидаларга таянадиган ҳақиқий илм, шунингдек, нима қилиш кераклигини аниқ билиш ва уни пухта ҳамда арзон усулда бажариш санъати” - деб баҳолаган.

Унинг принципларига биноан:

- меҳнатнинг ҳар бир жараёни, унинг кўлами ва кетма-кетлиги аниқ пухта ихтисослаштирилиши шарт;
- ҳар бир меҳнат тури қатъий вақт оралиғида тақсимланиши лозим;
- ҳар бир меҳнат жараёни ва ҳатто ҳар бир ҳаракат пухта ишлаб чиқилган қоидаларга бўйсундирилган бўлиши керак;
- юқорида белгилаб берилган шу усулларни ва қоидаларни бажариш учун доимий талабчан назорат амалга оширилиши лозим;
- ишчилар малакаси ва савиясига қараб жой-жойига кўйилиши шарт;
- бошқарувчи билан бошқарилувчи масъулиятини аниқ белгилаш ва вазифаларини тўғри тақсимлаш шарт.

Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил этиш ва уни бошқариш борасидаги таклифлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда меҳнат унумдорлиги икки баробар (100%)га ўсишига олиб келган.

Тейлорнинг замондоши ва ишининг давомчиси америкалик иқтисодчи Г.Эмерсон меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича йирик мутахассислардан бўлиб, у бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг комплекс, системали тизимини ишлаб чиққан. Бу нарса унинг “Меҳнат унумдорлигининг 12 принципи” номли асарида ёритилган.

Г.Эмерсон илмий бошқарув принципининг моҳиятига кўра қуйидаги кетма-кетликда баён қилган.

1. Аниқ қўйилган мақсад ва ғоялар;
2. Оқил, соғлом фикр;
3. Жозибали, эътиборли маҳсулот;
4. Интизом;
5. Ходимга нисбатан адолатли бўлиш;
6. Тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқ ва мунтазам ҳисоб-китоб;
7. Диспетчерлаш;
8. Меъёрлар ва жадваллар;
9. Шароит билан таъминлаш;
10. Операцияларни меъёрлаш;
11. Стандарт йўриқномаларни тайёрлаш;
12. Унумдорликни рағбатлантириш;

Кўриниб турибдики, Г.Эмерсоннинг диққат-эътиборида, энг аввало икки, яъни аниқ қўйилган мақсад ва ғоя, шунингдек оқилона фикр турибди.

Франциялик олим А.Файол бошқарув фани ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг илгари сурган ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

- А.Файол бошқаришни:
- келажакни кўрувчи;

- фаолиятни ташкиллаштирувчи;
- фаолият турларини мувофиқлаштирувчи;
- қарор ва буйруқларни бажарилишини назорат қилувчи кучли қурол деб атайди¹.

Мана шу иқтисодчи олимларнинг бошқарув бўйича назарияларининг яратилиши, биринчи бўлиб АҚШда продюсерлик касбини вужудга келишига туртки бўлди. Ушбу қоидаларга амал қилган Голливуд продюсерлари ҳозирда ҳам катта муваффақият билан ижодий фаолият олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларидаги продюсерлар санъатнинг барча турларини бошқаришда ушбу қоидаларга амал қиладилар.

Ҳар қандай фильмни ишлаб чиқариш ўзига хос вақт рамкалари билан чегараланган бўлади. Бизнес-режада ишлаб чиқаришнинг тахминий вақт жараёнлари кўрсатилади: (тайёрлов, суръатга олиш ва монтаж-тренировка, фильмнинг бошланғич материалларини тайёрлаш). Продюсер ўнлаб кўрсаткичларни ҳисобга олиб, биринчи навбатда лойиҳани суръатга олишнинг мураккаблигини, саҳналаштирувчи-режиссёр харажатларнинг лимитини ўрганади. Бизнес-режада кино, теле ва видеопрокат ва ҳ.к.ларда тайёр тижорат фильмлари шакллари таъкидлаб ўтилади. Унда, кинофильмни кўп маротаба айланадиган узоқ ўйнайдиган пластинкага қиёслаб таъкидланади.

Продюсернинг ижодий жамоаси қуйидаги блокларга бўлинади:
Молиявий блок. Инвестор ва спонсорлар. Бу тоифага ишбилармонлар, бизнесменлар ва бошқа турли инсонлар кириши мумкин. Контрактдан келиб чиққан ҳолда улар лойиҳанинг ижодий қисмига аралашилари ёки продюсернинг ўзига ҳавола қилишлари мумкин.

¹ Файол А. Учебные об управлении. Рязань. 1927. –С. 18.

Молиявий директор. Бу шахс эксперт бўлиб, пул ишлашга ёрдам бермай балки уларни саклаб, талаб бўлса тўғри ҳаражат қилишга ёрдам беради.

Молиявий менежер. Продюсерлик ставкасини оптималлаштириш шароитлари унинг мажбуриятига киради. У продюсернинг ҳаражатларини жиддий қисқартириши мумкин.

Ташкилий ҳуқуқий блок. Ижро этувчи продюсер. У бош продюсернинг ўнг қўли ҳисобланади. У бошқарув ижодий ва молиявий характердаги ишларни ҳал этади, лекин узил-кесил қарорни бош продюсер ҳал этади.

Гуруҳ директори. Гуруҳнинг барча ишларида қатнашиб, улар билан гастролларга бориб, ташкилий масалаларни ҳал этади. Ушбу маъмурий поғона, ижодий гуруҳни продюсер билан боғлаб туради.

Менежер. У гуруҳ иши билан боғлиқ бўлган келишувларни амалга ошириб, муаммони энг эффектив ҳал этиш йўлларини топади.

Юрист. У ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиб, лойиҳани амалга оширишга ёрдам беради.

Концерт директори. У жамоанинг гастрол ва концерт графигини тузади.

Ижодий-бошқарув блоки. Муаллиф ва артист-ижрочилар. Артист ижрочи тушунчасига, артистларнинг ўзларидан ташқари, улар образини яратишларига ёрдам берувчилар, хореографлар, шоуни сахналаштирувчи, мусиқачилар, имиджмейкерлар киради.

Мусиқий нашриёт. Бу ташкилот мусиқий материал муаллифларининг – композиторлар ва шоирларнинг ҳуқуқларини бошқаради. Продюсер улар билан у ёки бу мусиқий материални ишлатиш борасида музокаралар олиб боради.

Саундпродюсер. Студияда кўшиқларни ёзиш жараёнини назорат қилиб, сифатига жавоб беради.

Рекорд-лейбл. Бу овоз ёзиш ва албом чиқариш билан шуғулланадиган компания. Рекорд-лейбл, муסיкий материални бозорга чиқариш ва айлантириш ҳуқуқини бўйнига олади.

Арт-менежер. Лойиҳанинг барча ижодий гуруҳлари ва артист-ижрочиларнинг фаолиятини эксперт назоратини ўтказди. У лойиҳа продюсери билан узвий алоқа қилиб, барча деталларни чуқур ўрганади.

Продюсернинг бошқарувчилик сифати. Юқорида айтиб ўтганимиздек продюсернинг фаолияти кўп касбларнинг синтези бўлиб, биринчи навбатда продюсернинг иши турли касбдаги инсонларга таянади. Продюсернинг кўл остида ўнлаб ходимлар хизмат қилади. Шунинг учун продюсернинг профессионал билими кучли бўлиши лозим. Лойиҳани бажариш жараёнида продюсер, муסיқа танқидчиси, бизнесмен, дипломат ва ғоявий раҳбар ролларини бажаришга тўғри келади.

Продюсер қўшиқни ёки муסיқани ёзишда ҳам муסיқачи, ҳам аранжировкачи, ҳам овоз режиссёри бўла олиши лозим. Студияда муסיқани ёзиш жараёнида муסיқачиларнинг объективликни сақлаб қолишлари қийин бўлади. Вокални ёзиш жараёнида эса, нимадир ёқмаса у хатоларни кўрсатиб, тўғирлайди. Яхши продюсер қўшиқчи қаердадир қотиб қолса унга “таъсир” қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Продюсер тамошабин эмас, балки ёзиш жараёнининг тўлақонли аъзоси бўлиб, идеал товуш, темпни танлашга аранжировкани вужудга келтиришга бошчилик қилади¹.

Продюсер жамият олдида жуда катта маънавий тарбияга жавобгардир, чунки у миллионлар ёқтирадиган янги “юлдуз” хонандаларни яратади. Ижрочи томонидан ижро қилинадиган қўшиқ ва образларни продюсер томонидан пропаганда қилиниши келажак авлоднинг қандай улғайишига таъсир қилади. Чунки муסיкий материал, ёшлар руҳиятига қаттиқ таъсир қилади.

¹ Корнеев С. Как зажигают звёзды. Санкт Петербург. 2004. –С. 24.

Лойиҳани амалга оширишда, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва эффектив равишда ишлата олиш продюсернинг бажариши лозим бўлган асосий функциясидир. Бозор иқтисодиёти шароитида, бу ишни амалга ошириш олдиндан белгилаб бўлмайдиган (характердаги) таваккалчиликни, воқеаларга салбий таъсир қиладиган тизимли ҳимоясиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун продюсер аудиовизуал маҳсулотни ташкил қилишда ва тадбиқ қилишда (АВМ), инвестицияни жалб қилишда ва фаолиятининг эффективлигини таъминлашда профессионал жиҳатдан тайёр бўлиши лозим.

3.2. Продюсерлик фаолияти тизимида таваккалчиликни бошқариш ва бизнес режа

Таваккалчилик у ёки бу даражада ҳар қандай ишбилармонлик фаолиятига ҳамроҳлик қилади. Инсон ҳаёти давомида турли таваккалчиликни таъсирига дуч келиб, интуитив равишда ўз сиёсатини юритиб, бошқаради. Продюсер фақатгина интуицияга ишонибгина иш олиб бормай, балки таваккалчиликни бошқаришни дастурий равишда амалга оширади¹.

Юқори профессионал продюсер-фақатгина ишбилармонгина бўлиб қолмай, балки аудивизуал йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ресурсларни жалб қилиб қўллаш олади.

Ўз-ўзини қоплашдан фойда олиш, ишлатилган маблағларни фойда билан қайтариш, амалга оширилаётган лойиҳанинг бадиий ва маънавий жиҳатдан юқорилиги продюсер фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “таваккал” тушунчаси: узоқ мулоҳаза қилиб ўтирмай, нима бўлса бўлар, “ё остидан, ё устидан” зайлида

¹ Латков А. Значение, места и роль управления рисками в сис теме управления продюсерской деятельности сб .ет. М., 2009. –С.59.

қилинган ҳаракат маъносида талқин қилинади. Таваккалчи тушунчаси эса, таваккалига, таваккал билан иш қилувчи маъносини билдиради.

Америкача таърифга кўра, таваккалчилик – бу бирон иш билан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишдан қутулиб қолиш имконияти. Албатта, баъзи хавфларни суғурта компаниялари билан шартнома тузиш орқали олдини олиш мумкин. Бироқ, хавфнинг асосий оғирлиги, яъни:

- продюсернинг хатоси;
- нарх ўзгариши;
- талабнинг сусайиши;
- нотўғри танланган лойиҳа;
- ишчиларнинг норозилиги ва бошқалар ишбилармоннинг елкасига тушади.

Аммо, умуман хориж тажрибаси ишбилармонлик таваккалчиликсиз мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Кимки ҳеч бир таваккал қилмаса, охир-оқибатда хонавайрон бўлади.

Таваккалчилик фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериш эҳтимоли билан ифодаланади. Шу маънода:

Таваккалчилик – бу оқибатнинг яхши бўлишига умид боғлаб, хавф эҳтимоллигини зиммасига олган ҳолда қилинадиган ҳаракат.

Таваккалчилик – бу ресурс ёки даромаддан тўла ёки қисман йўқотиш хавфи.

Таваккалчилик – бу ноаниқлик шароитида ҳар қандай довжорак продюсер учун табиий ҳолат, вазият. Таваккал ботирнинг иши.

Таваккалчилик – бу омадсиз оқибатнинг миқдорий баҳоланиши.¹

Эртанги кун ёки бўлажакда нима бўлишини олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмас экан, барча қабул қилинадиган қарорлар таваккалчилик билан боғланган. Шу сабабли продюсер таваккалчиликдан қочмаслиги,

¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи, 2001, -Б.584.

уни олдиндан кўра билиши, туғилиши мумкин бўлган хавф даражасини пасайтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида:

Хавф – бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериш эҳтимоллиги; хатар; кўрқинч;

Хатар – бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит; хавф; таҳлика;

Хавф-хатар – бирор нарсадан кўрқиш деб талқин этилган.

Кўриб турибмизки, хавф тушунчаси эҳтимоллик билан боғланилаётган бўлса, хатар иборасида эса, асосий урғу шароитга, вазиятга берилаяпти. Учинчисида ҳар иккала тушунча бир хил маънода талқин этиляпти.

Бизнинг фикримизча бошқаришда, хусусан таваккалчиликда хавф тушунчасини қўллаш маъқулроқдир (5-илова)

Продюсер техник воситаларни жалб қилиш, ижодий гуруҳ аъзолари билан (сценарист, режиссёр, актёрлар ва ҳ.к.) шартномани имзолаш жараёнида лойиҳага ишлатиладиган маблағнинг қанчалиги аниқланади.

Аваламбор томошанинг ғояси аниқлаб олинади. Ғоядан келиб чиққан ҳолда продюсер қайси режиссёрни жалб қилиш кераклигини ва молиявий таъминотни аниқлаб олади.

Инсон фаолиятининг ҳар қандай турида биринчи қадам жуда ҳам муҳимдир. Эстрада ва оммавий томошаларнинг асосини ғоя, мавзу ва жанр ташкил этади. Ғоя – бу асарнинг бош, асосий мазмуни, режасидир. Ғоясиз ҳеч қанақа санъат асари вужудга келмайди, лекин уни тадбиқ этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Айнан, энг ажойиб ғоя ҳам, лойиҳанинг эмбриони ҳисобланиб, бўлажак томошанинг нишонаси ва келадиган фойданинг асоси ҳисобланади.

Ғоя қаердан олинади? Адабиёт, тарих, сиёсат, ҳаётимизни ўраб турган табиат ғояни вужудга келтирувчи манбаа ҳисобланади. Бундан ташқари кундалиқлар, мактублар, фото суръатлар, рақибларнинг

муваффақиятлари, санъатнинг бирон-бир янгилигини айтишга интилиш, эрудицияни кўрсата олиш, кенг маълумотга эга бўлиш ва ҳ.к.лар ҳам ғояни топишга ёрдам беради.

Мавзу – асар мазмунининг асосидир. Мавзу ҳикоянинг чегараларини аниқлаб беради. Продюсер лойиҳани амалга оширишдан олдин, унга ёққан мавзу қизиқарли воқеага айланадими?, деган саволга жавоб бера олиши лозим. Яхши томошанинг асосини композицион жиҳатдан мукамал тузилган сюжет ва воқеа ташкил қилади. Бизга маълумки, томошабин сахнадаги коллизияларни ўз ҳаёти билан, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидаги воқеалар билан таққослайди. Шундай бўлса, демак мавзу томошабинга таъсир қилади¹.

Баъзан, мавзунинг сийқаси чиқиб кетган, майда, зерикарли деган муҳокамаларни эшитамиз, лекин гап мавзуда эмас, балки уни қандай кўрсата олишдадир.

Ҳар қандай санъат асари маълум бир жанрга асосланиб яратилади, стилистик ва сюжет кўринишлари бўйича гуруҳланади. Жанрни аниқлаш жараёнида, кўрсатиладиган воқеаларга, ҳаётга бўлган драматургнинг муносабати аниқланади.

Машҳур кино назарийчиси С.Эйзенштейн жанрни – “жанр ҳар доим томошабин эътиборини тортадиган кўрсаткич” – деб ёзган. Шунинг учун продюсер ва режиссёр жанрига катта эътибор беришлари лозим.

Жанр кўп нарсани белгилаб, ҳеч нарсани хал этмайди. Бу борада Волтер “Зерикарлисидан ташқари, барча жанрлар яхшидир” – деган эди. Турли даврларда, турли жанрдаги томошалар томошабинни қизиқтириб, жанрлар тизими жонли организм, ўзгариб турувчи тизимга айланади.

Мавзу, ғояни, жанрни продюсер ва режиссёр аниқлаб олгач, актёрлар ампуласини, керакли маблағни аниқлагач, бозорни ҳисобга олиб, сармоядорлар билан келишади.

¹ Криштул Б.И. Кинопродюсер. М., 2000. –С.25.

Кино санъатида агар маблағ фожиявий фильмга, фантастик триллерга ёки тарихий драмага етмаса, унда бу сармоя кам бюджетли мелодрамага етиши мумкин. Бундай ҳолатда биргина продюсер, ҳар қандай мавзу ёки жанр бўлмасин, саҳналаштиришнинг конструктори, илҳомлантирувчиси бўлиб қолади.

Лойиҳанинг расмий тақдимоти бу – бизнес режадир. Шу билан бирга лойиҳанинг бадиий томони қанчалик ёрқин намоиш этилса, сармоядорларни шунчалик кўп қизиқтириши мумкин. Адабий сценарий бизнес-режанинг асоси ҳисобланади.

Бизнес режа – бу шундай ҳужжатки, унда ўз ишини қандай бошлаши, қандай ишлаб чиқаришни самарали юргизиш ва товарни бозорга олиб чиқиши, қандай технологияни қўллаши, қачон дастлабки даромад олиши, таваккалчилик (риск)ни камайтириши, сарф-ҳаражат даражаси ва фойда олиши, рақобат курашида ютиб чиқиши каби кўрсаткичларнинг лойиҳаси ўз аксини топади.

Бизнес режа продюсер учун гўё бир иш куролидир, аниқроғи компасдир. У жамоанинг иш жараёнини тасвирлаб, продюсернинг ўз мақсадига қай тариқа эришишини, биринчи галда ишнинг даромаддорлигини қай тариқа ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес режа жамоага:

- ўсиб боришга;
- бозорда янги мавқеларни қўлга киритишга;
- ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга;
- янги томошалар яратишга;
- янги мўлжалларнинг амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради¹.

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг аҳамияти тобора ошиб боради. Бирон-бир ишлаб чиқариш, хусусан тижорат ғоясини

¹ Липпис И.В. Бизнес план – основа успеха. М: «Машиностроение». 1993. –С. 32.

режасиз амалга ошириб бўлмаслигини хорижий бизнесменлар аллақачон тушуниб етганлар.

Агар продюсер фаолиятини бизнес режасиз бошласа, тез кунда инқирозга учраб, синиши мумкин. Бизга маълумки, бизнес режа ишбилармонларнинг ҳаммаси учун жуда зарур, гўёки сув билан ҳаводек.

Нега деганда, бизнес режа – бу шундай нарсаки, унинг ёрдамида продюсер ўз лойиҳасини амалга оширади ва сотади. Бунинг учун эса продюсер ўзига лозим бўлган маблағни банкдан қарз олаётган пайтда, банкирни ўз бизнес режаси билан таништириши лозим. Бу нарса ўз келажагини билишни хоҳлаган ва ўз вазифасини аниқ ҳамда пухта тушуниш ниятида юрган ижодий жамоа аъзоларига жуда керакдир.

Бизнес режа ижодий жамоанинг ички ҳужжатигина бўлиб қолмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф этишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан олдин, лойиҳанинг синчиклаб ишлаб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак.

Улар сармоя бериш имкониятларини кўриб чиқишдан олдин бизнес режани синчиклаб ўрганиб чиқишади. Шундан сўнг улар лойиҳани ишлаб чиққанлар билан учрашадилар.

Муваффақиятли тузилган бизнес режа ижодий жамоанинг ҳолатини чуқур таҳлил қилади, ҳамда унинг истиқболидаги ривожланишга холисона ва объектив баҳо беради. У муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли уни бегона одамларга бериш тақиқланади.

Бизнес режа бозор эҳтиёжини инобатга олган ҳолда ижодий жамоа фаолиятини қисқа ва узоқ муддатга мўлжаллаш, шунингдек зарур ресурсларни олиш мақсадида тузилади. У продюсерга куйидаги вазифаларни бажаришга, яъни:

- ижодий жамоадаги аниқ йўналишни, мақсадли бозорлар ва у бозорларда жамоанинг ўрнини аниқлашга;

- жамоанинг қисқа ва узоқ муддатли мақсадини белгилаш ва уларни амалга ошириш тактикаси ҳамда стратегиясини ишлаб чиқишга. Ҳар бир стратегия ижросини таъминловчи масъул, жавобгар шахсларни белгилашга;

- томоша турини танлаш ва томошабинга қилинадиган таклиф таркибини белгилашга, уларни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган ҳаражатларни баҳолашга;

- жамоа мақсадини амалга ошириш учун мавжуд кадрлар салоҳиятининг ҳамда меҳнат муваффақиятининг талаб даражасида эканлигини баҳолашга;

- бозорни ўрганиш, реклама, сотишни рағбатлантириш, нарх-наво, маркетинг фаолияти таркибини аниқлашга;

- жамоа мақсадини амалга оширишда мавжуд молиявий ва моддий ресурсларнинг мувофиқлигини баҳолашга;

- бизнес режани бажаришга халақит берувчи, кўзда тутилган кийинчиликлар, тўғаноқларни олдиндан кўра билишда ёрдам беради.

Бизнес режани назарга илмаган идоралар кутилмаган нохушликларга дуч келиши табиий. Бу нохушликлар нафақат продюсернинг ўзига, шу билан бирга унинг бошлаган ёки юргизаётган фаолиятига қаттиқ зарба бериши мумкин. Шу сабабли вақтни аямасдан бизнес режа тузишга, сўнгра фаолиятни бошлашга жазм этмоқ зарур. Ҳаттоки, бозорда интенсивлик, ўзгарувчанлик бўлган ҳолларда ҳам уни тузишдан воз кечмаслик даркор.

Ижодий жамоа фаолиятини бизнес режа воситасида режалаштириш куйидагича афзалликларга эга:

- продюсерни ижодий жамоа истиқболи билан шуғулланишга мажбур қилади;

- продюсернинг мақсадини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқ мувофиқлаштиришга имкон беради;

- ижодий жамоа фаолиятини назорат қилиш кўрсаткичларини ўрганишга ёрдам беради;

- продюсер ва масъул ходимлар мажбуриятларини янада аниқроқ ўрганишга, уларнинг жавобгарлигини оширишга мажбур қилади;

- жамоа иш фаолиятини бозор вазиятига ҳар доим тайёрлаб беради.

Қисқаси бизнес режа продюсерга мазкур фаолият учун пул сарфлаш кераклиги, бу сарф даромад олиб келадими, олинган даромад сарфланган харажатни қоплаб, рентабеллигини таъминлай оладими, деган саволларга жавоб беради¹.

Бизнес режа қуйидаги ўта долзарб вазифаларни ечиш учун ҳам зарурдир:

- мавжуд лойиҳа учун кредит олиш;
- продюсернинг янги фаолиятни бошлаш ва унинг бўлғуси йўналишини аниқлаш учун;
- четдан инвесторларни жалб қилиш учун;
- янги иқтидорли ижодкорларни жалб қилиш учун;
- тайёр махсулотни (томошани) четга чиқаришни (гастролларни) асослаш ва ҳоказолар учун.

Бу муаммоларни енгиш учун бизнес режа зурурдир. Бизнес режани тузиш жараёни тадбиркорлик ғоясидан бошланиб, олинган фойдани унинг иштирокчиларига тақсимлаш билан якунланади.

Бизнес режани тузишда продюсернинг шахсан иштироки жуда зарурдир, шунинг учун ҳам кўпчилик хорижий мамлакатлар банклари ва инвесторлари, агар бизнес режани бошидан охиригача четдан маслаҳатчи ёллаб бажарилганини билиб қолсалар, бундай бизнес режа лойиҳасига маблағ беришдан воз кечадилар².

Бу дегани бизнес режани ишлаб чиқишда маслаҳатчилар хизматидан фойдаланмаслик керак дегани эмас, аксинча инвесторлар томонидан экспорт маслаҳатчиларининг хизматидан бизнес режани ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги қўллаб-қувватланади. Гап бу ерда бошқа

¹ Лунев Н., Макаревич Л. Бизнес план для получения инвестиций. М.: Внешсигма, 1995. –С.32.

² Шарифхўжаев М., Абдуллаев С. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2001. –Б.423.

нарсада. Бизнес режани ишлаб чиқишда шахсан продюсернинг ўзи катнашиши шарт (6-илова).

Продюсер тузган бизнес режа қуйидаги талабларга жавоб бериши, яъни:

- аниқ ва рафон;
- қисқа ва лўнда;
- мантиқан кучли асосланган;
- тўғри ва ишончли;
- рақам ва фактлар билан ўз тасдиғини топган бўлиши шарт.

Бизнес режа ташкилотчилари бу қуруқ ҳужжатни санъат асарига айлантиришга ҳаракат қилишлари лозим. Масалан, ижодкор персонажлар яшайдиган замонни график чизиб бериши, бундан ташқари асосий саҳналарни табиий чиқишини, костюмёрлар ва грим эскизларни оригинал шакллари ярата олиши мумкин.

Томошани яратувчилар: сценарий муаллифи, режиссёр, рассом, композитор ва актёрларни томошанинг қисқача характеристикаси билан таништириш жуда ҳам муҳимдир.

Бизнес режадаги машҳур актёр ва малакали режиссёрнинг исми-шарифи томошани саҳналаштириш учун керак бўлган маблағни топишга ёрдам бериб, баъзан томошани молиялаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.¹

Юлдуз актёрларнинг томошада иштирок этиши катта аҳамиятга эга бўлиб, томошабиннинг қизиқишини кучайтиради.

Бизнес режа сармоя топилишининг ягона ҳужжати бўлиб, бундан ташқари бизнес режага ҳаражат лимити, лойиҳанинг тайёр бўлиш муддати, ишлатилган маблағнинг қайтариш ва таваккалчилигини баҳолаш каби иқтисодий кўрсаткичлар киради.

Банкдан кредит олиш учун мўлжалланган бизнес режа давлат бюджети ва жамоатчилик фондларидан олинадиган маблағларга

¹ Основы предпринимательской деятельности в кинематографии. М., ВГИК, 1993. –С.12.

мўлжалланган бизнес режадан фарқ қилиши лозим. Банк учун олинган сармойани қайтариш ва процентларни тўлаш асосий масала бўлса, давлат тузилмаси учун эса лойиҳанинг маданий аҳамияти, ижтимоий йўналиши аҳамиятлидир.

Ҳаражатлар лимити – бу дастлабки харажатларнинг умумлаштирилган колкуляция режасидир. Ҳаражат лимити икки хил функцияни бажаради: биринчидан, сармоядорлар учун лойиҳага аниқ маблағ тикиш бўлса, сахналаштирувчилар учун эса, маҳсулотни яратиш учун интилишлари молиявий харажатни чеклаган. Томоша тайёрлашнинг узил-кесил тўлови ганарар тизимдан келиб чиқиб, тайёргарлик жараёнида ҳисоб-китоб қилинган режани колкуляциядан сўнг амалга оширилади.

Таваккалчиликни баҳолаш. Албатта, бизнес-режада кўзда тутилган мақсадлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаслигининг жиддий хавфи бор. Таваккалчиликнинг даражаси ўрганилгач уни камайтириш имкониятлари ишлаб чиқилади.

Кино тижоратидаги барча таваккалчиликлар йиғиндисини икки гуруҳга: ишлаб чиқариш ва тижорат таваккалчилиги факторига бўлиш мумкин¹.

Ишлаб чиқариш таваккалчилиги, ишлаб чиқаришни яқунлашга таъсир қилувчи факторни қамраб олади. Улар суратга олувчи гуруҳнинг, киностудиянинг фаолиятидаги тўхталишлар сабабли вужудга келади. Бунга фильм ишлаб чиқаришда алоҳида рол ижрочиларини алмаштириб бўлмаслик, техник анжомларни йўқотиш, носозлиги, сахналаштириш воситаларининг бошланғич материалларининг йўқлигига тааллуқлидир.

Тижорат таваккалчилигига прокатдан тушадиган маблағни тўлиқ йиға олмаслик, шахсий киномаҳсулот ва муаллифлик ҳуқуқларини ўғирлаш, кўзда тутилмаган солиқларни ошиши, таваккалчилиги киради. Амалда таваккалчиликнинг даражасини камайтириш учун, сармоядорлар

¹ Основа продюсерства аудиовизуальная сфера. Под.Ред. Огурчикова П. М., 2003. –С.28.

ва продюсерлар томонидан ишлатилган қўшимча маблағларга лойиҳанинг комплекс суғуртаси ишлатилади.

Лойиҳани иложи борича кенг халқ оммасига кўрсатиш ва ундан катта фойда олиш – ижодкорларининг охириги мақсадидир. Бу ишга биринчи қадам ҳар томонлама мукамал тузилган бизнес-режасидир. Бу сармоядорга ўзига ишончни уйғотиб, потенциал томошабинни жалб қилишга ёрдам беради.

Лойиҳани молиялатириш. Машҳур америкалик продюсер Сэмуэл Голдвинс лойиҳага қандай қилиб сармоя топиш бўйича қуйидаги маслаҳатларни беради:

“Фильмнинг аниқ ғоясини шакллантиринг. Уни энергияли, кизиқарли, қисқа ва лўнда шаклда тушунтиринг. Жуда ҳам бўрттириб юборманг. Ғояни ўзингиз учун ишлатинг, сценарийни ўқиган одам, сизни кўлласин. Сценарий яхши бўлса, уни баҳолайдилар лойиҳани етказиб беришда, атрофда ортиқча ғавғога йўл қўйманг. Муҳокама қилинаётган мавзунини тушунтира олиб, шу билан бирга кучли, рационал бизнес-режасига эга бўлишингиз керак.

Фильм лойиҳасини ноқулай товар эканлигини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Яхши, ёрқин сценарий, яхши бизнес режа ва машҳур режиссёрнинг номи минг афсуски, ўз-ўзидан муваффақият кафолати бўла олмайди”¹.

Продюсер кредитни олишдан олдин, лойиҳа ҳужжатларини (лойиҳа прокати, продюсернинг сценарийга бўлган ҳуқуқи, суғурта, ҳаражатлар лимити) экспертлар обдон ўрганиб чиқадилар.

Кредит олишда продюсернинг ҳамма тан олган ҳаққонийлиги катта аҳамиятга эга, тўғри бундай тан олиниш, продюсерга кўп йиллик меҳнатдан сўнггина келади. Бундай продюсер фақатгина сармоядорга қанча фойда олишнигина эмас, балки уларга очикдан-очик йўқотилиши мумкин бўлган пуллар ҳақида ҳам гапира олиши мумкин.

¹ Кокарев И. Е. Кино как бизнес. М., 1999. –С. 36.

Аудиовизуал лойиҳани ишлаб чиқишда продюсернинг вазифалари. Аудиовизуал лойиҳани амалга оширишда буюртмачи билан ғояни муҳокама қилиб, кастинг ўтказиш, молиявий таъминотни аниқлаш биринчи жараён ҳисобланади. Лойиҳанинг муваффақиятли чиқиши продюсер ва унинг жамоасининг ушбу босқичдаги бажарадиган ишига боғлиқ. Бу ишни амалга оширишда продюсерда асосан билим ва тажрибанинг бўлиши талаб қилинади. Биринчидан унда – лойиҳага даҳлдор бўлган муаллифлик, режиссура, мусиқага бўлган профессионал муносабати бўлиши лозим. Иккинчидан эса – ташкилотчилик ва молиявий мезонларни бажара олиши талаб қилинади.

Ҳамма санъаткор ҳам бу икки мезонни баробар олиб бора олмайди. Шунинг учун продюсерлик касби энг мураккаб касбларидан бири бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра продюсердан кўра режиссёр ва маъмур касбида ишлайдиганлар кўпчиликини ташкил этади. Продюсерлик – малаканинг кейинги поғонаси ҳисобланади. Бу соҳада продюсер жавобгарликни ўзига ола билиши керак. Бунинг учун, жиддий амалиёт, профессионал ва инсоний тажриба керак бўлади. Амалда продюсер, санъатдаги ҳар қандай касбни тушуниши керак. У сценарий ва мусиқани қандай ёзилишини, турли телевизион техника турларини, чироқ билан ишлашни ва ҳ.к.ларни билиши керак¹.

Шу билан бирга продюсерлик касби доимий равишда инсонлар билан айниқса ижодкорлар билан мулоқот қилишни талаб қилади. Шунинг учун бу касб, психологияни билишни, ҳар бир мулоқот қилинаётган инсонга индивидуал ёндашувни талаб этади. Продюсер бошқа ижодкор раҳбарларидан, ўз ижодий ғояларининг реал баҳосини билиши билан фарқ қилади. Бу баҳо пул, вақт ва кадрларда намоён бўлади. Продюсер режиссёрнинг ишидан норози бўлса ҳам, ўзининг ғоясига кўндириш учун ҳар қанақасига ҳаракат қилади. Продюсер доимо томошабин

¹ Мастерства продюсера кино и телевидения. Под. Ред. Огурчикова П. М., 2009. –С. 58.

қизиқишларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Бу ишда ўз интуициясига амал қилиб, қизиқишларни жиддий ўрганиб, таҳлил қилади.

III боб бўйича хулоса

Замонавий санъатда, санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар продюсернинг бажарадиган иши беқиёсдир. Катта, бой тажрибага эга бўлган чет эл продюсерларининг тажрибасини ўрганиш продюсердан универсалликни, ҳозиржавобликни, ишбилармонликни, муаммоларни қисқа муддатда ҳал эта олишни талаб қилишини кўрсатди. Бу бой тажриба ёрдамида продюсер касби эгаси қандай бўлиши керак, қандай вазифани бажаради? Нималарга эътибор бериши кераклиги каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Республикамизда ижод қилаётган баъзи режиссёрлар продюсер вазифаларини ҳам бажариб келмоқдалар. Лекин улар бажараётган фаолиятни тўлиқ продюсерлик фаолияти деб бўлмайдилар. Масалан, машҳур кинорежиссёр Шухрат Аббосов, режиссёр Латиф Файзиевнинг Хиндистон кино усталари билан суръатга олган “Алибобо ва қирқ қароқчи” бадиий фильмига продюсерлик қилгани маълум. Қолаверса шахсий кино ва театр студиялардаги режиссёрлар ўзларини продюсер деб таништирадилар. Лекин, бундай системага қўйилмаган продюсерлик ишлари Республикамизда бу соҳанинг ривожланишига туртки бўла олмаябди.

Тўғри, бу соҳа Республикамизда ёш соҳа. Шунинг учун биз олган тадқиқот доирасида мана шу соҳанинг келиб чиқиш тарихи, ривожини, унинг иш услубларини чуқур илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шояд бизнинг меҳнатимиз шарофати билан бу соҳага мутахассисларни тайёрлашнинг методологиясини, усулларини яратишга ҳисса қўшамиз деб умид қиламиз.

Тошкентда “Тулибону” продюсерлик марказининг очилиши ўзбек санъатининг чет элда тараннум қилишга ёрдам берди. Бу марказ орқали кўплаб профессионал ва халқ жамоалари дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган фестивалларда қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Продюсер Музаффар Ортиқов томонидан катта кўғирчоқлар театр студиясининг очилиши айни муддао бўлди. Қисқа вақт ичида болалар учун ўндан ортиқ спектакллар саҳналаштирилди. У спектаклни саҳналаштириш учун зарур бўлган декорация, костюм-ниқоблар, реквизит ва бутафорларни ишбилармонлик билан молиявий таъминлаб, ўзини-ўзи қоплаш услубида иш олиб бормоқда. Продюсернинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини продюсер бошчилик қилган спектакллар мисолида кўришимиз мумкин.

Шоу бизнесда фаолият юритаётган продюсер Шавкат Мусаев ҳам салмоқли ишларни бажармоқда. Чет элда продюсерлар санъат университетларининг махсус факультетларида тайёрланади. Бўлажак продюсерлар ўзлари танлаган санъат турини чуқур ўрганишдан ташқари, бухгалтерлик ҳисоби, иқтисод, математика каби фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Кундалик ҳаётимизда ойнаижаҳон орқали томоша қиладиган “реклама роликлари”, “телесериаллар”, “видео клиплар” ҳам продюсернинг фаолиятисиз юзага чиқиши қийин.

Шундай экан, продюсерга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Санъат асарларини сифатли, бадиий етук, рақобатбардош бўлишида бу касбнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Продюсер ижодий жараёни ташкил қилишга лаёқатли бўлса ҳам, иқтисодни яхши тушунмаслиги мумкин. Шунинг учун продюсерлик касбининг эгаси универсал бўлиши лозим.

Республикамизда баъзи шахслар томонидан пуллик олти ойлик, бир йиллик продюсерларни тайёрлайдиган курсларни очишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин бу курсларда продюсерларни тайёрлаш учун етарли имкониятлар, илмий ишлаб чиқилган ўқитиш дастурлари ва уларга сабоқ берадиган мутахассисларнинг йўқлиги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Санъат бўйича бошланғич маълумоти йўқ одамдан қандай қилиб продюсер тайёрлаш мумкин? Бундай курсларда фақатгина бир ёқлама, кўр-кўрона иш олиб борилиб, пул ишлашгина мақсад қилиб

қўйилган. Шу билан бирга бу курсларда асосан муסיқа продюсерини тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, бу ҳам аниқ ишлаб чиқилган дастурларсиз амалга оширилмоқда. Қонун бўйича муסיқий саводи йўқ кишини бундай курсда ўқитиб бўлмайди.

Шунинг учун ушбу тадқиқотда биз продюсерлик касбининг ниҳоятда мураккаблигини, унинг вазифаларини, ижодий жараёни ташкил қилишдаги бажаришимиз лозим бўлган услублар, мезонларни илмий асослаб, очиб беришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, продюсер ўзининг олдида турган мақсад ва вазифаларини аниқ билиши ва ишлаб чиқиши лозим.

Ушбу режада бу лойиҳани амалга оширишга кетадиган вақт, жалб қилинадиган иштирокчилар, техник воситалар, керакли реквизит ва бутафорлар, ёрдамчи хизматчилар, ҳамма-ҳаммаси аниқ кўрсатилиши лозим. Ижодий гуруҳнинг қалбига йўл топишда, умумий ишга қизиқтиришда, у психолог, ташкилотчи ва маъмур вазифаларини бажара олиши лозим. Фақат шундагина ижодий жамоанинг ишини максимал даражага кўтариш мумкин.

Х У Л О С А

Продюсер сўзи, бизнинг ҳаётимизга мобил телефон, электрон почта, интернет каби беҳосдан кириб келди. Куни кечагина бу сўзни билмас эдик, ҳозирги кунда эса продюсерларни кўпгина бадий фильмлар, сериалларнинг титрларида, афишаларда ўқишимиз мумкин. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида санъатнинг барча турларида продюсерлар кўп йиллар давомида ижодий фаолият олиб бормокдалар. Айниқса АҚШнинг Голивуд кино саноатида уларнинг фаолияти салмоқлидир. Охириги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида эстрада-шоу томошаларининг ривожланишида продюсерларнинг меҳнати каттадир.

Продюсер системаси 1910 йил Голивудда туғилиб, ижодий ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этишга қўйилган қадам бўлиб, кинофильм ишлаб чиқариш ва прокатни йўлга қўйишга ёрдам беради. Урушгача бўлган Америка киноси юзини, режиссёрлардан кўра продюсерлар кўрсата олишган. Лекин, продюсерларнинг иш фаолиятида ижодга ва ходимларга катта талаблар қўйганликларида айблов даъволари қилинган. Масалан, продюсер, Д.Слезника “Шамол олиб кетганлар” фильми лойиҳасини бажаришда, фильмни олиш жараёнида тўртта режиссёрни алмаштирган. Шу билан бир қаторда режиссёрлар ғоясини амалга оширишга ёрдам берган. Продюсерлар янги, ёш иқтидорли режиссёрларни кашф этишган.

Бир қанча ҳам дўстлик мамлакатларида (собик шўролар республикаларида) кино саноатида продюсернинг пайдо бўлиши, фильм ишлаб чиқаришдаги пул ҳаржни тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон кино саноати айнан продюсерлар фаолияти туфайли ривожланмоқда. Айнан мана шу инсонлар фильм учун пул топиб, ҳомийлар ва инвесторлар олдида қилинган ҳаражатлар учун жавоб беради.

Бизга маълумки продюсерлик санъатининг ўзаги бўлиб, йўналишлар бўйичагина бир қанча турларга бўлинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек продюсер (театр продюсери, мусиқа продюсери, ўйин продюсери,

(компьютер ўйинлари санъатида) фильм продюсери ва телевизион продюсер) турларига бўлинади¹. Продюсер санъатининг қайси йўналишида иш олиб бормасин, шу йўналишни назарий ва амалий яхши билиши, уни чуқур таҳлил қила олиши лозим. Режиссурани, мусиқа назариясини, сахна техникаси ва суръатга олиш технологиясини билмай туриб иш олиб бориш мумкин эмас. Бу касб жуда катта меҳнат талаб қиладиган, жуда ҳам мураккаб соҳа ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимиздаги бозор иқтисодиёти жараёни, маданий фаолиятга ҳам санъатга ҳам таъсир қилди. Маданиятда катта ўзгаришлар юз берди. Санъатда иқтисодий томонга эътибор кучайди. Шундай қилиб санъат лойиҳаларида ижод билан иқтисод, лойиҳанинг асосий бўлагига айланди. Бу икки бўлакнинг бирлашиши лойиҳанинг рақобатбардошлигини ва оригиналликни сақлашга ёрдам берди.

Замонавий продюсер эстрада ижодий гуруҳи билан ишлаш фаолиятида томошабинларнинг таклиф-истакларини, қизиқишларини чуқур ўрганиш лозим. Шундан сўнг яратиладиган томоша драматургиясида ғояни очиб бера оладиган номерлар композицион жиҳатдан танланди.

Продюсер ижодий эстрада гуруҳи билан ишлашда гуруҳ иштирокчиларининг қалбига психолог сифатида йўл топа олиши керак. Бўлажак талабалар (мутахассис) қиладиган иши бизнес режасини амалга ошириш йўлларини топа олиши лозим. Айниқса замонавий томошабиннинг қизиқишлари, актёр кадрларнинг маҳорати алоҳида эътиборга лойиқ. Шундай шароитда нима қилиш керак?

Бизнинг фикримизга эстрада жанри бўйича иш олиб бораётган илғор чет давлатлар тажрибасига таяниб, эстрада жамоасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки, эндигина бозор иқтисодиётига ўтган Республикамизда бу шароитни тўғри талқин қилиб олиб чиқа оладиган продюсерларнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга кўпгина илмий ва

¹ Криштул Б.И. Кинопродюсер. М. 2000. – С. 21.

амалий тажрибаларни баён қилган машҳур продюсерларнинг таъкидлашича, санъатнинг бир туридагина тўлиқ маълумот олишнинг ўзигина етарли эмас. Шунинг учун ҳаётини ва амалий тажриба бўлиши талаб қилинади.

Театр соҳасида, кино майдонида, ТВ соҳасида ёки оммавий байрам ва томошалар ва эстрада соҳаси бўлишидан қатъий назар, продюсер санъат жанрининг ўзига хослигини тушуниши ва ўзига хос хусусиятларни англаши лозим.

Авваламбор, эстрада томошалари продюсери эстрада томошаларининг таркибий қисмини, қандай номерлардан ташкил топишини яхши билиши керак. Кўпинча, бу соҳанинг мутахассиси бўлмаса ҳам баъзи режиссёрлар жазм қиладилар. Лекин, минг афсуски драма режиссёри билан эстрада томошалари мутахассислари ўртасидаги билиши керак бўлган илмий ғояларни билмайдилар ва билишни ҳам хоҳламайдилар.

Айнан шу пайтда продюсернинг хизмати керак бўлади! Бизнинг Ватанимиз учун янги бўлган касбнинг афзаллиги айнан шу дамда маълум бўлади. Биз продюсер нима учун керак? Бу соҳанинг санъаткор учун (санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар) қандай фойдаси бор, нима қила олади, нима учун керак, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдик.

Юқорида зикр этилган изланишлар дифференциал ёндашувнинг педагогика, психология ва социологияда амалиётда қўлланган тажрибанинг баъзи муаммоларинигина ўрганган. Шу кунгача бу изланишларда аниқ манзил кўрсатилмаган.

Шундан келиб чиқиб, биз продюсер фаолиятидаги ижодий гуруҳ ишининг дифференциал ёндашув орқали самарадорлигини ошириш мақсадида, бу муаммони ҳал этишда ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик тадқиқот ўтказдик. Бу борада қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Ижодий гуруҳ объектига дифференциал ёндашувнинг муаммолари ҳолатини аниқлаш.

2. Объектга дифференциал ёндашиш методикаси ва методологиясини ишлаб чиқиш.

3. Ижодий гуруҳга дифференциал ёндашув мезонларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

4. Ижодий гуруҳ дифференциал ёндашув амалиётининг педагогик шароитларини янада бойитиш.

5. Гуруҳга дифференциал ёндашганда психологик (эмоция, сабаб, қизиқиш, интилиш, хоҳиш, ишонтириш каби) шароитларни чуқур ўрганиш.

Ижодий гуруҳ билан иш олиб бораётган продюсер, гуруҳга дифференциал ёндашганда, гуруҳ аъзоларининг ўзига бўлган ишончини уйғота олиши, умумий ишга бўлган қизиқишини орттира олиши, бўлажак томошанинг сифатида, томошабоплигида акс этади. Энг асосий ижодий гуруҳда ижодкорлик муҳитини ярата олиши лозим.

Замонавий санъатда, санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар продюсернинг бажарадиган иши беқиёсдир. Катта, бой тажрибага эга бўлган чет эл продюсерларининг тажрибасини ўрганиш продюсердан универсалликни, ҳозиржавобликни, ишбилармонликни, муаммоларни қисқа муддатда ҳал эта олишни талаб қилишини кўрсатди. Бу бой тажриба ёрдамида продюсер касби эгаси қандай бўлиши керак, қандай вазифани бажаради? Нималарга эътибор бериши кераклиги каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Республикамизда ижод қилаётган баъзи режиссёрлар продюсер вазифаларини ҳам бажариб келмоқдалар. Лекин улар бажараётган фаолиятни тўлиқ продюсерлик фаолияти деб бўлмайдди. Масалан, машҳур кинорежиссёр Шухрат Аббосов, режиссёр Латиф Файзиёвнинг Хиндистон кино усталари билан суръатга олган “Алибобо ва қирқ қароқчи” бадий фильмига продюсерлик қилгани маълум. Қолаверса шахсий кино ва театр

студиялардаги режиссёрлар ўзларини продюсер деб таништирадilar. Лекин, бундай системага қўйилмаган продюсерлик ишлари Республикамизда бу соҳанинг ривожланишига туртки бўла олмаябди.

Тўғри, бу соҳа Республикамизда ёш соҳа. Шунинг учун биз олган тадқиқот доирасида мана шу соҳанинг келиб чиқиш тарихи, ривож, унинг иш услубларини чуқур илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шояд бизнинг меҳнатимиз шарофати билан бу соҳага мутахассисларни тайёрлашнинг методологиясини, усулларини яратишга ҳисса қўшамиз деб умид қиламиз.

Продюсер ижодий жараёни ташкил қилишга лаёқатли бўлса ҳам, иқтисодни яхши тушунмаслиги мумкин. Шунинг учун продюсерлик касбининг эгаси универсал бўлиши лозим.

Шунинг учун ушбу тадқиқотда биз продюсерлик касбининг ниҳоятда мураккаблигини, унинг вазифаларини, ижодий жараёни ташкил қилишдаги бажаришимиз лозим бўлган услублар, мезонларни илмий асослаб, очиб беришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, продюсер ўзининг олдида турган мақсад ва вазифаларини аниқ билиши ва ишлаб чиқиши лозим. Ушбу режада бу лойиҳани амалга оширишга кетадиган вақт, жалб қилинадиган иштирокчилар, техник воситалар, керакли реквизит ва бутафорлар, ёрдамчи хизматчилар, ҳамма-ҳаммаси аниқ кўрсатилиши лозим. Ижодий гуруҳнинг қалбига йўл топишда, умумий ишга қизиқтиришда, у психолог, ташкилотчи ва маъмур вазифаларини бажара олиши лозим. Фақат шундагина ижодий жамоанинг ишини максимал даражага кўтариш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. 1997-йил 29-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октабрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. 1998 йил 22 майдаги “Ўзбектеатр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. Каримов И.А. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
4. Каримов И.А. “Миллий театримиз - ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

5. Дарсликлар

1. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А.. “Актёрлик маҳорати”. Т.: Фан ва технология. 2012.
2. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.

3. Қорабоев У.Х. “Ўзбек халқи байрамлари”. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.
4. Душамов Ж. “Оммавий тадбирлар режиссураси”. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002.
5. Станиславский К.С. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
6. Муҳаммад Ҳ. Сценарийнавислик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
7. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
8. Муҳамедов М. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
9. Маҳмудов Ж. “Саҳна композицияси алифбоси”. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
10. Абдусаматов Ҳ. “Драма назарияси”. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.

6. Ўқув қўлланмалар

1. Маматқосимов Ж.А. “Оммавий байрамлар режиссурасида саҳна маданияти”. Т.: “Фан ва технология”. 2009.
2. Латков А. Значение, места и роль управления рисками в системе управления продюсерской деятельности сб .ет. М., 2009.
3. Мастерства продюсера кино и телевидения. Под. Ред. Огурчикова П . М., 2009.
4. Турсунбоев С. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
5. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
6. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати”. Т.: “Чўлпон”. 2007.
7. Корнеев С. Как зажигают звёзды. Санкт Петербург. 2004.
8. Қодиров М.Х. “Ўзбек театри тарихи”. Т.: “Ижод дунёси”. 2003.
9. Основы продюсерства. под.ред. Иванова Г. М.: UNITY. 2003.
- 10.Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: “Ўқитувчи” 2001.
- 11.«Основы продюсерства» аудиовизуальная сфера. Под. ред. Огурчикова П. М., 2003.
- 12.«Основа продюсерства» Аудиовизуальная сфера. Под.ред. Огурчикова П. М.: 2001.
- 13.Криштул Б И. Кинопродюсер. М. 2000.
- 14.Кокарев И Е. Кино как бизнес. М., 1999.
- 15.Крилёв А. Согласительность как форма жизни. ПСФ. 1999. № 6.
- 16.Аркус Л, Васильева И. Бедность не порок. Современная драма в явлениях, сценах и исторических отступлениях. 1998, №16.
- 17.Ризаев Ш. “Жадид драмаси”. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.
- 18.Лунев Н., Макаревич Л. Бизнес план для получения инвестиций. М.: Внешсигма, 1995.

19. Основы предпринимательской деятельности в кинематографии. М., ВГИК, 1993.
20. Липщис И.В. Бизнес план – основа успеха. М: «Машиностроение». 1993.
21. Симонов П.В., Ертов П.М. Темперамент, характер, личность. М.: «Наука». 1984.
22. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.:»Ўқитувчи”. 1981.
23. Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М.: «Просвещение». 1986.
24. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., 1981.
25. Чет тили сўзлари луғати. М.: 1979.
26. Туманов И.М. Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. Л., 1974.
27. Довженко А. Асосий тўплам. М.: 1969. 4 т.
28. Алексеев А.Г. Серьезное и смешное. М., 1967.
29. Шаляпин Ф.И. Сборник. В 2-х Т. М., 1957. Т.1.
30. Станиславский К.С. Ас.тўп. М.: «Искусство». 1954. 2 т.
31. Горчаков Н.М. Режиссёрские уроки Станиславского. М., 1951.
32. Файол А. Учебник об управлении. Рязань. 1927.

7. Интернет сайтлари

1. Ziyonet – Ўзбекистон таълим портали
2. <http://www.uzbekteatr.skm.uz> – “Ўзбектеатр” ИИЧБ сайти
3. <http://www.teatr.uz> – Ўзбек Миллий Академик драма театри сайти
4. <http://www.teatr.ru> – Россия Федерациясининг “Театр афишаси” журнали сайти
5. <http://www.teatr-stanislavsky.ru> – К.С.Станиславский номидаги драматик театр сайти
6. <http://www.teatr-estrada.ru> – Москва давлат эстрада театри сайти